



محمد سعيد رمضان البوطي

МУҲАММАД САЪИД
РАМАЗОН БУТИЙ

الْحُبُّ فِي الْقُرْآنِ

وَدَوْرُ الْحُبِّ فِي حَيَاةِ الْإِنْسَانِ

ҚУРЪОНДА

муҳаббат ва унинг

ИНСОН

ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ



28-24
Б 96

IR

محمد سعيد رمضان البوطي

МУҲАММАД САЪИД
РАМАЗОН БУТИЙ

الذُّبُ فِي الْقُرْآنِ

وَدَوْرُ الذُّبِ فِي حَيَاةِ الْإِنْسَانِ

ҚУРЪОНДА

мухаббат ва унинг

ИНСОН

ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ



MUNIR
NASHRIYOTI

ТОШКЕНТ - 2022

УЎК 28-24
КБК 86.38
Б 96

Масъул муҳаррир:
Ж. Шодиев

Таржимон:
Ж. Жўраев

Нашрга тайёрловчи:
И. Нуруллоҳ

Қуръонда муҳаббат ва унинг инсон ҳаётидаги ўрни / Нашрга тайёрловчилар: И. Нуруллоҳ – Тошкент: “Book Media Shop” МЧЖ қошидаги “Munir” нашриёти, 2022. – 208 б.

Ушбу китоб “Қуръони каримда муҳаббат” ва “Муҳаббатнинг инсон ҳаётидаги ўрни” деб номланган икки катта бўлимдан иборат. Ушбу китобда Аллоҳ таолонинг инсонга, инсоннинг эса Аллоҳ азза ва жаллага ҳамда ўзи каби бошқа инсонларга нисбатан муҳаббати, севгининг инсон ҳаётидаги ўрни, унинг шариятга мувофиқ ва ундан оғиб кетган ҳолларда намоён бўлиш шакллари ҳақида сўз боради.

УЎК 28-24
КБК 86.38

7
*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 5 октябрдаги
03-07/6066-рақамли ҳулосаси асосида нашрга тайёрланди.*

Ушбу китобдан нашриёт ва эгалик қилувчи шахс рухсатисиз тўлиқ ёки қисман (ксерик, офсет, лазер ва бошқа исталган усуллар билан) нусха кўчириш, у асосда аудио-видео шаклда маҳсулот тайёрлаш, тарқатиш, оммага тақдим қилиш, очиқ манбаларга юклаш шаръан ҳаром, қонунан таъқиқланади.

ISBN 978-9943-8014-7-9

© “Munir” нашриёти, 2022

2023/44-2

СЎЗБОШИ

Кўплаб асарлар муаллифи, юксак балоғат ва нозик қалб соҳиби Муҳаммад Саид Рамазон Бутий асримизнинг энг етук адиб ва балоғат соҳибларидан бири саналадилар. Шунингдек, фалсафа, мантиқ ва мунозара илмининг ҳам ёрқин шахсиятларидан бўлган. Исломий ақида борасида мўтабар асарлар битган. Хусусан, у китобларида бугунги фикрий оқимлар ва адашган тоифаларга раддиялар берган.

У кишининг битган ҳар бир асари беназир бўлиб, турли жабҳа ва мутахассисликларда улар муҳим манба ҳисобланади. Ақида, фикҳ, усулул фикҳ, ҳадис, фикр, фалсафа ва адабиёт бўйича асарлари шулар жумласидан. Олим асарларида Аллоҳ таолонинг Китоби ҳамда Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига таянган. Унинг ҳар бир сўзи мухлислари, ўқувчилари ва тингловчиларининг юрак-юрагига кириб борган.

Олимнинг қўлимиздаги китоби “Қуръони каримда муҳаббат” ва “Муҳаббатнинг инсон ҳаёти-

даги ўрни” деб номланган икки катта бўлимдан иборат. Ушбу китобда Аллоҳ таолонинг инсонга, инсоннинг эса Аллоҳ азза ва жаллага ҳамда ўзи каби бошқа инсонларга нисбатан муҳаббати, севгининг инсон ҳаётидаги ўрни, унинг шариатга мувофиқ ва ундан оғиб кетган ҳолларда намоён бўлиш шакллари ҳақида сўз боради.

Таҳририятдан

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Неъмат ва фазл эгаси бўлган Ваҳҳоб Аллоҳ таолога ҳамд, уммий пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг аҳли байтлари ва саҳобаларига салоту саломлар бўлсин. Аллоҳим, Сендан муҳаббатингни, Сенга муҳаббат қўйганинг муҳаббатини, муҳаббатингга етказадиган амалнинг муҳаббатини сўрайман. Аллоҳим, муҳаббатингни мен учун нафсим, аҳлим ва муздек сувдан ҳам маҳбуброқ қилгин.

КИТОБ ҲАҚИДА СЎЗ

Камина ёзувчилар ҳамда тадқиқотчиларнинг ёзганларини кўздан кечириб, уларнинг Куръони азим ўзида мужассам этган ақоид, шаръий ҳукмлар, балоғат, фасоҳат, эъжоз ҳамда ундаги қиссалар ҳақида кўплаб асарлар таълиф этганларига гувоҳ бўлдим. Бироқ, шу билан бирга уларнинг лоақал бирортаси ҳар куни ўқийдиганимиз Аллоҳнинг Китобидаги муҳаббат ҳақида бирон нарса ёзмаганини билдим.

Аслида эса адиблар учун бош мавзу, шоирларга илҳом манбаи, мажлислару ва кўнгил кечаларининг файзи, файласуф ва олимларнинг ўртасини боғловчи кўприк ҳам аслида тиллардан тилларга кўчиб юривчи айнаи шу муҳаббатдир.

Дарҳақиқат, муҳаббат ижтимоий муносабатлар ҳамда оилавий ҳаётда ўз ўрни ва кучига эга бўлган бир туйғу ўлароқ қанчадан-қанча инсонлар учун ўчмас тарих ҳамда унутилмас кунлар тимсоли бўлиб келган ва келмоқда. Номлари тарих варақларига сочилиб кетган, қурбонлари кўламини ақллар қамраб ололмайдиган даражада кўп бўлган ушбу туйғу қанча нафсларни тирилтириб, қанча қалб соҳибларини ўлдирмади, дейсиз.

Шубҳасиз, қилар иши ҳамда таъсири улкан ва оламшумул бўлган муҳаббатга Аллоҳнинг Кито-бида ҳам катта ўрин ажратилган.

Қуръони каримга диққат билан назар солсак, Раббимизнинг Китобида муҳаббат икки хил муносабатда – муайян ҳолатлар учун зарур ва мисли йўқ даво ва ундан қочиш лозим бўлган хасталик сифатида намоён бўлувчи ўринларда зикр қилинганини мушоҳада этамиз.

Ақлларни тафаккурга тарғиб қилган Қуръони азим қалбларни ҳам муҳаббатга ундаб, ақллар ила таниб олинадиган ҳаққа қалб муҳаббати ила йўналиш зарурлигини таъкидлайди. Ўз ўрнида Қуръони мажид юракларни муҳаббатга лойиқ бўлмаган кимса ва нарсаларни яхши кўришдан қатъий тарзда қайтаради ҳам.

Шундай экан, Қуръони карим эътибор қаратган ушбу мавзудан юз ўтиришимиз мумкинми?!

Ушбу ҳақиқатларни англагач, ёзувчи ва олимларнинг Қуръони карим сўз юритган муҳаббат мавзуси ҳақида ёзишдан нима қайтаргани ҳақида тафаккур қила бошладим. Шунда бунинг фақат биргина сабаби бор бўлиши мумкин, деган тўхтамга келдим. У ҳам бўлса, Қуръон бандаларни севиш нафсга оғир келадиган нарсаларнинг муҳаббатига чақириб, нафс яхши кўришдан озод бўлиши ўта қийин бўлган нарсаларнинг муҳабба-

тидан қайтаришидир. Зеро, Қуръони карим инсонни муҳаббатига буюрган нарсаларни яхши кўриш ва нафсда уларга нисбатан унсу улфатни пайдо этиш ҳамиша машаққатли бўлиб, башарий нафсни ушбу муҳаббат тақозо этувчи ишларни лозим тутишга кўниктириш ўта мушкул бир жараёндир. Шу боис ҳам Қуръоний муҳаббат баёнига киришган ёзувчи ёки олимнинг Раббимизнинг Китоби иқрор ва даъват этаётган нарсалар ҳамда нафс истаклари ўртасида тараддудга тушиб қолиши табиий ҳолдир.

Ҳақ ва ботил орасини фарқлаш, хатолардан сақланиш, тўғри йўлни таниб олиш учун манҳаж ва мезонларни жорий этиш йўлида ақлни ишга солиш ҳақидаги Қуръоний хитобларни ўрганишда эса нафсни шаҳватларидан узиб, машаққатга солувчи бирор бир нарса йўқ. Чунки ақл ўз зотига кўра мажбурловчи эмас, балки далолат қилувчидир. Ақл нимани тасдиқ этмасин, Қуръони карим у билан ҳукм қилиб, унга эргашишни қанчалик амр этмасин, ҳар қандай ҳолатда ҳам ақлнинг вазифаси ишларнинг ҳақиқатини баён этиб, унга ишора қилишдангина иборат бўлади, холос. Нафс ва ҳаво иккиси эса аксинча – инсонни бошқарувчилик сифатини ўзида мужассам этгани ҳолда ўз соҳибини тинмай лаззатлар сари бошлайди.

Шунинг учун ҳам турли муносабатлар билан ўтказиладиган кечалар, суҳбат ва мажлисларда иштирокчиларнинг фикрий, шаръий ва бошқа илмий масалаларга оид мавзуларда мунозара қилишларининг гувоҳи бўламиз. Натижада эса улар мажлисдан аввал қандай бўлган бўлсалар ўша ҳолатларида – юриш-туришларида бирор бир нарса ўзгармай тарқаладилар. Уларнинг йиғилишларда баҳс қилиб, у бўйича иттифоқ қилган масалалари, чиқарган қарорлари эса бор-йўқ иши ҳақиқатларни идрок этиш бўлган ақлнинг олдига ташланган бир ҳовуч ем кўринишида қолиб кетади. Инсоннинг амалларида намоён бўлувчи юриш-туриш эса инсонга таъсир қилиш жиҳатдан ақлликдан кўра қудратлироқ сифат ҳамда омилларга эгадир.

Юқорида келтириб ўтилган омиллар каминани Куръондаги муҳаббат баёни ҳақида китоб таълиф этишга ундади. Мен ушбу китобда Аллоҳ таолонинг инсонга, инсоннинг эса Аллоҳ азза ва жаллага ҳамда ўзи каби бошқа инсонларга нисбатан муҳаббати, севгининг инсон ҳаётидаги роли, унинг шариятга мувофиқ ва ундан оғиб кетган ҳолларда намоён бўлиш шакллари ҳақида Куръони каримда нима дейилгани ҳақида баҳс этишга ҳаракат қилдим.

Камина Аллоҳ азза ва жалладан агар муҳаббат мавзусига оид ушбу камтарона меҳнат маҳ-

сули ушбу йўналиш дебочаси бўлса, ундаги нуқсонларимни афв этиб, уни хайрли этишини, агар ушбу рисола мендан аввалги солиҳлар китобат қилган сатрларнинг давоми бўлса, Ўз фазли билан ушбу арзимас уринишим натижасини уларнинг қаламида жорий бўлган ҳақ баёнига қўллов этишини сўраб қоламан.

Неъматини ила солиҳ амаллар тамомига етдиган Аллоҳ таолога ҳамдлар, пайғамбарларнинг афзали Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салавоту саломлар бўлсин.

***Муҳаммад Саъид
Рамазон Бутий***

АЛЛОҲ ТАОЛОНИНГ ИНСОНГА МУҲАББАТИ

Муқаддима

Қуръони каримда Аллоҳ таолонинг инсонни муқаррам этганига оид маъноларни ўз ичига олган кўплаб оятлар келган. Жумладан, Қуръони каримнинг бир неча ўринларида У Зот азза ва жалланинг фаришталарни Одамга сажда қилишга амр этгани баён этилган. Албатта, бу сажда ибодат саждаси эмас, балки Аллоҳ таоло Ўз “қўл”и билан яратган инсонни икром ва олқиш-лаш маъносида бўлган.

Шунингдек, Раббимизнинг Китобидаги бир қанча оятларда Одам алайҳиссаломни Ўз ҳузуридан туширилган руҳ ила яратиш билан башариятга бемисл қарам кўрсатиб, инсонни яратикларнинг гултожи қилганининг хабари ҳам мавжуд.

Яна Қуръони каримнинг кўплаб оятларида Аллоҳ азза ва жалланинг касб ила эришиладиган ва тамомига етадиган неъматлар ҳамда инсон аралашувисиз тўғридан-тўғри унинг манфаатларига хизмат қиладиган этиб яратиб қўйилган сон-саноксиз икромларнинг васфи ҳам келган.

Масалан, Аллоҳ таоло Исро сурасининг 70-оятида:

وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِي آدَمَ وَحَمَلْنَاهُمْ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ وَرَزَقْنَاهُمْ
مِنَ الطَّيِّبَاتِ وَفَضَّلْنَاهُمْ عَلَى كَثِيرٍ مِمَّنْ خَلَقْنَا
تَفْضِيلًا ﴿٧٠﴾

“Батаҳқиқ, Биз Бани Одамни азизу мукарам қилиб қўйдик ва уларни қуруқлигу денгизда (улов-ла) кўтардик ҳамда уларни пок нарсалар ила ризқлантирдик ва уни Ўзимиз яратган кўп нарсалардан мутлақо афзал қилиб қўйдик”¹, деб марҳамат қилади.

Бошқа бир ояти каримада эса:

وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَائِكَةِ اسْجُدُوا لِآدَمَ فَسَجَدُوا إِلَّا إِبْلِيسَ أَبَى
وَأَسْتَكْبَرَ وَكَانَ مِنَ الْكَافِرِينَ ﴿٣٤﴾

“Фаришталарга: “Одамга сажда қилинглар!” деганимизни эсла. Бас, сажда қилдилар, магар иблис бош тортди, мутакаббирлик қилди ва кофирлардан бўлди” (Бақара, 34-оят), деб хабар берган.

Ҳижр сурасининг 29-оятда эса Аллоҳ таоло одамга киритилган руҳни Ўзига нисбат бе-

¹ Китобдаги Қуръони карим оятлари маънолари таржимаси шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг “Тафсири Ҳилол” китобидан олинди.

риш ила инсон қадрини улуғлаб, фариштала-рига шундай хитоб қилади: “Бас, қачонки уни тўғрилаб бўлганимда ва ичига Ўз руҳимдан пуфлаганимда, унга сажда қилган ҳолингизда йиқилинг”.

Аллоҳ таоло яна шундай марҳамат қилади:

اللَّهُ الَّذِي خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ وَأَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَخْرَجَ بِهِ مِنَ الثَّمَرَاتِ رِزْقًا لَكُمْ وَسَخَّرَ لَكُمُ الْفُلْكَ لِتَجْرِيَ فِي الْبَحْرِ بِأَمْرِهِ وَسَخَّرَ لَكُمُ الْأَنْهَارَ ﴿٣٢﴾ وَسَخَّرَ لَكُمُ الشَّمْسَ وَالْقَمَرَ دَائِبَيْنِ وَسَخَّرَ لَكُمُ اللَّيْلَ وَالنَّهَارَ ﴿٣٣﴾

“Аллоҳ осмонлару ерни яратган, осмондан сув тушириб, у ила меваларни сизга ризқ қилиб чиқарган, Ўз амри ила денгизда сузмоғи учун кемаларни сизга бўйсундирган ва анҳорларни сизга бўйсундирган зотдир. У сизга доимий ҳаракатдаги қуёш ва ойни ҳам, шунингдек, кеча ила кундузни ҳам хизматчи қилиб қўйди” (Иброҳим, 32-33-оятлар).

Шу ва шу каби оятларнинг бари инсоннинг Аллоҳ таолонинг наздида хос ўрин ва имтиёзга эга эканлигига далолат қилади. Шубҳасиз, инсон ушбу мақом ва хос даражага ўз саъй-ҳаракати орқали эмас, балки Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг фазли ҳамда сийлови билан эришгандир.

Таъкидлаш жоизки, ушбу оятларда зикр қилинган оламлар Парвардигори томонидан мукаррам қилинган инсон деганда барча дин, гуруҳ, қавм, ирқ ва жамиятларга оид башариятнинг ҳамма вакиллари назарда тутилган бўлиб, бу мазкур илоҳий икром ва шараф инсонга шаръий таклифлар – мажбуриятлар юкланишидан аввал ҳам хос бўлганини англатади.

Бу эса ўз навбатида инсондаги ушбу имтиёз ва шарафнинг Аллоҳ розилиги йўлида қилинган жидду жаҳдлари натижасида эришилган рутба самараси эмас, балки бани башар дин ва шаръий мажбуриятлар унга юкланишидан аввал Аллоҳнинг фазлу карами ўлароқ берилган хос насиба эканини билдиради.

Ушбу ҳақиқатларни тушуниб олган бўлсак, энди ўзимизга савол берайлик: “Раббимизнинг турли кўриниш ва шаклларда намоён бўлувчи ушбу тақрими – шарафлаши нимага далолат қилади?”

Шубҳа йўқки, ушбу тақрим Ўз “қўл”и билан яратиб, ҳузури олийсидан бўлган рухни пуфлаган, фаришталарини унга сажда қилдириб, борлиқнинг аксарини хизматига бўйсундириб қўйган Аллоҳ таолонинг инсонга бўлган муҳаббати далилидир.

Муҳаббат ва унинг таъсири орасидаги алоқа эса маълум ва равшан бўлиб, бунга ҳеч ким шак қилмайди.

Шу ўринда эътиборга олинishi лозим бўлган муҳим бир мулоҳазани баён этсак. У ҳам бўлса Аллоҳ таолонинг инсонга бўлган икромии кўринишлари билан У Зотнинг башарга бўлган муҳаббати бир нарса эмас. Демак, тақрим ва муҳаббат бир-биридан фарқ қилувчи икки сифат бўлиб, Аллоҳнинг инсонга бўлган муҳаббати У Зотдан бўлган тақримнинг айни ўзидир, дейиш тўғри бўлмайди.

Аллоҳ таоло

يُحِبُّكُمْ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ

“Аллоҳ сизга муҳаббат қилади ва сизларни гуноҳларингизни мағфират қилади” (Оли Имрон, 31-оят), деган қавлида У Зот азза ва жалла инсонга муҳаббат қўйишини баён этган. **“Батаҳқиқ, Биз Бани Одамни азизу мукаррам қилиб қўйдик ва уларни қуруқлигу денгизда (улов-ла) кўтардик”** (Исро, 70-оят), деган оятда эса Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг инсонни тақрим қилиши ҳақида айтилган. Демак, тақрим ва муҳаббатнинг ҳар бири ўз мустақил маъносига эга бўлиб, бирининг маъносини иккинчисига татбиқ этиб бўлмайди. Зеро, Қуръони каримдаги бирор ўринда ҳам тақрим ва муҳаббат бир маънода ворид бўлмаган.



ҚУРЪОНИ КАРИМДА МУҲАББАТ

2023/44-2

МУҲАББАТ ЎЗИ НИМА?

Муҳаббатнинг энг аниқ таърифи – унга яқинлашиш ила сурур топиладиган, ундан узоқлашиш эса ёлғизлик ва маҳзунликка сабаб бўладиган нарсага боғланишдир.

Юқоридаги таъриф ўз ичига инсоннинг инсонга нисбатан муҳаббатига оид маънони қамраб олади. Бироқ, ушбу таърифни Аллоҳга нисбатан қўллаб бўлмаслигида шубҳа йўқдир. Чунки яқинлашиш ва узоқлашиш У Зот азза ва жаллага нисбат бериб бўлмайди, Аллоҳ таоло бундан ўта олий ва покдир.

Шу билан бирга, Аллоҳ таолонинг бу каби макон ва жисмга хос сифатлардан пок экани бизни У Зот азза ва жалланинг Ўз бандаларига исбот этган муҳаббатини бошқа нарсага йўйишга олиб бормаслиги лозим. Биз: “Раббимизнинг инсонга муҳаббати Унинг ризоси, мағфирати ёки инсон зотига бўлган буюк икромининг айнаи ўзидир”, деган нотўғри изоҳ (таъвил)дан узоқ бўлишимиз керак.

Агар биз Аллоҳнинг муҳаббатини шу тарзда талқин қилиш йўлидан борсак, салафларимизга икки нарса билан хилоф қилган бўламиз:

1. Вожиб қилувчи далилсиз талқин қилиш.

2. Ақида ва тафсир олимлари ўта эҳтиёт бўлган ва бошқаларни ҳам огоҳлантирган таътил¹-га йўл қўйиш. Куръони каримдаги бир сўзнинг маъносини бошқасининг маъносига буриш эса шубҳасиз юқоридаги икки офат эшикларининг калити бўлиб, Раббимиз субҳанаху ва таолонинг Китоби бундан пок ва олийдир.

Агар кимдир: “Яхши, ундай бўлса бизга Аллоҳ таоло муҳаббатининг раҳмат, мағфират ва ризо каби сифатлардан холи ва ҳар қандай ўхшатишдан узоқ бўлган мустақил маъносини таъриф қилиб беринг!” деса, унга қуйидагича жавоб бераман:

“Биз Аллоҳ жалла зикрухунинг муҳаббатини худди У Зот Ўз олий зотига нисбат берган “қўл”, “кўз”, “келиш”, “фориг бўлиш”, “истиво” каби сифат ва феъллари каби кайфиятсиз таърифлаймиз. Мана шу салафларнинг йўлидир. Биз салафларимизга эргашган ҳолда: “Аллоҳ таолонинг Ўзи буюрганидек қўли, кўзи ва истиво қилиши бор. У Зот азза ва жалла Ўз зоти ва сифатларида ўхшаши йўқдир, У Зот сифатлари яралмишларининг сифатларига ўхшамайди,” деймиз. Демак, шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, Аллоҳ

¹ Таътил – лугатда “амалдан қолдириш”, “бекор қилиш”. Истилоҳда Аллоҳ таолонинг собит сифат ва феълларидан бирортасини У Зотдан инкор этиш.

таолонинг инсонга нисбатан бирор бир таъвил билан қамраб олиб бўлмайдиган, У Зотнинг Ўзи айтганидек муҳаббати бор. У Зотнинг мазкур сифатини яралмишларнинг сифатларига қиёсламаймиз ҳам, ўхшатмаймиз ҳам”.

Балки бошқа бир киши юқоридаги сўзимизга: “Сиз ҳозир инсон яратилган илк палладаноқ – ҳали инсонлар турли тўғри-ю нотўғри мазҳаб ва гуруҳларга бўлиниб кетишларидан аввал Аллоҳ таолонинг унга нисбатан бўлган муҳаббати бор экани ҳақида гапиряпсиз. Лекин биз Куръоннинг бирор жойида Аллоҳ таолонинг инсонга бўлган мазкур муҳаббатининг баёнини топмадик. Топганимиз инсоннинг Аллоҳ таоло унга Ўз ҳузуридан руҳ пуфлагани боис икром қилиниши ҳамда фаришталар унга сажда қилишга амр этилгани бўлди, холос. “Хўш, Аллоҳ таолонинг инсонга бўлган муҳаббатининг эълони қани?” деб эътироз қилинар.

Мен бунга жавобан айтаманки, Аллоҳ таолонинг инсонга нисбатан турли кўринишларда намоён бўлувчи ушбу тақримининг сабаби мавжуд. Хўш, ўша сабаб нима? Албатта, тақримнинг сабаби бўлган ўша нарса Унинг инсонга бўлган муҳаббатидир.

Шундай экан, ушбу ўринда Аллоҳ таоло феълларининг ўзиб кетувчи сабабларга нисбат берилмаслиги, феъллари қатъий ўзгармас қадарлари-

нинг натижаси қадарлари қадим ва азалий экани ҳақидаги ақидавий қоидаларни пеш қилиш ярамайди. Зеро, Аллоҳ таолонинг инсонни муқаррам қилишга оид қазоси унга олиб борувчи бирор бир сабаб ёки туртки туфайли бўлмагандир.

Аслида мен умуман бу борада гапни кўпайтиришдан қайтараман. Чунки ҳар бир мусулмон билиши керак бўлган исломий ақидага мувофиқ, Аллоҳ азза ва жалланинг қазоси жамики сабаб ва натижаларни қамраб олиб, Унинг қазосига “олдин”, “кейин” каби замонга оид кайфиятлар нисбат берилмайди. Аллоҳ таолонинг инсон зотига бўлган муҳаббати ҳам, унинг натижаси ўлароқ намоён бўлувчи тақрими ҳам қадим ва азалий бўлиб, иккиси ҳам У Зот азза ва жалланинг ўтмишу келажакни қамраб олган комил илми бўлмиш қазосига дохилдир. Бизлар ўз олами-мизда гувоҳи бўладиган сабаблар ва уларнинг натижалари орасидаги навбат ва тартиб Аллоҳ азза ва жалланинг қазосида бир вақтда, бирор бир “аввал” ва “кейин”ларсиз мавжуд ва собитдир. Яъни, халойиқ кўз ўнгида сабабларнинг яратилиши ва натижалар орасида замон оралиғи мавжуд бўлса-да, бир нарсанинг бошқасига сабаб бўлиши билан юзага келувчи натижага оид Аллоҳ таолонинг илми кейин пайдо бўлган эмас, балки азалийдир.

Масалан, яратилиб, амалга ошиш оламида осмондан ёмғир ёғиши кетидан ернинг кўкариши орасида муайян вақт ўтишини кўрганимиз билан, бу иккисининг илми Аллоҳ таолонинг қазосида қадим бўлиб, уларда “аввал” ва “кейин” каби сифатлар йўқдир. Чунки, Аллоҳ таолонинг ернинг кўкаришига оид илми ёмғир ёғганидан сўнг пайдо бўлган, дейиш билан биз Аллоҳ таолонинг илмига муҳдаслик – кейин пайдо бўлганлик сифатини бериб қўйган бўламиз. Аллоҳ таоло бундай нуқсондан пок ва олийдир!

Шу сингари, биз бандалар ҳам зухур оламида Аллоҳ таолонинг башарга бўлган муҳаббати ва унинг сабаби бўлмиш такрими орасида муайян тартибни кўрамиз. Бироқ муҳаббат ва тақрим иккиси ҳам раббоний ирода ва қазо оламида қадим бўлиб, замон нуқтаи назаридан бири иккинчисидан олдин ёки кейин эмас. Чунки, замон Холиқ бўлган Аллоҳнинг ҳаққида эмас, балки У Зот азза ва жалланинг халқига жорий қилган қазо ва қадаридагина мавжуддир, холос. Раббимиз замон ва маконга нисбат берилишидан пок ва олийдир!

АЛЛОҲ ТАОЛОНИНГ ИНСОНГА БЎЛГАН МУҲАББАТИ НАТИЖАСИ

Аввалги мавзуда инсон қайси қавм ёки мазҳабга мансуб бўлмасин, Аллоҳ таоло томонидан мукаррам қилингани, бу эса Унинг инсон зотига бўлган муҳаббатининг далили экани ҳақида айтиб ўтдик.

Яратилганидан бир муддат ўтгач инсоният турли фикр ва қарашларни тутувчи мазҳабларга бўлиниб кетди. Шунда халқлар Аллоҳ таолодан ўзларининг У Зот аzza ва жалланинг бандалари эканликлари, агар улар пайғамбарлар воситасида юборилган ҳидоятга асосланган манҳажга кўра ҳаёт кечирсалар, дунё ва охиратда саодатга эришишларига оид хабар ва ваъдаларни ола бошладилар.

Инсонлар ушбу манҳажга нисбатан икки тоифага ажралдилар: пайғамбарларнинг даъватига ижобат этиб, иймон келтирган ва дин тақозо этган нарсаларни лозим тутган мўминлар; кибр қилган ҳолларида Исломдан юз ўтириб, уни инкор этган кофирлар. Одамлар то Аллоҳ таоло қиёматни қоим қилгунига қадар мана шундай ихтилоф ҳолатида бўладилар. Аллоҳ таоло айтади:

وَلَا يَزَالُونَ مُخْلِيفِينَ ﴿١١٨﴾ إِلَّا مَنْ رَّحِمَ رَبُّكَ وَلِذَلِكَ خَلَقَهُمْ

“Улар ихтилоф қилишда бардавом бўлурлар. Раббинг раҳм қилганларидан бошқалари. Уларни шунинг учун яратгандир” (Худ, 118-119-оятлар).

Савол туғилади: Унда инсон зотининг мукаррам этилишига сабаб бўлган, башарият турли фирқа ва мазҳабларга бўлиниб кетишидан аввал ҳам мавжуд бўлган Аллоҳ таолонинг муҳаббатининг оқибати нима бўлади?

Жавоб шуки, ушбу муҳаббатнинг оқибати инсоннинг Аллоҳ таоло амр этган манҳаж ва шаръий тақлифларга билдирадиган муносабатига боғлиқдир. Шунга кўра, иймоний чақириққа ижобат қилиб, Аллоҳнинг амр ва қайтариқлари риоясини ўринлатган бандаларга илоҳий муҳаббатдан бўлган улушлари зиёда бўлиб боради. Ҳатто уларга нисбатан Аллоҳ таолонинг азалий муҳаббати дунё чегарасидан чиқиб, охираат жаннатидаги абадий икром кўринишида бардавом бўлади.

Бунинг баёни Қуръони каримнинг кўпгина ўринларида келган. Масалан:

قُلْنَا اهْبِطُوا مِنْهَا جَمِيعًا فَإِمَّا يَأْتِيَنَّكُمْ مِنِّي هُدًى فَمَنْ تَبِعَ هُدَايَ فَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿٢٨﴾ وَالَّذِينَ كَفَرُوا وَكَذَّبُوا بِآيَاتِنَا أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ ﴿٢٩﴾

“Биз: “Ундан ҳаммангиз тушинг, бас, Мендан сизга ҳидоят келажак. Ким Менинг ҳидоятимга эргашса, уларга хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмаслар”, дедик. Ва куфр келтирган ҳамда оятларимизни ёлғонга чиқарганлар эса, улар дўзах эгаларидир, улар унда абадий қолурлар” (Бақара, 38-39-оятлар);

قَالَ أَهْبِطَا مِنْهَا جَمِيعًا بَعْضُكُمْ لِبَعْضٍ عَدُوٌّ فَإِمَّا
يَأْتِيَنَّكُمْ مِنِّي هُدًى فَمَنِ اتَّبَعَ هُدَايَ فَلَا يَضِلُّ وَلَا
يَشْقَى ﴿١٢٣﴾ وَمَنْ أَعْرَضَ عَن ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً
ضَنْكًا وَمَحْشَرُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَعْمَى ﴿١٢٤﴾

“У зот: “Ҳаммангиз бир-бирингизга душман ҳолда ундан тушинг. Агар Мен томонидан сизга ҳидоят келганида, ким ҳидоятимга эргашса, адашмас ва бадбахт бўлмас. Ким Менинг зикримдан юз ўгирса, албатта, унга торчилик ҳаёти бўлур ва қиёмат куни уни кўр ҳолида тирилтирурмиз, деди” (Тоҳо, 123-124-оятлар).

لَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ فِي أَحْسَنِ تَقْوِيمٍ ﴿٤﴾ ثُمَّ رَدَدْنَاهُ أَسْفَلَ سَافِلِينَ
﴿٥﴾ إِلَّا الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ فَلَهُمْ أَجْرٌ غَيْرُ مَمْنُونٍ ﴿٦﴾

Аллоҳ таолонинг: “Батаҳқиқ, Биз инсонни энг яхши суратда яратдик. Сўнгра уни

асфаласофилинга қайтардик. Магар иймон келтирганлар ва яхши амаллар қилганларга миннатсиз ва узлуксиз ажрлар бордир” (Тин, 4–6-оятлар), деган қавлида эса бу маъно жуда ҳам равшан баён этилган.

Демак, айтиш мумкинки, инсоннинг дунё ҳаётидаги бирдан-бир вазифаси Аллоҳ таолонинг турли кўринишларда зоҳир бўлувчи тақрими ҳамда инсонни бошқа махлуқотлардан афзал қилиб турувчи имтиёзнинг сабаби бўлмиш раббоний муҳаббатининг давомийлигини сақлаб қолишдан иборат экан. Инсон учун энг буюк тақрим эса Куръони каримда хабар берилганидек, Аллоҳ азза ва жалланинг уни Ўз “қўл”и билан яратганидир. Аллоҳ таолога бўлган муҳаббатни озиқлантириб ўстирувчи нарса эса Унинг амрларини бажо келтириб, У рози бўладиган йўлда собит туришдан иборатдир.

Энди кимки Аллоҳнинг ёрдами билан мана шу шарафли вазифа учун энг шимариб, амр ва қайтарикларида У Зотга итоат қилишда бор имконини ишга солса, аввалдан насибадор бўлган азалий тақримга зиёда равишда Аллоҳ таолонинг хос муҳаббати ва икромига ҳам сазовор бўлади.

Оламлар Раббисининг каломи бўлмиш Куръони каримдаги илоҳий муҳаббатдан сўзловчи оятларни ўқиган итоаткор банда борки, унинг

қалби таърифига тил ожиз бўлган хос бир файз ва қувонч билан тўлиб-тошади. Аллоҳга бандалик қилишдан бошқа ғами йўқ банда Раҳмон жалла зикруҳунинг:

﴿ ۲۲۲ ﴾ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ التَّوَّابِينَ وَيُحِبُّ الْمُتَطَهِّرِينَ

“Албатта, Аллоҳ сертавбаларни ва мудом покланувчиларни севади” (Бақара, 222-оят), деган қавлини эшитар экан, ўзининг ушбу оятдаги тавба қилувчилардан бири эканига шубҳа қилмайди.

Шунингдек, у Аллоҳ таолонинг

إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ

“Албатта, Аллоҳ муҳсинларни севадир” (Бақара, 195-оят),

فَإِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُتَّقِينَ

“Албатта, Аллоҳ тақводорларни севадир” (Оли Имрон, 76-оят),

إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الَّذِينَ يُقْتَلُونَ فِي سَبِيلِهِ صَفًا
كَأَنَّهُمْ بُنِينَ مَرْضُوعًا

“Албатта, Аллоҳ ўз йўлида худди жипс бинодек бўлиб, сафда туриб уруш қиладиганларни яхши кўрадир” (Сафф, 4-оят),

قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ
ذُنُوبَكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿٣١﴾

“Сен: “Агар Аллоҳга муҳаббат қилсангиз, бас, менга эргашинг. Аллоҳ сизга муҳаббат қилади ва сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилади”, деб айт” (Оли Имрон, 31-оят),

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا مَنْ يَرْتَدَّ مِنْكُمْ عَنْ دِينِهِ فَسَوْفَ يَأْتِي اللَّهَ
بِقَوْمٍ يُحِبُّهُمْ وَيُحِبُّونَهُ

“Эй иймон келтирганлар! Сизлардан ким динидан қайтса, Аллоҳ албатта, Ўзи севадиган ва улар ҳам Аллоҳни севадиган қавмни келтиради” (Моида, 54-оят), деган сўзларини эшитиб, ўзининг дунё ва охиратдаги саодати Раббининг унга бўлган муҳаббатига боғлиқ эканини яхши англайди.

Мазкур оятларни ўқиб чуқур мулоҳаза юритган инсон учун Раббиси азза ва жалланинг амрларига бўйсуниб ҳузур бағишлайди, қалбига ором беради, бутун вужудини Унинг муҳаббатига ғарқ қилади. Чунки бундай банда Аллоҳ таолонинг муҳаббати фақатгина маъсиятдан маъсум бўлганларнигина эмас, балки маъсият йўлининг ўнқир-чўнқирларида қадами тойилгандан сўнг қилмишига пушаймон бўлиб, содиқ тавба

ила Раббисига қайтган ҳар бир бандаи мўминни ҳам қамраб олишини яхши билади.

Аллоҳ таолонинг муҳаббати инсондан бошқа яратиклар эриша олмайдиган буюк мартаба эканига ишора қилувчи мазкур равшан оятлардаги ҳақиқатларни билиб туриб ҳам Унинг бандаларига бўлган муҳаббатини турли йўллар билан таъвил этадиганлардан қаттиқ ажабланаман. Ундайлар Аллоҳ азза ва жалланинг муҳаббатини ўз маъносидан бошқа томонга буриб, уни ризо, ажру савоб, афву мағфират деб таърифлайдилар ва инсоннинг илоҳий муҳаббатдан маҳрум этиш сабаблари устида изланадилар. Ваҳоланки, розилик билан муҳаббатнинг бошқа-бошқа нарсалар экани ҳар бир ақл эгасига маълумдир. Шу боис ҳам Аллоҳ таоло Китобида солиҳ бандаларини мадҳ этганда ушбу икки сифатни ҳам зикр қилган. Эгаси ва Холиқини таниган ҳолда Унга бандалик ва улуғлаш ила яқинлашган банда борки, унга бериладиган ажр қанчалик улкан бўлмасин, агар у Раббисининг муҳаббатидан холи бўлса ҳеч нарсага арзимас эканлигини яхши англайди. Аксинча, Аллоҳнинг муҳаббатига сазовор эканига қатъий ишонган банданинг наздида дунё машаққатлари-ю балолари, мусибатлари-ю аламлари бир зумда эриб битади, Аллоҳ муҳаббатидан маҳрум бўлиб қолишдан бўлган кўркуви

олдида дунё қийинчиликлари у ёқда турсин, ҳатто жаннат неъматлари ҳам кичик бўлиб қолади.

Демак, ҳаётимизда муҳаббатни ўз ҳақиқий маъносида сақлаб қолишга бўлган уринишимиз бизларга уни башарий ўлчовларга суянган ҳолда таъриф этишимизни лозим қилмайди. Яъни, Аллоҳ азза ва жалланинг муҳаббатини севувчи нафсида бўладиган маҳбубига ўрганиб қолиш, унга яқинлашганда унс ҳосил қилиб, узоқлашганда ваҳшат туйиш каби сифатлар билан таъвил қилишимиз тўғри бўлмайди. Балки бизлар бу борада ҳам салафларимиз йўлидан бориб, Раббимизнинг муҳаббатини тафсир этишда ҳақ ва танзиҳ (поклаш) орасини жамлаб, “Аллоҳ таоло солиҳ бандаларига Ўзи буюрганидек, бирор бир ташбеҳ ва ҳолатини баён қилмасдан, яқинлик ва узоқлик каби масофаларсиз муҳаббат қилади”, деб айтамыз.

Аллоҳ таоло томонидан хос бир имтиёз билан шарафланган инсон дунёда тақдир қилинган муддатини яшаб ўтганидан сўнг Раббисига қайтиши муқаррар. Бунда у икки ҳолатнинг бирида бўлади:

1. Раббисининг ҳузурига иймон келтирган, Унинг манҳажи асосида яшаб ўтган, раббоний икромни муҳофаза қилган ҳолида бориб, фа-ришталарникидан ҳам олий мартабага етишиш.

Бу Аллоҳ таолонинг яқин бандаларининг даражасидир.

2. Раббига яратилишининг сабаби бўлмиш муқаддас вазифадан юз ўгириб, ҳаётини ғафлат ва шаҳват водийларида тентираб ўтказган ҳолда йўлиқиб, илоҳий икромни зое қилгани учун ҳайвонлар даражасидан ҳам тубанга қулаш. Айнан шу Аллоҳ таолонинг

ثُمَّ رَدَدْتُهُ أَسْفَلَ سَفَلِينَ ﴿٥﴾

“Сўнгра уни асфаласофилинга қайтардик” (Тийн, 5-оят), деган қавлида назарда тутилган бандадир.

Бундайларнинг васфи Аллоҳ азза ва жалланинг

وَلَقَدْ ذَرَأْنَا لِجَهَنَّمَ كَثِيرًا مِّنَ الْجِنِّ وَالإِنسِ لَهُمْ قُلُوبٌ
لَّا يَفْقَهُونَ بِهَا وَهُمْ أَعْيُنٌ لَّا يُبْصِرُونَ بِهَا وَهُمْ أَعْيُنٌ لَّا يُبْصِرُونَ
بِهَا أُولَئِكَ كَانُوا لَمَعًا بَلْ هُمْ أَضَلُّ أُولَئِكَ هُمُ الْغَافِلُونَ ﴿١٧٩﴾

“Батаҳқиқ, жаҳаннам учун кўплаб жин ва инсларни яратдик. Уларнинг диллари бору тушуна олмаслар. Кўзлари бору кўра олмаслар. Кулоқлари бору эшита олмаслар. Ана ўшалар чорва ҳайвонлари кабидирлар. Балки улардан ҳам баттарроқдирлар. Ана ўша-

лар **ғофилдирлар**” (Аъроф, 179-оят), деган қавлида ҳам келган.

Аллоҳ таоло инсонни хослаб қўйган мазкур икром ўз манбаси нуқтаи назаридан Аллоҳ томонидан ҳар бир инсонга туғилишиданоқ жойланадиган яна бир бошқа хислат – иймоний фитратга ҳам ўхшайди. Биз ушбу фитратнинг тасдиғини ушбу ояти каримада кўришимиз мумкин:

فَأَقْمْ وَجْهَكَ لِلدِّينِ حَنِيفًا فِطْرَتَ اللَّهِ الَّتِي فَطَرَ النَّاسَ
عَلَيْهَا لَا بَدِيلَ لِمَخْلُوقِ اللَّهِ ذَلِكَ الدِّينُ الْقَيِّمُ وَلَكِنَّ
أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٣٠﴾

“Бас, сен ҳаққа мойил бўлиб, динга юз тут. Бу Аллоҳ одамларни яратган асил табиатдир. Аллоҳнинг яратганини ўзгартириб бўлмас. Ушбу тўғри диндир. Лекин одамларнинг кўпи билмаслар” (Рум, 30-оят).

Инсоннинг ўз фитратига кўра, унинг иймонининг оқибати икки хилдир:

1. Тафаккур, тадаббур, Холиқнинг борлиги ва яқкалигига оид борлиқдаги илмий далил ва ҳужжатлар билан тарбият этиш, Аллоҳ таолога иймон келтириш, У Зот азза ва жаллани улуғлаш, Ундан қўрқиш ва муҳаббат қўйиш, амрларини бажо келтириш ҳамда бошқаруви ва ҳукмига бўйин суниш

орқали ўзига қўшиб яратилган мазкур иймоний фитратни ҳимоя қилган ҳолда дунёдан ўтиш.

2. Банданинг ўзидаги ушбу фитратга беписанд бўлиб, ундан юз ўтириши, нафсининг хоҳиш-истаклари, бузукликлари ва шаҳват тубанликларига қул бўлиб, гуноҳ ва маъсиятлар водийсида адашиб-улоқиб ўтиши натижасида Раббисининг ҳузурига ҳирс, нафсоний ўлжа умиди ҳамда табиий эҳтиёжлар исканжасида бўғилиб ўлган фитрат билан бориш.

Таъбир ва нутқ этиш маҳоратида ҳар қандай олий даражага етмасин, бутун башарият ҳатто бир оятига ўхшаш нарса келтиришга ҳам ожизлик қилувчи Қуръони каримда инсон йўлиқадиган мазкур икки оқибат ҳақида шундай дейилади:

قَدْ أَفْلَحَ مَنْ زَكَّهَا ﴿٩﴾ وَقَدْ خَابَ مَنْ دَسَّهَا ﴿١٠﴾

“Батаҳқиқ, ким у(нафс)ни покласа, ютуққа эришади. Ва батаҳқиқ, ким у(нафс)ни кирласа, ноумид бўлади” (Шамс, 9-10-оятлар). Яъни, ўзига жойланган иймон фитратини тарбият ва ибодат суви билан суғориб ўстирган банда нажот топади, соф фитратни унинг ҳаёти сабаби бўлмиш иймон озуқасидан маҳрум қилиб, уни ҳаддан ошувчи шаҳват ва ғаризалар ғуборларига қўмиб ташлаган ҳолида ғафлатда умр ўтказган банда эса охиратда зиёнга учрайди.

Демак, дунёга келган ҳар бир инсонга Аллоҳ таоло икки хос хислат: муҳаббатдан ҳосил бўлувчи икром ва унга қўшиб яратилган иймоний фитратни ато этган экан.

Бас, ушбу икки буюк хислатни қадрига етиб, уларни тарбия этиш ва юксалтириш йўлида жидду жаҳд қилган банда қандай ҳам бахтли!

Ушбу икки хислатдан юз ўтирган, уларнинг улкан қийматини билмай, шаҳвоний майл ва ҳайвоний истақлар етовида умрини зое қилган банда қандай ҳам зиёнкор, қанчалар ҳам бахтиқаро!

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, биз Куръони каримни ўқиш асносида қайси тоифа ёки жамиятга мансублигидан қатъи назар инсоннинг Аллоҳ таоло томонидан бўлган муҳаббат ҳамда унинг инъикоси ўлароқ турли кўринишларда намоён бўлувчи икром билан хосланганини англаб оламиз.

Шунингдек, Раббимизнинг Китоби бизларга турли қабила ва тоифаларга бўлинган ҳолда кўпайиб, ерни тўлдирган инсон зоти Аллоҳ таолодан бўлган бошқа бир касбий муҳаббатга эришиш имконига ҳам эгалигини, ушбу муҳаббатга унинг йўлини босиб ўтиш билан эришилишини билиб оламиз.

Касб қилинадиган мазкур муҳаббатни қозониш Аллоҳ таоло инсонга шаръий тақлифларни

юклагандан кейинги жараён бўлиб, у башар зиммасига юкланган ер юзида ўринбосарлик қилиш масъулияти кўринишида намоён бўлади. Шаръий мажбуриятларини адо этиб, Аллоҳ таоло адо сига амр этган вазифаларни бажаришни ўрнига қўйган банда, албатта, касб этилувчи муҳаббатдан катта насибани қўлга киритади. Ўз номидан ҳам кўриниб турибдики, ушбу муҳаббатни фақат унинг сабабларини тутиш билангина касб этиш мумкин.

Шаръий таклифлардан юз ўтириб, Аллоҳ таоло адо этишни амр этган вазифаларга бепарво бўлган банда эса инсоният вакили ўлароқ эришган азалий муҳаббатни ҳам, сабабларини тутмагани туфайли касбий муҳаббатни ҳам қўлдан бой беради.

Шу ўринда савол туғилиши мумкин: “Мусулмон инсон ўзининг ушбу касбий муҳаббатга эришганини билиши мумкинми? Мусулмон киши Аллоҳ таолонинг унга нисбатан муҳаббатини қандай билиб олади? Бунга далолат қилувчи аломатлар борми?”

Албатта, инсон учун буни билишнинг имкони мавжуд. Аслида исломида ростгўй бўлган бирорта мусулмон Аллоҳ таолога бўлган касбий муҳаббатдан бенасиб бўлмайди. Чунки банданинг Аллоҳ томонидан исломга ҳидоят қилини-

шининг ўзиёқ унинг кам ёки кўп бўлсин Аллоҳнинг муҳаббатидан насибадор эканининг исботидир.

Аллоҳ азза ва жаллага нисбатан бандалик ҳақларини адо қилиш йўлида жидду жаҳд қилиб, Раббининг амр ва қайтариқларига риоя этиш, назорат ва зикрни кўпайтириш билан эса мазкур муҳаббат зиёда бўлиб бораверади.

Раббимиз субҳанаҳу ва таолонинг ҳадиси қудсийда келган: **“Бандам Менга нафллар билан яқинлашаверади ва ниҳоят Мен уни яхши кўриб қоламан. Қачон Мен уни яхши кўрсам, унинг эшитадиган қулоғи, кўрадиган кўзи, ушлайдиган қўли, юрадиган оёғи бўламан”**¹, деган қавли бунинг далилидир.

Мазкур ҳадисни ўқиган китобхонда “Нега энди банданинг аҳамияти ва ажр жиҳатидан юқори турувчи фарзларга эмас, балки айнан нафл ибодатларга иқбол этиши Аллоҳ таолонинг муҳаббатига сабаб бўлади?” деган савол туғилса, ажаб эмас.

Гап шундаки, бандани фарз амалларининг адосига кўпинча ўша амалларни тарк этувчига ваъда қилинган азоб хавфи ундаб туради. Бироқ, қилмаганга азоб ваъдаси берилмаган нафл

¹ Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисдан (6502) парча.

ибодатларда эса ҳолат бундай эмас. Банданинг нафл ибодатларни кўпайтиришга бўлган ҳаракати тагида унинг Раббисига бўлган муҳаббати ётади. Банда тарк этилиши билан жазога қолиш хавфи юзага келмайдиган нафлларда Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилишни, Раббисининг муҳаббатини зиёда бўлишини ният қилади. Шу сабабдан ҳам бундай бандага ният қилган нарсаси берилади.

Шундай экан, фарзлардан ташқари нафл ибодатларни ҳам кўпайтириб, Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилувчи банда Раббисининг ўзига муҳаббат қўйганидан ғофил қолиши мумкинми?! Мазкур даражага етган банда қандай қилиб ушбу муҳаббатдан сурур туймаслиги мумкин?!

Ривоятда келишича, солиҳа аёл бир хонадонда хизмат қилар эди. Ўша солиҳа аёл ҳар тунда нафл намоз ўқишни канда қилмасди. Бир кун тунда хўжайини хизматкор аёлнинг саждада “Аллоҳим, Сенинг менга бўлган муҳаббатинг ила тақвойимни кўпайтириб менга карам кўрсатишингни сўрайман...”, деб дуо қилаётганини эшитиб қолади.

Намозини тугатгач хўжайини ундан: “Нимага “Аллоҳим Сенинг менга бўлган муҳаббатинг ила сўрайман”, деб дуо қиляпсан? Аллоҳ сени яхши кўринишини қаердан била қолдинг?!” деб сўраб-

ди. Шунда солиҳа аёл: “Эй хоҷам, ахир Аллоҳ мени яхши кўрмаса, тун қўйнида мени Ўзининг муножоти учун бедор қилиб қўярмиди?! Агар У Зот менга муҳаббат қилмаса, Ўзига зорланиш бахтига мени муяссар қилармиди?! Агар Раббим мени яхши кўрмаса, шу дуони мени тилимда жорий эттирармиди?!” деб жавоб берибди.

Мен айтаманки, Аллоҳ таоло инсонни ислом билан шарафлантирганининг ўзи ҳам У Зотнинг унга нисбатан муҳаббатининг далили учун етарлидир. Зеро, агар Аллоҳ азза ва жалла яхши кўрмаганида, бизларни иймон келтириш ва шариатга эргашиш неъматини ила шарафлантирмаган бўлар эди. Аллоҳдан Унинг фазлини сўраймиз.

ИНСОННИНГ АЛЛОҲГА МУҲАББАТИ

Биз юқорида Куръони каримда Аллоҳ таолонинг инсонга бўлган икки хил – азалий ва касбий муҳаббатини таъкидлаб келган оятлар нозил бўлганини кўриб ўтдик. Энди эса инсоннинг Раббисига бўлган муҳаббати ҳақида суҳбатлашиш мавриди етди. Инсоннинг Аллоҳ азза ва жаллага бўлган муҳаббати ҳам икки хил бўлиб, бири инсон ҳали руҳ босқичида эканидаёқ унга жойланган

қадим муҳаббат бўлса, иккинчиси қалбни пок-
лаш ва сулукни лозим тутиш орқали қўлга кири-
тиладиган муҳаббатдир.

Келинг, Аллоҳ қодир қилганича мана шу ик-
ки хил муҳаббатнинг баёнига киришсак.

ИНСОННИНГ АЛЛОҲГА БЎЛГАН ҚАДИМ МУҲАББАТИНИНГ ҚУРЪОНИЙ БАЁНИ

Инсоннинг Аллоҳ азза ва жаллага бўлган қа-
дим муҳаббати жасад билан қовушишидан ол-
дин унинг руҳига киргизилган ўз Холиқини ях-
ши кўришига оид табиий туйғудир. Мазкур туйғу
бирлашиш, бўлиниш ва ажралиш каби макон ва
моддага ҳар қандай сифатлардан пок бир муҳаб-
батдир. Унинг асл моҳияти Аллоҳ азза ва жалла-
нинг Ўз ҳузуридаги қамровчи ва тўкис илмида
яшириндир.

Ушбу муҳаббатнинг манба ва далили инсо-
ний руҳ ҳали малакут оламидан шаҳодат олами-
га туширилмаган, Раббиси унга битиб қўйган ер-
га сафар қилишдан олдин олий оламда бир бутун
мутлақ ҳақиқат ҳолида эканида унга қилинган
илоҳий хитоб ҳақида нозил бўлган оятларда ўта
гўзал тарзда баён этилган. Аллоҳ таоло айтади:

وَإِذْ أَخَذَ رَبُّكَ مِنْ بَنِي آدَمَ مِنْ ظُهُورِهِمْ ذُرِّيَّتَهُمْ وَأَشْهَدَهُمْ
عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ أَلَسْتُ بِرَبِّكُمْ قَالُوا بَلَىٰ شَهِدْنَا أَن تَقُولُوا يَوْمَ
الْقِيَامَةِ إِنَّا كُنَّا عَنْ هَذَا غَافِلِينَ ﴿١٧٢﴾

“Раббинг Бани Одамнинг умуртқа поғона-
сидан, қиёмат куни, бундан ғофил эдик, де-
масликларингиз учун, зурриётларини олиб,
ўзларига ўзларини гувоҳ қилиб: “Раббингиз
эмасманми?” деганида; “Худди шундай! Гу-
воҳ бўлдик!” деганларини эсла” (Аъроф, 172-оят).

Кимдир “Бу оятда муҳаббат зикр қилинма-
ган-ку?” деб савол қилиши мумкин. Мен унга
қуйидагича жавоб бераман:

“Гап шундаки, мазкур оятдаги муҳаббат илоҳий
хитобда яшириндир. Зеро, ичингда вақти-вақти
билан ғалаён қилувчи сурур ва ҳузннамо туйғулар,
қалбингни эгаллаб олувчи таърифлаб бўлмас ажиб
бир ҳолатлар ҳали жасадлар ила Холиқидан парда-
ланмаган руҳингга Мийсоқ куни қилинган ана ўша
илоҳий хитобнинг хотираларидир.

Ахир Раббинг инсон руҳига Ўзи истагани-
дек хитоб қилиши, унга истаган нарсасини Ўзи
хоҳлаганидек англатишга қодир зот экани, руҳ
ўзини йўқдан бор қилган Холиқидан ушбу хи-
тобни тўғридан-тўғри қабул қилиб олганига до-
ир ҳақиқатларни қандай қилиб инкор қиласан?!

Ахир Раббинг билан ёлғиз қолганингда У Зот азза ва жалланинг қалбининг тубида такрорланиб турувчи “Раббингиз эмасманми?!” деган саволи ва руҳининг “Раббимизсан!” деган иқродини наҳот эшитмасанг?..

Айримлар Аллоҳ азза ва жалла Ўз Китобида хабар берган инсон руҳи ҳали жузларга бўлиниб, жасадлардан ўрин олмаган бир пайтда ундан олинган мазкур аҳд эълонидан таажжубланиб: “Биз хотирамизнинг тубига шўнғиб, ҳаётимизда рўй берган ҳодисалар, суҳбат ва овозларнинг қалин деворлари ортида қолиб кетган ўша аҳдлашув манзарасини қандай қилиб эслай оламиз ахир?! Биз сизлар васф этаётган илоҳий хитобни на қулоқларимиз эшитганини ва на қалбларимиз уни ўзига жо этганини билмаймиз”, дейдилар.

Улар ушбу қадим илоҳий хитоб ҳақидаги хабардан бирон нарсани эслаш мақсадида уни бошларида жойлашган мияларида йиғилиб қолган хаёлотлар орасидан излаб, унинг садосини қулоқлари билан эшитишга уринадилар. Яъни, улар мазкур илоҳий хитобнинг асарини руҳларидан эмас, балки жасадларидаги аъзоларидан излайдилар. Нақадар нодонлик.

Ўша бечоралар Аллоҳ таолонинг мазкур хитоби товуш тўлқинларидан иборат моддий овоз-

ларни эшитувчи қулоқ, идрок қилинган ашё ва ҳодисаларнинг сурат кўринишидаги хаёллар омбори бўлмиш мияни ўз ичига олган жасадларига эмас, балки тўғридан-тўғри инсоний руҳга бўлганини наҳот англамасалар?!

Ёки яна бошқа бир киши: “У ҳолда нега руҳларимиз бизларга тўғридан-тўғри ушбу хитобнинг хабарини бериб, уни бизга эслатиб қўя қолмайди. Ҳолбуки, бизда тириклигимиз сабаби бўлган руҳнинг хотирасидан бошқа хотира йўқ-ку? Ёки узоқ вақт ўтгани учун руҳимиз қадимда Аллоҳга аҳд берганини унутиб юборганми? Агар шундай бўлса биз қандай қилиб ўша илоҳий хитобдан бирор нарсани эслай оламиз?!” деб эътироз қилиши мумкин.

Менинг мазкур саволга берадиган жавобим қуйидагича:

“Аслида ўша хитоб ва унинг асаридан пайдо бўлувчи Мийсоқ онини руҳинг сенга ажиб бир соғинч ҳолида эслатиб туради. Аҳён-аҳёнда вужудингда бош кўтарадиган номаълум бир нарсага бўлган шавқни туймаганмисан? Сендан узоқ бўлган бир нарсага бўлган соғинч сени ўртамаганми? Оламлар ишини бошқариб турувчи қандайдир бир борлиққа қалбингнинг тубидаги дардларингу яширин тилакларингни арз қилиб, унга синиқлик ила зорланишга рағбат сезмаганмисан?”

Мана шуларнинг бари ўша буюк аҳдлашув ҳақида руҳинг сенга билдираётган хабарлар, сенга эслатаётган хотиралардир. Кечалари уйқинг қочиб, ўзгача бир руҳий ҳолат, қувонч аралаш соғинчни туйган ҳар бир онинг аслида ўша буюк Мийсоқнинг шуъласидан қалбинг олган нурнинг инъикосидир.

Ёки бўлмасам олимлар ҳали ҳам сири (моҳияти)га ета олмаётган руҳнинг бошқа бир ҳолатини олайлик. Ёқимли бир куй тинглаганинда руҳинг бутун вужудингга ўзгача бир сурур ва кўтаринкилик, шодонлик ёки ҳузни таратгандаги ҳолингни эсла. Сени ўшанда шавқ, соғинч, фараҳ ва ҳузн ўзаро аралашиб кетган тушуниб бўлмас ўзгача бир кайфият чулғаб олади... Сен бу ҳолинг келиб чиқиш ўрнини ҳам, борар жойини ҳам билмайсан.

Сенингча, руҳингни шу кўйларга солувчи мазкур маънавий кайфиятнинг манбаси нима?

Батаҳқиқ, бу кайфият руҳингнинг **“Раббингиз эмасманми?!”** деган ўша қадим аҳдга бўлган талпинишининг асаридир. Дарҳақиқат, руҳингдаги ўша аҳдлашув онига бўлган соғинч ва талпиниш, тақсим этилган жасаддан ўрин олиш учун ундан ерга туширилганинг ўша олий оламдаги илоҳий хитобдан руҳингда ҳосил бўлган таъсир уни бир лаҳза ҳам тарк этмайди. Зе-

ро, руҳ раббоний даргоҳдаги ўша роз айтишув ва аҳдлашув оннда туйган лаззатини зинҳор унутмайди, уни қўмсайверади, ўзининг асл макони бўлмиш олийликка талпинаверади. Уни тинглаш натижасида олинаётган таъсирни тил билан ифодалаб бўлмайдиган даражада ёқимли куй ёки нағмани эшитганингда эса руҳингдаги ўша қадим хотиралар ғалаён қилади, жунбишга келади... Натижада сен ўзингда бирорта сўз ёки жумла билан ифодалаб бера олмайдиган соғинч ва шавқни туясан...

Мана шу руҳга оид шавқнинг ҳақиқатидир”.

Учинчи бир одамнинг “Ҳақиқатан ҳам куйдан руҳнинг таърифлаб бўлмас туйғулар оғушида шавқ туйиши, жунбишга келиши бор. Лекин, руҳнинг мазкур ҳолатларга тушиши сабаби биздан узоқда бўлган маҳбубимиз, макон ёки диёрлар севгиси эмас, айнан ўша қадим аҳдлашув эканини қаердан биламиз? Ёқимли куй таъсирида кишининг руҳида уйғонган шавқ ва ҳислар ўша куйнинг бизнинг руҳий кечинмаларимиз билан мувофиқ келишининг натижаси бўлса не ажаб?!” деган саволига жавоб эса қуйидагича бўлади:

“Сен айтаётган нарсалар инсонга зоҳиран шундай туюлади. Номоддий оламни юзаки ёки моддий (материалистик) нуқтаи назардан ўрга-

нувчи кўпчилик тадқиқотчилар ҳам айнан сен айтган ғояни илгари сурадилар.

Бироқ, ҳақиқат шундан иборатки, аслида биз кўрадиган ушбу зоҳирий ҳолатнинг ортида унча-мунча мутафаккирлар ошиб ўтиб мушоҳада қила олмайдиган бошқа бир ҳақиқат яшириндир.

Ушбу ҳақиқатни баён қилиш учун айрим нарсаларнинг тафсилотига киришишга тўғри келади. Бу ишда Аллоҳ аzza ва жалладан ёрдам сўрайман.

Аслида ҳар қайси инсоний руҳ иккинчиси бўлмаган ягона гўзал маҳбуб – Аллоҳ таологагина талпинади. Инсон руҳи ва Аллоҳ жалла зикруҳунинг ўртасидаги ушбу муносабат ҳамиша қоим ва бардавомдир. Бироқ, бунинг кайфиятини билишдан ёки уни таҳлил қилишдан биз бандалар ожиздирмиз. Дунё бўйлаб сочилиб кетган гўзал сурат ва шакллар эса руҳнинг ўз Раббига бўлган мазкур муҳаббатига бегона бўлиб, руҳнинг орзу-мақсадлари нафснинг дунёвий зиённатлардан истайдиган мақсадларидан мутлақо фарқ қилади.

Аллоҳ таолонинг иродаси билан дунёда имтиҳон қилиниши учун инсон танасига жойланган ҳайвоний ғариза ва шаҳватлар эса уни руҳнинг олий туйғуларга талпинишидан ҳосил бўлув-

чи шавқ ҳамда соғинчдан тўсиб туради. Чунки ҳайвоний ғаризалар манбаи сифатида намоён бўлувчи нафс ҳамиша ўз шахватларининг пайдан бўлиб, тубан оламдаги истакларига етиш йўлида ҳеч қандай пасткашлиқдан қайтмайди.

Агар етарли даражадаги тарбия билан йўлга солинмаса, инсондаги ушбу ҳайвоний ғаризалар руҳнинг олий оламга бўлган иштиёқи ва соғинчини ўз фойдасига мусодара қилиб, мақсади йўлида ишлата бошлайди.

Натижада руҳнинг олий оламдаги абадий жамолга бўлган шавқи ва ингилиши қанчалик кучли бўлмасин, иши дунёнинг фоний зийнатлари сари қаттиқ ундашдан иборат ҳайвоний ғаризалар инсон руҳини олийлик сари парвоз қилишдан тутиб қолади.

Руҳ ўзи Мийсоқ кунидан бери танийдиган ягона Буюк зот томон талпингани сари ҳайвоний ғаризалар ҳам руҳнинг мазкур туйғуларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга уриниш пайдан бўлиб, унга сохта “буюк”ларни зийнатлаб кўрсата бошлайди.

Бошқача қилиб айтганда, аслида руҳ Ундан бошқасини танимайдиган ягона Муҳсин Зотнинг талабида бўлади, бироқ ҳавои нафс ва ҳайвоний ғаризалар унга турли шакл ва суратдаги сохта “муҳсин”ларни рўбарў қилади.

Мен сенга баён қилиб берган инсондаги мана шу икки олам мудом кураш ҳолатида бўлади. Иккиси ҳам инсонни ўз насибаси ва масдари – манбаси томон тортқилайди: руҳ ўзи мансуб бўлган олий олам сари, ҳайвоний ғариза эса озуқаси ўрни бўлмиш тубан тупроқ олами томон.

Шу боис нафсни доимий поклаш ва тарбия тизгини билан тийиб туриш лозим бўлади. Акс ҳолда жилови бўш қўйилган ҳайвоний ғариза руҳдан ғолиб келади.

Нафсоний хоҳиш-истаклари ғолиб инсон эса руҳининг шавқи ва олийликка талпинишини эмас, балки истаклари йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган шаҳвоний майлларнигина сезади, холос. Бундай одамни дунёвий сурат ва шаклларга берилган, уларга маҳлиё бўлган ҳолида топасан. У руҳининг олий оламга бўлган соғинчини дунёнинг ўткинчи матоҳларига нисбатан деб хаёл қилади. Аслида эса руҳининг овози ҳавои нафснинг чинқириклари орасида йўқолаёзиб, тубан ҳайвоний истакларнинг бузуқликлари орасида ўлар ҳолатга келиб қолган бўлади.

Аллоҳнинг амрига итоат ўлароқ ўз нафсини поклаб, бу йўлда Қуръонни дастур қилиб олган банданинг руҳи эса қувватга киради. Айни пайтда бундай банданинг ҳавои нафси ҳам меъёр асосида ўз улушини олади. Нафс тарбияси эса Аллоҳ

таолонинг зикрини кўпайтириш ҳамда қалбда У Зот азза ва жалланинг муроқабасини пайдо қилиш билан бўлади.

Агар банда сабр байроғини баланд кўтариб, нафс тарбиясида бардавом бўлса, бир муддатдан сўнг унинг руҳи Аллоҳнинг зикри билан яшай бошлайди, шахватларининг асов отлари тинчланиб, ювош тортиб қолади. Бу эса сабаблар оламига боғланиб қолиб, ўша сабабларнинг Холиқини мушоҳада этишдан тўсилиб қолган, дунёнинг сохта гўзал сурат ва шаклларида иборат шахват лашкарига асир руҳнинг ҳибсдан қутулиши, ғалаба қозониши демакдир.

Шу аснода ғалаба қилган руҳ сохта гўзалликлар доводидан ошиб ўтиб, ҳақиқий ва ягона гўзал зот – Аллоҳ азза ва жалла томон йўл олади. Комил муҳаббат, содиқ шавқ ва соғинччи ўзига жо қилган пок руҳ эса ўз соҳибини эҳсонга сабабчи қилинган муҳсинлар боғланиб қолиш ҳолатидан олиб чиқиб, ҳақиқий ягона Муҳсин зот – Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло томон олиб борувчи йўлда улов вазифасини бажаради. Буюк фазл эгаси бўлмиш Аллоҳ таоло эса бундай бандасига Ўз валолятини насиб этади.

Демак, руҳ ўзи мансуб бўлган ва ундан синов диёри бўлмиш ерга туширилган олий олам учун яратилган бўлиб, у ҳар қандай ҳолатда ҳам қа-

дим аҳдлашув онда қилинган илоҳий хитобга бўлган кучли шавқ ҳиссидан холи бўлмайди. Шунингдек, инсон вужудида рухий туйғулар билан бирга ҳайвоний ғаризалар ҳам мавжуд бўлиб, башарти тўғри услуб арқонлари билан жиловланмас экан, уларнинг ҳаддидан ошиб жунбишга келиши ортаверади.

Ушбу ҳақиқатларни уламолар китобларида таъкидлаб, уни биз мавзу бошида эслаб ўтган ояти карима соясида шарҳлаган ҳолда ўз масдарига қайтарадилар. Ушбу мавзуда самарали ижод қилганларнинг энг кўзга кўринганларидан бири бу Абу Али ибн Сино бўлиб, руҳнинг ўз олий оламидан ажраб чиққанидан кейинги ҳолати ҳақида қасида ҳам битган.

Мавзуга хулоса ўлароқ айтиш мумкинки, инсоннинг Аллоҳ таолога бўлган қадим муҳаббатининг ҳақиқати, масдари шудир. Инсонни ушбу муҳаббат шууридан фақатгина ҳавосининг ҳужуми-ю ғаризасининг жунбишга келиши тўсиб туради. Ҳавои нафснинг тажовузи ҳамда ҳайвоний ғаризалар оловини эса “тазкиятун нафс” деб аталган буюк тарбия суви билангина ўчириш мумкин. Шундай экан, нафс тазкиясида бардавом бўлган банданинг мусаффо руҳи унинг ҳайвоний сифатларидан ғолиб келиши муқаррардир. Аллоҳ таолонинг зикрини кўпайтириб, му-

роқабма мақомини ҳосил қилиш, ибодатларда бардавом бўлиб, ҳаромлардан узоқлашиш эса тазкиянинг бош шартларидир.

Ушбу вазифаларда муваффақият қозонган банди учун руҳга оид қадим севгидан бошқа бир янги муҳаббат – касбий муҳаббат эшиги ҳам очилади. Мувоқабатда давом этиш, неъматларни уларнинг Эгасига ҳослаш билан мазкур касбий муҳаббат ҳам зиёдалашиб бораверади.

Лекин бу нафсдаги ҳайвоний ғаризалар йўқ бўлиб кетади дегани ҳам эмас, улар ўз рағбатларига йўналган ҳолда мавжуд бўлиб қолаверади. Лекин, бу жараён руҳга ташвиш уйғотмайдиган, уни ўз мақсади сари борар йўлидан чалғитмайдиган мўътадил тарзда кечади.

ИНСОННИНГ АЛЛОҲГА БЎЛГАН КАСБИЙ МУҲАББАТИНИНГ ҚУРЪОНИЙ БАЁНИ

Инсоннинг Аллоҳга бўлган касб этилувчи муҳаббати руҳнинг рағбатларига ижобат қилиш ҳамда зикр ва мувоқабатда зиёдалашиш орқали эришиладиган муҳаббатдир. Шартларини мустаҳкам тутиш ва уларга иқбол қилиш кўпайгани

сари, Аллоҳ азза ва жаллага бўлган мазкур касбий муҳаббат ҳам ортиб бораверади.

Куръони каримда мазкур муҳаббат ҳақида шундай дейилади:

“Одамлар ичида Аллоҳдан ўзга тенгдошларни тутадиганлар ва уларни Аллоҳни севгандек севадиганлар бор. Иймон келтирганларнинг Аллоҳга муҳаббатлари қаттиқдир” (Бақара, 165-оят).

“Сен: “Агар Аллоҳга муҳаббат қилсангиз, бас, менга эргашинг. Аллоҳ сизга муҳаббат қилади...” деб айт” (Оли Имрон, 31-оят).

“Аллоҳ албатта, Ўзи севадиган ва улар ҳам Аллоҳни севадиган қавмни келтиради” (Моида, 54-оят).

Лекин, аслида инсоннинг Аллоҳга бўлган муҳаббатининг маъноси нимадан иборат? Инсон бу муҳаббатга қандай етишади?

Баъзи одамлар ҳақиқий маънодаги муҳаббат фақатгина бир турга оид икки жинс ўртасида бўлади, деб ҳисоблайдилар. Одатда, инсон ўзи каби бир инсонга, ўзи ёқтирган ранг, шакл, таъм, овоз ёки ҳидга муҳаббат қўяди. Бунга сабаб муҳаббат қўювчи ва муҳаббат қўйилувчи ўртасидаги боғланиш айнан мана шу тўрт ҳиссий аъзо – кўрувчи кўз, эшитувчи қулоқ, ҳидловчи бурун ва тотувчи тил воситасида амалга ошади. Маъ-

лумки, мазкур хисларнинг бирортаси билан Аллоҳ азза ва жаллани ҳис қилиб бўлмайди. Демак, бундан келиб чиқадики, инсоннинг Аллоҳ таолога мазкур ҳис аъзолари орқали муҳаббат қўйиши йўллари тўсилган, қирқилгандир.

Айрим одамлар юқоридаги хулосага таянган ҳолда инсоннинг Раббисига бўлган муҳаббатини Китоб ва суннатда ворид бўлган Аллоҳнинг амрларига эргashiш ҳамда қайтарганларидан четланиш деб таъвил қиладилар.

Лекин мен айтаманки, муҳаббатни ўз маъносидан бурган ҳолда уни илоҳий амрларга итоат ва эргashiш деб таърифлаш мунофиқларни Аллоҳ ва Расулини севадиганларнинг олди қаторига жойлаштириб қўйиш демақдир. Чунки, мунофиқларнинг ҳаммаси ёки аксарияти Аллоҳ таолонинг амрларини адо этиб, қайтарганларидан тийилиб юрар эдилар. Ҳатто улар ўзларининг ботиний куфрларини зоҳирий тоат билан беркитиш мақсадида бу икки ишда муболағага ҳам йўл қўяр эдилар.

Фараз қилайлик, азобга қолишдан қўрққани учунгина Аллоҳ таолога итоат қилиб, ҳаромлардан сақланиб юрадиган бир киши қиёмат куни Аллоҳ таоло унинг жами гуноҳларини кечириб юборишидан хабар топиб қолди. Шунда бу киши илоҳий амрларни адо этишга безътибор бў-

либ, маъсиятларни тарк қилишни ҳам йиғиштириб қўяди. Чунки у Аллоҳ таолога У Зотга бўлган муҳаббатдан келиб чиқиб эмас, балки шунчаки азобга қолишдан қўрққани учун итоат қилади, холос. Бошқача қилиб айтганда, ундаги тоатнинг сабаби раббоний муҳаббат эмас, балки ўзига етиши мумкин бўлган зарардан сақланиш истагидир.

Демак, инсоннинг Раббисига нисбатан муҳаббатини тоат маъносига таъвил қилиш лозим бўлмаган нарсани лозим қилишга уриниш ва ноўрин такаллуфдан бошқа нарса эмас экан. Бошқача айтганда, банданинг Аллоҳ таолога бўлган муҳаббати тоатни лозим қилади, лекин аксинча эмас. Яъни, инсоннинг Раббисига итоат қилиши У Зотга бўлган муҳаббатни лозим қилмайди, тоат ҳар доим ҳам банданинг муҳаббатидан дарак беравермайди.

Яна айтамызки, муҳиб ва маҳбубнинг орасига муҳаббатнинг кириб бориш дарчалари юқорида санаб ўтилган беш сезгидангина иборатдир, дейиш мантиқ нуқтаи назаридан хато ҳисобланади. Зеро ботиндаги басират идрок ва таъсир жиҳатидан зоҳирдаги кўздан кучлироқдир. Қалб ҳам англаш жиҳатдан кўз, қулоқ ва бурундан устундир. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ақл ила идрок қилинадиган маънавий гўзал-

ликлар инсонга кўз билан кўриладиган ташқи чирой ёки қулоқ билан эшитиладиган зоҳирий гўзал овозлардан кўра кўпроқ ва чуқурроқ таъсир этади. Шундай экан, идрок қуввати ҳиссий сезгилардан нарига ўтмайдиганлардан бошқа ҳеч ким Аллоҳ таолога бўлган муҳаббатнинг ҳақиқий маъносидан ғофил бўлмайди.

Кўпчилик одамлар буюк ёки ўзлари буюк деб ўйлаган одамларни кўрмай туриб, улар ҳақида эшитганларига суянган ҳолда уларни яхши кўра-верадилар. Бунда уларнинг басиратларида ўзлари севаётган инсоннинг маънавий қиёфаси гавдаланади ва бунинг оқибатида уларнинг қалбларида ғойибона маҳбубларига нисбатан кўз билан кўриш ҳам таъминлаб бера олмайдиган даражадаги юксак муҳаббат ва таъзим пайдо бўлади.

Шахсан ўзим ҳам шундай одамларни биланманки, фасих баёни, руҳининг нозиклиги ва илмининг кенглиги ҳақидаги хабарлардан воқифликлари уларнинг қалбларини ўзларидан бир неча аср аввал яшаб ўтган мутафаккир Жоҳизнинг муҳаббатига асир этган. Аслида эса агар улар Жоҳизни ўз кўзлари билан кўрганларида эди, уни ўзлари тасаввур қилгандан кўра қабих санаган бўлардилар. Лекин бу ҳолат фақатгина бандалар орасидаги ҳолатларга оиддир, Аллоҳ таолога эмас. Зеро, банда Раббисининг гўзаллигини қан-

чалик юксак тасаввур этмасин, Аллоҳ таоло у ўйлаганидан чексиз чандон гўзал Зотдир.

Демак, гўзалликнинг ақл ила идрок этиладиган маънавий ҳамда сезги аъзолари билан билинадиган ҳиссий мезонлари бўлади. Мана шу умумий қоидадан келиб чиққан ҳолда Аллоҳ таолони мутлақ жамол билан васф этиш лозим бўлади. Содиқул масдуқ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек: **“Аллоҳ гўзалдир ва гўзалликни яхши кўрадир”**.¹

Ҳиссий ва маънавий гўзалликларнинг барчаси инсон учун маҳбуб қилингандир. Аллоҳ таолонинг жамоли эса барча гўзалликларни ўзида қамраб олувчидир. Чунки шакллар, манзаралар, гуллару райҳонлардаги бари гўзалликларнинг яратувчиси, пайдо қилувчиси Унинг Ўзидир. Турфа гўзалликларга назар ташлаб, улар ҳақида чуқур ўйлаб кўрган инсон борки, кўзлари олдида турган бу жамолнинг ортида буюк Яратувчи турганини мушоҳада этади. Шунда унинг кўзлари сурат ва шакллар гўзалликларини кўриш босқичидан ошиб, хоҳлаган нарсасини хоҳлаган суратда яратган ягона ва ҳақиқий гўзал Зотни қалби ила мушоҳада этиш босқичига ўтади, бутун фикр- зикри билан Унинг муҳаббатига ғарқ бўлади.

¹ Имом Муслим Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилган .

Демак, Аллоҳ таолонинг жамолини мушоҳада этишда инсондаги ҳис аъзоларининг ҳам насибаси бор экан. Зеро, Аллоҳ таолога муҳаббат қўйган банда У Зотни қалбидаги басират кўзи билан бирга танасидаги кўзи билан ҳам яхши кўришида шубҳа йўқдир. Бунда инсон тана кўзи билан Аллоҳ таолонинг жамолидан файз олган яратикларидаги гўзалликларни кўрса, қалбидаги басират кўзи билан Раббисининг камол ва жамолда мисли йўқ буюк сифатларини мушоҳада қилади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, жамолнинг ўзи муҳаббатга сабаб бўлавермайди. Балки муҳаббатнинг энг муҳим сабабларидан бири эҳсон бўлиб, бу ўринда нафслар ўзига яхшилик қилганга муҳаббат қилувчи этиб яратилган, деган қоидани эслаш кифоядир. Зот ва сифатларнинг азамати ҳам муҳаббатнинг муҳим сабабларидандир. Борликдаги барча эҳсон эса неъматлар ва яхшиликларни берувчи ягона Муҳсин зотга мансубдир. Оламдаги барча буюкликка нисбат бериладиган нарсалар ҳам ягона Буюк Аллоҳ азаматининг инъикосидир, холос. Заррача ақли бор инсон бу ҳақиқатларни яхши англайди.

Шу аснода биз ҳар қанақа шак-шубҳадан холи бўлган бир ҳақиқатни англаб етамиз. У ҳам бўлса ҳақиқий маънодаги муҳаббатга Аллоҳ таоло-

гина ҳақли ва лойиқ эканидир. Чунки Аллоҳ таолода муҳаббат сабабларининг бари мавжуд бўлиб, барча оламлардаги гўзаллик ва яхшиликлар У Зот азза ва жалла жамолининг инъикосидир. Дарҳақиқат, биз гувоҳи бўладиган барча жамолу хайриятлар барча қудрат ва кучлар ўз ихтиёри билан ёки мажбуран ҳузурида бўйсундирилган Буюк Раббимиз Аллоҳ азза ва жалланинг яратishi ва комил тадбири маҳсулидир.

МАЗКУР МУҲАББАТНИ КАСБ ЭТИШ ЙЎЛИ

Биз юқорида баён этилган мавзулардан инсоннинг Аллоҳ таолога бўлган қадим ҳамда ҳаёти давомида сабабларини тутиш ила касб этадиган муҳаббати, Қуръони каримда у иккиси ҳақида ҳам хабар берувчи ояти карималар келганини билиб олдик.

Энди ўзимизга “Инсоннинг ўз ҳавои нафси ва шаҳвати севгисидан ғолиб келиб, Аллоҳ таолога бўлган юксак муҳаббатни касб этишининг қандай йўллари бор?” деган саволни бериш вақти келди.

Аллоҳ таолога бўлган муҳаббатни касб этиш уч нарса билан бўлади. Биринчиси, айтиб ўтил-

ганидек, Аллоҳ таолонинг зикри ва муроқабасини кўпайтиришдир. Бунинг энг самарали услуби эса ҳар бир неъматни ўз масдарига – Аллоҳ азза ва жаллага нисбат беришдан иборатдир.

Нафсини муроқаба ва зикр мақомида бардавом ушлаб турган мўмин вужудида фазл ва неъмат эгаси бўлмиш Аллоҳ таолога бўлган муҳаббатнинг жўш уриши муқаррардир.

Дарҳақиқат, ҳар бир неъматни неъмат берувчи Зотга боғлаш қалбда Аллоҳ муҳаббати оловини ёқишнинг биринчи воситасидир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **“Сизларга бераётган неъматлари учун Аллоҳни севинглар...”**¹, деган ҳадисларида айнан шу воситага ишора қилинган.

Шундай экан, инсон ҳар сафар алвон неъматлар билан тўлган дастурхонга ўтирганда улар ҳақида тафаккур қилсин. Шунда у осмондан ёққан сув, ер ўстирган наботот ва Аллоҳ таоло бўйсундириб қўйган ҳайвонларнинг гўшт ва сутларидан ҳосил бўлган ушбу неъматларнинг ҳар бири бандага бўлган илоҳий муҳаббатнинг аломатлари эканини ҳис қилади. Аллоҳ таолонинг муҳаббатини билиб, уни ҳис қилган банда эса У Зотга ҳам муҳаббат билан жавоб қайтаради. Зотан, бу неъматларни Аллоҳ таоло бермаса,

¹ Термизий Анас ибн Моликдан ривоят қилган.

ким ҳам бунга қодир бўла оларди? Ҳожатхонага кириб-чиққач эса танасини ўзидаги захарларни ташқарига чиқариб ташлайдиган мукамал тизим билан таъминлаб қўйган Зотга ҳамд айтсин. Қўлини юваётганда эса Ўз қудрати ила на ҳиди ва на таъми бор бўлган сувни турли нопокликларни кетказувчи қилиб қўйган Раббига шукрини кўпайтирсин. Биз кўникиб кетган бу неъматнинг қадрини уч кун кетма-кет сувсиз қолиб, ўзимиздан жирканадиган даражага келиб қолганимизда яхши англаймиз. Ризқ талабида кўчага қадам қўйганида эса уни меҳнатга яроқли қилиб, тана-сида ҳавода тўлиб-тошиб ётган микробларга қарши курашадиган ҳимоя тизимини яратиб қўйган Раббисининг фазли карами ҳақида ўйласин. Ишдан чарчаб қайтиб келгач, ётоғига жойлашиб оладиган оромини тафаккур қилсин, уйқуни янги қувват сабаби қилиб қўйган Аллоҳ субҳанаҳу ва таолони эсласин. Уйқунинг қанчалик улуғ неъмат эканини икки кун ухламасдан, фикрлари чалкашиб кетган, асаблари портлаб, ақлдан озаёзган одамдан сўраш керак. Бу неъматларнинг барини инсонга ким берди? Уни ҳар сонияда неъматлари билан кўмиб ташлайдиган зот ким? Албатта, у зот оламлар Рабби Аллоҳ азза ва жалладир.

Барча неъматларни неъмат эгаси бўлмиш Аллоҳ таолога боғлаган ҳолда У Зотнинг муроқабаси

сини нафсининг одатига айлантирган банданинг қалби илоҳий муҳаббатнинг қароргоҳига айланиб, ундан Аллоҳдан ўзганинг севгиси чиқариб ташланади. Аллоҳ таолога бўлган муҳаббатни касб этишнинг иккинчи йўли – ҳаром ейишдан узоқлашиш учун бор имконни ишга солишдан иборатдир. Ҳаромнинг турлари ва унга элтувчи йўллар жуда кўп бўлиб, бу ўринда уларнинг барини келтиришнинг имкони йўқ.

Қай бир тури бўлмасин, ҳаром инсоннинг қалбига таъсир қилиб, унинг қаттиқлашишига сабаб бўлади. Ҳатто қалб шу даражада қотиб кетадики, инсоннинг зулм ва истибдод суратини олган шаҳватпарастлигининг олдида энг ваҳший йиртқичлар ҳам ип эшолмай қолади.

Бора-бора уйига ёки қорнига кираётган ҳаромга мутлақо эътибор бермайдиган, Аллоҳни зикр қилмайдиган ёки зикр қилишни истамайдиган ҳолга келади. Ўзига етаётган неъматнинг қаердан келганини ўйлаб ҳам ўтирмай, ямламай ютаверади, келаётган неъмат учун неъмат берувчига шукр айтмаслик, Унинг фазлини эътироф этмаслик катта айб эканини ҳаёлига ҳам келтирмайди.

Қалби қаттиқлик уни егулик ва бошқа лаззатлар кўринишидаги ҳаром билан қиладиган муомаласининг ортишига сабаб бўлиб, бу жара-

ён чўзилгани сари илоҳий баён “рон” – “моғор” деб аталган иллат ҳам қалбини шунчалик қалин қоплаб бораверади. Агар ўзини ўнгламаса, Аллоҳ таолонинг энг буюк неъматини – иймонни ҳам бой бериб, У Зотнинг ҳузурига раҳматидан ноумид бўлган ғофиллар қаторида йўл олади.

Лозим тутилиши керак бўлган учинчи нарса – фосиқлар тўпланадиган мункар ва ҳаром мажлисларидан узоқлашиб, солиҳларнинг суҳбатларида бўлишдир.

Мажлисларидан хайр кутиладиган солиҳлар икки гуруҳдир:

Биринчи гуруҳ табиатлари турли кирликлар ва разил сифатлардан покланган авомларнинг солиҳлар зумраси бўлиб, улар қаерда бўлсалар ҳам яхшиликнинг пайдан бўлиб, нафсларига қанчалик зийнатли кўринмасин, ёмонликлардан ўзларини олиб қочадилар. Раббиларига синиқлик ила зорланиш, қусурларини эътироф этиб, Унинг мағфиратини тилаш уларнинг доимий ҳоларидир. Мухтасар айтганда, улар Аллоҳ таоло куйидаги оятида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга хабарини берган кишилардир:

“Ўзингни эртаю кеч Раббиларига дуо қилиб, Унинг юзини ирода қилувчилар ила сабр этиб тут. Ҳаёти дунё зийнатини хоҳлаб, улардан икки кўзингни бурма” (Каҳф, 28-оят).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “Аллоҳ таолонинг сочлари тўзғиган, юз-кўзи чанг, жулдур кийимли, эшиклар олдида тутиб қолинадиган шундай бандалари борки, агар улардан бири Аллоҳнинг номига қасам ичса, У Зот унинг қасамини оқлаб беради”¹, деган ҳадисларида ҳам шу солиҳлар назарда тутилган бўлса не ажаб?!

Ушбу гуруҳга мансуб инсонларга етишган одам уларнинг этагини маҳкам тутиши, илм ёки ҳикмат ҳосил бўлишини кутиб ўтирмай, ўзини улар билан сабр ила тутиб, Аллоҳ таолонинг раҳматига етишни ғанимат билиши лозим.

Солиҳларнинг иккинчи гуруҳи илмларига амал қилувчи олимлар бўлиб, улар дунё моли ва мансабларидан зуҳд қиладилар, нафсларини тақво (вараъ) арқонлари билан тизгинлаб, Куръону суннат ва ишончли имомларнинг ижтиҳодларидан далил топилган вақтларда одамлар учун шариат ҳукмларида осонлик эшикларини очадилар. Бу солиҳ зотларнинг Раббилари билан бўладиган хилват, зикр ва нафл ибодатлардан иборат хос соатлари бордир. Уларнинг бирорта саҳари тазарру, синиқлик ва истиғфордан холи бўлмас.

¹ Ҳоким, Абу Нуъайм ва Аҳмад Муслимнинг лафзига ўхшаш лафз билан Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилган.

Бу гуруҳга оид солиҳларга етишиш бахти на-
сиб бўлган инсон ҳам улар билан бўлиш аҳдида
мустаҳкам туриб, мажлисларини лозим тутиш
ва илмларидан ўзига улуш олишга тиришмоғи,
уларни нафси учун муршид ҳамда диний ишла-
рига маслаҳатчи устозлар қилиб олмоғи даркор.
Чунки бу зотларнинг илмини олиш кишида хи-
доятни, тақвосидан ибратланиш эса Аллоҳ тао-
лога бўлган унсни пайдо қилиб, банданинг ҳа-
вои нафс бузукликларидан узоқлашишига са-
баб бўлади.

Бироқ киши ўзидан муршид ясаб олган, ас-
лида шаръий ҳукмлар ва ислом ақидасида жоҳил
бўлган сохта пешволар ўта эҳтиёт бўлмоғи ло-
зим. Илм ва иршод даъвосидаги бу жоҳиллар-
нинг бор-йўқ мақсади дунё моли, мансаби ёки
обрўсига эга бўлиш, холос.

Мусулмон учун сохта муршиднинг хатаридан
ҳам каттароқ хавф йўқдир. Чунки улар банданинг
йўлдан озиб, залолатга кетишига сабаб бўлади-
лар. Диний ақоид, ҳалол ва ҳаром, ибодат ва муо-
малот дақиқликларидан ғофил иршоднинг сохта
уловини миниб олган бу дажжолларнинг ҳийла-
лари боис қанчадан-қанча одамлар истиқомат-
дан бурилиб, ҳалокатга юз тутиб кетдилар.

Аллоҳ таолонинг ризосига олиб борувчи йўл
илм чироғи билангина босиб ўтилади. Илм эса

соҳибини амалга етаклаши лозим. Илм ҳидояти асосида қилинган амал эса бандада Аллоҳ таолонинг муҳаббати ва хавфини пайдо қилади. Аллоҳ таолонинг розилигига илм ва амалсиз етиб боришини даъво қилган кимса эса каззобдир.

АЛЛОҲ ТАОЛОГА БЎЛГАН МУҲАББАТНИНГ САМАРАСИ

Инсон қалбида қарор топган раббоний муҳаббатнинг энг буюк самараси ва таъсири маҳбуб зот – Аллоҳ азза ва жалланинг хоҳишига эргашишда намоён бўлади. Ушбу эргашиш У Зотнинг буйруқларини бажариш ҳамда қайтарганларидан тийилишдан иборатдир. Икки муқаддас манба – Куръони карим ва пок суннатни лозим тутиш ўзида Аллоҳ таолонинг амр ва қайтариқларининг риоясини ифода этувчи ҳидоятнинг асосидир.

قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ
ذُنُوبَكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿٣١﴾

“Сен: “Агар Аллоҳга муҳаббат қилсангиз, бас, менга эргашинг. Аллоҳ сизга муҳаббат қилади ва сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилади”, деб айт” (Оли Имрон, 31-оят), деб марҳамат қилган Буюк Аллоҳ рост айтур.

Инсоннинг Аллоҳ таолога бўлган муҳаббати ўз даражасига кўра турлича бўлади. Банданинг Аллоҳга муҳаббати камолга қанчалик яқин бўлса, унинг Аллоҳ ва Унинг Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашиши ҳам шунчалик комил бўлади. Бунда инсон фақатгина вожиб амаллар билан чекланиб қолмай, суннат ҳамда нафлларни ҳам кўпайтиради ва бу йўлда нафсига етадиган турфа машаққатларга парво қилмайди. Банданинг муҳаббати ортгани сайин Раббисининг ибодати ва ҳукмларини адо этишдаги саботи ва одоби ҳам зиёда бўлиб бораверади.

Аллоҳга бўлган муҳаббатида содиқ бўлган бирорта солиҳ банда йўқки, ўлимга унс туймаган, унинг аломатлари зоҳир бўлганда шодланмаган бўлса. Ўлим онлари яқинлашганини сезган Хузайфа розияллоҳу анҳунинг юзларида ҳам худди шундай ҳолат зоҳир бўлган эди. У зот розияллоҳу анҳу ўшанда ўлимни “Марҳабо, эй узоқ кутилган ҳабиб!” деб кутиб олганлар.

Ўлим талвасаси ҳужум қилганида Муоз розияллоҳу анҳу: “Раббим, мени қанча бўғилишимни истасанг, шунча бўғавер! Иззатингга қасамки, қалбим Сенинг муҳаббатинг билан тўлалигини билурсан!” деган эдилар.

Ибн Жавзийнинг набирасидан нақл қилинган ривоятда Аҳмад Ғаззолий раҳматуллоҳи

алайҳ биродарлари Абу Ҳомид ҳақида шундай деганлари келтирилади: “Душанба куни субҳ вақти кирганда биродарим Абу Ҳомид таҳорат олиб, намоз ўқиди ва “Менга кафан келтиринглар”, деди. Сўнг уни қўлига олиб, ўпганча кўзига суртиб: “Оламлар подшоҳининг амри бош устига”, деди. Кейин қибла томонга юзланиб узала тушди ва тонг отмасиданоқ жон берди”.

Айримлар: “Баъзида банда Аллоҳ таолони севгани ҳолда Унинг ҳақларини адо қилишда йўл қўйган қусурлари ва қўл урган гуноҳларини катта кўргани боис ўлимдан ваҳшат туйиб, қўрқиши мумкин”, деб айтадилар.

Мен айтаманки, бундай фикр фақатгина ҳалли Аллоҳ таолога бўлган муҳаббат лаззатини тотмаган кишининг ҳаёлига келиши мумкин. Аллоҳ азза ва жаллага ҳақиқий муҳаббат қўйган бандда эса бундай ҳол кузатилмайди. Чунки бандадаги Аллоҳ таолонинг мулоқотига бўлган шавқ йўл қўйилган нуқсонлар сабабли етиши мумкин бўлган укубат хавфидан ғолиб келади.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло билан учрашиш шавқи бутун борлиғини эгаллаб олган банда кутилиши мумкин аламу азобларга эътибор бермай қўяди. Билъакс, яқинлашиб келаётган мулоқот ва қалбни нурлантирган илоҳий муҳаббат-

нинг оташи бандани эҳтимолий азоблар ҳақида ўйлашдан тўсиб қўяди.

Аллоҳга муҳаббат қилишнинг самараларидан кейингиси банданинг зикруллоҳга тамомий ғарқ бўлишидир. Бунда Аллоҳнинг зикридан ҳосил бўлувчи маънавий ҳолат бандани унинг дунёвий ҳолатлари-ю алоқалари, ҳатто бошқалар билан бўладиган маиший мавзудаги суҳбатлари давомида ҳам тарк этмайди. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам бундай бандалар ҳақида “Муфарридлар ўзиб кетдилар”, деб айтганлар. “Муфарридлар ким?” деб сўралганда у зот солаллоҳу алайҳи васаллам: **“Аллоҳ азза ва жалланинг зикри бутун борлиғини қамраб олган бандалар. Зикр устиларидаги юкларидан халос қилиб, улар қиёмат куни енгил ҳолатда келадилар”**, деб жавоб берганлар.¹

Муҳаббатнинг ушбу самараси ҳар қандай шубҳа ёки муноқашадан холидир. Зеро, бир нарсани яхши кўрган одам ўшанинг зикрини кўпайтириши ҳаммага маълум ҳақиқатдир.

Аллоҳ таолонинг зикрига ғарқ бўлиш банданинг хилватда ўша зикр билан лаззат туйишига сабаб бўлади. Айниқса туннинг охириги учдан бир қисмида банданинг Раббисига муножот қилишга

¹ Термизий ва Ҳоким Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган.

бўлган шавқи янада жўш уриб, унинг кўзидан уйқуни ҳайдайди, натижа банда учун шу соатларда Раббининг ҳузурда туриб, Унга муножот қилиш, ҳолидан Ўзига шикоят қилишдан-да лаззатлироқ нарса бўлмайди.

Банданинг Раббисига муҳаббат қилишининг яна бир самараси унда Аллоҳнинг бандаларига нисбатан шафқат туйғуси уйғониб, уларни севиш, уларнинг илоҳий ғазаб ва жазодан нажот топиб, дунё-ю охират саодатини қучишларини соғинишдан иборатдир. Бу ҳолат мўминга лозим бўлган Аллоҳ учун ёмон кўриш сифатига асло зид келмайди. Чунки Аллоҳ таоло учун ёмон кўришда нафрат осий ёки кофирнинг зотига эмас, балки қилинаётган маъсият ва унда давом этилаётган куфрга қаратилади. Бу ҳам аслида осийга бўлган шафқатнинг бир кўринишидир. Лут алайҳисолату вассаламнинг қавмларига қарата “Мен амалингизни ёмон кўрувчиларданман”, деб қилган хитобларида ҳам айни шу маъно мужассамдир.

БАНДАНИНГ РАББИСИГА БЎЛГАН МУҲАББАТИ ВОСИТА ЭМАС, МАҚСАДДИР

Аллоҳ таолога бўлган муҳаббатнинг самаралари ҳақидаги сўзларни эшитган кишининг зеҳнида муҳаббат унинг самараларини қўлга қириштириш йўлидаги восита экан, деган фикр туғилиши мумкин.

Бироқ, аслида ундай эмас. Ортидан келувчи самараларидан қатъи назар, инсоннинг Аллоҳга бўлган муҳаббати мақсаддир, восита эмас.

Дарҳақиқат, инсоннинг Раббисига муҳаббат қилиши унинг зиммасидаги Аллоҳнинг ҳаққидир. Бу ҳақни унга вожиб қилган Аллоҳ таолонинг бандаларидаги неъматлари эса сон-саноксиздир.

Агар биз муҳаббатни юқорида санаб ўтилган самараларга етиш учун шунчаки восита, деб айтадиган бўлсак, катта хатога йўл қўйган бўламиз. Чунки, агар мазкур фикр ҳақиқат бўлганида ўша самараларга бошқа нарсалар билан етиш имконининг мавжудлиги Аллоҳ таолога бўлган муҳаббат заруриятини соқит қилган бўлар эди. Масалан, маҳбубга итоат қилиш ва эргашишга ундан

бўлган хавф сабаб бўлган тақдирда муҳаббатга ҳожат қолмасди. Бу эса Аллоҳ таолога бўлган бандалик ҳақиқатлари ва мақсадларига зид келувчи хато фикрдир.

Демак, Аллоҳ азза ва жалла амалларини инобатга олмай, жазосига дучор қилиши мумкинлигини билган банданинг Раббиси билан алоқаси унга У Зотнинг муҳаббатини лозим қилар экан. Чунки, Аллоҳга бўлган муҳаббат бандалик тақозосидир.

Эҳтимол бу гапни эшитган ўқувчида “Хизматларимни инобатга олмай, бирор бир сабабсиз мени жазога солишни истайдиган зотни қандай қилиб яхши кўраман?” деган савол туғилиши мумкин.

Жавоб шуки, ушбу саволдаги “хизматларимни инобатга олмай” ва “бирор бир сабабсиз” каби ибораларни Аллоҳ таолога эмас, балки инсоннинг ўзи каби бошқа бир инсон билан олиб борадиган алоқаларида қўллаш тўғри бўлади. Аллоҳ таоло билан банда орасидаги алоқа эса хожа ва унинг қули ўртасидаги муомалага ўхшайди: ҳеч замонда қулнинг луғатида “хизматларимни инобатга олмай”, “бирор бир сабабсиз” каби иборалар бўлмайди. Зеро,

لا يُسْتَأْذَنُ عَنْهُ بِفِعْلٍ وَهُمْ يَسْتَأْذِنُونَ ﴿٢٢﴾

“У (Аллоҳ) қилаётган ишидан сўралмас, балки у(банда)лар сўралурлар” (Анбиё, 23-оят). Ҳақиқий молик мулкани хоҳлаганигача тасарруф этади. Аслида башарий ўлчовда олиб қараганда ҳам мавжуд нарсаларни бир-бирига қўшиб-чатиб ясаган нарсасини ерга уриб яқсон қилган кишини ҳеч ким айбламайди. Чунки уни ўзи ясаган: истаса тек қўяди, истаса, бузиб ташлайди. Олий мисол эса Аллоҳникидир. Зеро, халойиқни йўқдан бор қилган Аллоҳ азза ва жалла уларнинг барини яратилишлари биланок тўғридан-тўғри жаҳаннамга туширганида ҳам зулм қилмаган, балки Ўзи яратган яратикларида Ўз хоҳишига кўра тасарруф қилган бўлар эди, холос.

Эҳтимол ўқувчининг мазкур эътирозига Холиқ азза ва жаллада истаган бандасини азоблаш ҳақи бор экани, У Зот бунга қодирлигини билиши натижасида унда пайдо бўлган хавф сабаб бўлгандир. Тўғри, инсоний муносабатларда ҳолат шундай кечади. Яъни, ҳеч бир инсон азоби ва жазосидан қўрққан одамига нисбатан қалбида муҳаббат туймайди ва аксинча, яхши кўрганидан эса хавф қилмайди.

Гап шундаки, ҳақиқатан ҳам инсоннинг бошқа инсонлар билан бўладиган алоқаларида бир-бирига зид туйғулар бўлмиш муҳаббат ва

хавф бир ўринда жам бўлмайди. Масалан, бир золимнинг озоридан қўрққан одам ундан қочиб, ўзига яхши муносабатда бўлиб, ҳимоя қиладиган кишининг олдига қочади. Бунда киши золимдан етиши мумкин бўлган зарар сабабидан ундан узоқлашади ва меҳрибон инсон томон муҳаббат билан талпинади.

Бироқ инсон Холиқ азза ва жалладан кутиладиган азобдан қочиш учун нима қила олади? Қачерга қочади? Кимга боради?.. Дарҳақиқат, Аллоҳ таолонинг азобидан бўлган хавфдан фақатгина Унинг Ўзининг раҳматидан бўлган умидгагина қочилади. Банд азобидан қочар онда Аллоҳдан қўрқса, раҳматига қочаётган пайтида У Зотга муҳаббат қилади. Банданинг қалбида бир инсондан ҳам хавф, ҳам унга бўлган муҳаббат жамланмайди, бироқ битта қалб бир пайтнинг ўзида Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг хавфини ҳам, У Зотга бўлган муҳаббатни ҳам ўзига сиғдира олади.

Демак, Аллоҳ таолодан бўлган хавф ва Унга бўлган муҳаббат иккисининг ҳар бири ўз ҳолича мақсадга етиш воситаси эмас, балки айни мақсаднинг ўзи ҳисобланар экан.

МАЪСИЯТ ҚИЛМАСЛИК АЛЛОҲГА БЎЛГАН МУҲАББАТНИНГ ШАРТЛАРИДАНМИ?

Биз аввалги мавзуларнинг бирида Аллоҳ таолонинг амр ва қайтарикларига риоя этиш У Зотга бўлган муҳаббатнинг энг улкан самараси эканини айтиб ўтган эдик.

Хўш, Аллоҳ таолога бўлган муҳаббат инсонга барча гуноҳу маъсиятлардан маъсум бўлишни шарт қиладими? Бу саволнинг жавоби қуйидагичадир.

Дарҳақиқат, Раббисига бўлган муҳаббат банданинг амр ва қайтарикларини ўрнига қўйиш борасида Аллоҳга берган байъатида содиқ бўлишни тақозо этади. Байъатга содиқлик эса Аллоҳнинг ҳукмларига эргашишда бор имконни ишга солишни талаб қилади. Яъни, Аллоҳга муҳаббат қилган инсон барча амр ва тақиқларида маҳбубига бўйсунушга қатъий азм қилиши шартдир.

Лекин, мана шу содиқ азму қарор бандани Аллоҳ таолонинг жамики амр ва ҳукмларига амалий бўйсунушини тақозо қиладими?

Ҳақиқат шуки, азму қарор қанчалик содиқ бўлмасин, у Аллоҳ таолонинг барча ҳукмларига

доимий бўйсуннишни тақозо этмайди. Агар шундай бўлганда бу ҳолат қудрати чегараланган инсондаги ҳайвоний ғаризалар ва жин шайтонлари боис юзага келган башарий заифликка хилоф келган бўларди.

Демак, Аллоҳ таолога муҳаббати ҳамда амр ва қайтариқларига тамомий риоя қилишга бўлган азму қарорида содиқ бандада ҳам Аллоҳ унга тақдир этган заифлигига бориб, баъзи маъсият ва фаҳш ишларга қўл уриб қўйиш ҳоллари кузатилиши мумкин экан.

Саҳиҳ хабарларда келишича, Нуъаймон розияллоҳу анҳу исмли саҳоба бир неча маротаба ҳадга лойиқ иш қилиб қўйгани боис жазога тортилади. Бир муддат ўтиб Нуъаймон розияллоҳу анҳу яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келтирилади. Шунда бир киши ҳамр ичгани учун жазосини олаётган Нуъаймонни лаънатлайди. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам эса ҳалиги кишига: “Уни лаънатлама, у Аллоҳ ва Расулини яхши кўради”, деб танбеҳ берадилар. Биз мазкур ҳадисдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам гуноҳкор мўминдан Аллоҳ ва Унинг Расулининг муҳаббатини инкор қилмаганларини билиб оламиз.

Мазкур баён билан танишиб чиққан кишида “Ундай бўлса нега Аллоҳ таоло бандалари-

нинг гуноҳга дучор бўлишларини тақдир этган? У Зот банданинг Ўзига нисбатан муҳаббатини уни маъсиятдан тўсувчи қалқон қилиб қўйса бўлмасмиди?” деган савол туғилиши мумкин.

Мен унга жавобан айтаманки, Аллоҳ таоло етук ҳикмат эгасидир. Бу ҳикмат банда муҳаббатнинг ўзи билан Аллоҳ таолонинг розилигини топа олмаслиги билан ифодаланади. Балки бандада муҳаббат билан бирга унинг бутун вужудини қамраб оладиган бандалик сифатлари ҳам бўлиши лозим. Муҳаббатнинг ўрни инсонни чулғаб оладиган туйғулар маскани бўлмиш қалб бўлса, амрларни бажариш йўлида қоқилиб, баъзи вожибларни қоим қилишдан ожиз қолиш кўринишида намоён бўлувчи заифлик ва синиқлик эса бандадаги бандаликнинг асоси ҳисобланади.

Гарчи инсоннинг маҳбуби олдидаги вазифаларида қусурга йўл қўйишига сабаб бўлса ҳам, айнан мана шу башарий заифлик бандани Аллоҳ азза ва жалланинг ҳузурида тазарру, зорланиш ва синиқлик ила туриш мартабасига етказди. У Зотнинг ҳузурида хорлик ва синиқлик мақомида бардавом бўлиш эса сиддиқларнинг сифатларидандир.

Агар Аллоҳ таоло бандалик аломати қилиб қўйган ушбу заифлик бўлмаганида эди, Раббига

бўлган муҳаббатидан ўзгача бир кўтаринкилик ва мастлик туйган банда ушбу севгисини ифода этиш йўлида илоҳий тақдир унга ёзган ҳар қандай машаққат, алам ва синовларга бардош бериш даъвосига ўтган бўларди. Зеро, бутун вужудига сочилган муҳаббат оташининг учкунларидан ҳосил бўлган ушбу мастлик ҳолатига тушган бандада бандалик туйғулари ғойиб бўлади. Бу эса Аллоҳ талога нисбатан беадаблиқдир.

Имом Қушайрий раҳматуллоҳи алайҳ ўз рисоласида келтирган ривоятда солиҳлардан бирининг айнан шу ҳоли баён этилган. Ўша солиҳ киши бир куни Аллоҳ таолога бўлган камоли муҳаббатининг таъсиридан “Эй Раббим, менинг Сендан бошқа муродим йўқ! Бас, мени истаганингча имтиҳон қил!” деб юборади. Шунда Аллоҳ таоло уни ҳасрул-бавл – пешоб тутилиши дардига мубтало қилади. Солиҳ киши бир муддат сабр қилиб юради... Бир неча кундан кейин эса одамлар уни бозорда болаларга ширинлик тарқатиб “Каззоб амакингиз ҳақиқа Аллоҳдан офият сўраб дуо қилинглар”, дея нола чекиб юрганини кўрадилар.

Албатта, ўша солиҳ киши Аллоҳ таолога бўлган муҳаббатида, Унинг синовларига сабр қилиш қароридан ёлғончи эмас эди, бироқ Унга бўлган муҳаббатидан ҳосил бўлган шавқи унга ўзининг

ожизу нотавонлигини унуттирди. Худди шунга ўхшаб, бандалик тақозоси бўлган амалларни лозим тутишга азму қарориди содиқ бўлган банда ҳам бирор сабабга кўра ўз ожизлиги-ю заифлигини унутиб қўйиши мумкин экан.

Демак, Аллоҳ таоло инсонга энг олий ва муқаддас муҳаббатни сиғдира олувчи қалб ҳамда яратилганидан бери ўз Холиқиға нисбатан муҳаббатни туювчи руҳ билан уни шарафлантириб қўйгандир. Лекин, айна вақтда У Зот азза ва жалла инсоннинг пешонасига ушбу муҳаббатнинг ҳақларини адо этишда ожизлик қилишиға сабаб бўлувчи заифликни ҳам битиб қўйган. Бунда ҳам Аллоҳнинг буюк ҳикмати мужассамдир.

Қалбдаги муҳаббат жўш уриб, бутун вужудни камраб олгач, бандада ушбу муҳаббатнинг ҳақларини комил суратда адо қилиш истаги уйғонади. Шу пайт қалбда уйғонган Рабб азза ва жалла муҳаббатининг ҳақларини адо қилишға бўлган кўтаринкилик тўлқинлари башарий заифлик қояларига урилиб, бандада бандаликни зоҳир қилади: муҳиб Маҳбубига муҳаббатининг ҳақларини камолиға етказиб адо этишдан ожиз эканини шикоят қилиб, бу ишда Ўзидан ёрдам сўраб илтижо қилишға ўтади. Раббисига зорланган, синиклик ила Унинг карамиға илҳақ бўлган бандага бериладиган Аллоҳнинг савоби эса раббоний

муҳаббатнинг ҳақларини адо этган содиқ бандага бериладиган ажрдан асло кам эмас.

Банда Раббига бўлган муҳаббат ва бандаликдан иборат мазкур икки қаноти ёрдамида Аллоҳ таолонинг розилиги томон парвоз қилади. Аллоҳ таолонинг розилигига шу икки қанотдан бири билан ҳам учиб борса бўлади, деганлар эса қаттиқ адашадилар.

Сиз азизларга ушбу масалани янада равшан баён қилиб бериш учун “Шарҳу ҳикамул Атоъийя” номли китобимиздан иқтибос келтиришга ижозат сўрайман.

“Инсон вужудида олийликка мансуб, соҳибини малаъул аъло – олий жамоат томон етаклаб парвоз қилишга ундаб турувчи латиф қувват мавжуд бўлиб, руҳдан таралувчи Рабб азза ва жаллага бўлган муҳаббат ҳамда соғинч ишораларини қабул қилиб олувчи қалб унинг маконидир. Айни пайтда инсонда ҳайвоний ғаризалар, уни бир он бўлса-да тинч қўймайдиган шайтоний васвасалар ҳамда жасадий қувватнинг чегараланганлиги боис юзага келувчи заифлик ҳам мавжуд бўлиб, у инсондаги олийликка мансуб руҳий қувват билан доимий зиддият ҳолатида бўлади.

Қалб томонидан муҳаббат ва улуғлаш кўринишида таржима қилинган ушбу руҳий қувват ўз навбатида ҳавои нафс, шахват ва ғаризалар

ҳамда тана қувватининг чегараланганлиги каби омиллар боис вужудга келган табиий заифлик билан ўзаро зиддиятга киришади.

Хато ва тўғрилиқ, тоат ва маъсият, юксалиш ва таназзул кабилар эса мана шу икки омилнинг ўзаро тўқнашувининг натижаларидир. Банда ушбу тўқнашувда ундаги руҳий қувват ва башарий заифликнинг даражаларига қараб турли ҳолатларга тушади. Дарҳақиқат, **“Одам болаларининг ҳаммаси хатокордир. Хатокорларнинг яхшилари эса сертавбаларидир”¹**, деб марҳамат қилган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рост айтганлар.

Ҳар қайси замон ва маконда инсоннинг, жумладан мусулмоннинг ҳоли ҳам шу: баъзан истиқоматда бўлади, баъзида қоқилади, гоҳида хато қилади, гоҳида тўғрини топади. Руҳи ва қалбий ҳислари гоҳида уни тоат сари йўллаб, муҳаббатнинг ҳақлари бўлмиш Аллоҳ таолони улуғлаш ва Унинг маҳобатини ҳис қилиш чўққиларига олиб чиқса, фақат нафс истакларига хизмат қилувчи ҳайвоний ғариза ва шаҳватлари эса айрим вақтларда уни тубанлик томон судрайди.

Гуноҳ ва маъсиятдан фақатгина анбиё ва расуллар маъсумдирлар. Даъватларида зафар

¹ Аҳмад, Термизий, Ибн Можа ва Ҳоким Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилган.

қозониб, ҳаёт тарзи ва юриш-туришда барчага ўрнак бўлишлари учун ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзи уларни бу хусусият билан хослаб қўйган.

Хўш, соҳибини олий даражаларга олиб чиқувчи руҳий қувват билан уни тубанлик қаърига тортувчи ҳайвоний шаҳватлардан сув ичувчи башарий заифликнинг ўртасидаги зиддият, таъбир жоиз бўлса курашдан қандай ҳикмат кўзланган? Инсон қалбини эгаллаб олувчи раббоний муҳаббат ва унинг танасини макон тутган башарий заифлик ўртасидаги мазкур тўқнашувдан мақсад нима?

Бундан кўзланган мақсад ва ҳикмат шуки, вужуди ҳамда руҳи ўртасидаги ушбу тўқнашувдан мушкул ҳолатга тушиб қолган мўмин банда ўзи тушиб қолган ҳолатидан чиқишнинг ягона йўли Аллоҳ азза ва жаллага илтижо қилиш эканини англайди, ўз заифлигидан Аллоҳ таолонинг қувватига қочади, Унинг Ўзигагина ибодат қилади, шаҳватининг ёмонлигидан Раббига шикоят этиб, раҳматини ёлворади, ўзини заиф ҳолига ташлаб қўймаслигини Раббидан ўтинади, ҳузури илоҳийда дағ-дағ титраб, кучи ҳам, тадбири ҳам йўқ бир нотавон банда эканини эътироф этади.

Бандаликнинг моҳияти банданинг мана шу зиддият дастидан Аллоҳ таолонинг паноҳига қочишида мужассамдир. Дунё ҳаётида инсонлар-

нинг турфа вазиятларга тушишидан кўзланган олий мақсад ҳам бандаларда айнан мана шу убу-дият – бандаликни зоҳир қилишдан иборатдир. Зеро, зоҳирий ибодатлари қанчалик кўп бўлмасин, агар банда бандалиқдан мосуво бўлса, бари бефойдадир. Банда қанчалик кўп намоз ўқимасин, рўза тутмасин, вожибот ва нафлларни бажаришни ўринлатмасин, агар унинг ушбу амаллари қалбидаги Аллоҳ таолога фақирлик, синиқлик ва зорланиш туйғулари билан омихта бўлмас экан, у Раббига қурбат ҳосил қила олмайди. Зеро, Аллоҳ таолонинг ибодатларни жорий қилишдан муроди банданинг Рабби азза ва жаллага бўлган фақирлиги – доимий муҳтожлиги шуурини юзага чиқаришдир. Банданинг ушбу ҳолати уни Парвардигоридан умид ва тама ила раҳмат ҳамда ёрдамини сўраш мақомига олиб чиқувчи қурбат нарвони, У Зот розилиги эшигининг калитидир.

Бандадаги Аллоҳ таолога бўлган фақирлик, зорланиш ва синиқлик эса ундаги руҳий қувват ҳамда баданий заифликнинг ўзаро тўқнашуви-дан ҳосил бўлади.

Хўш, Аллоҳ таоло инсонга раббоний муҳаббатнинг барча ҳақлари ва шартларини ҳеч қандай нуқсонсиз, бекаму кўст адо эта олиш қудрати билан сийлади, деб фараз қилайлик. Унда нима бўлади? Агар Аллоҳ таоло бандани шунга қодир

қилиб қўйганида эди бутун вужудини Раббига бўлган муҳаббат қамраб олган инсон доимий муваффақият ва нусратдан мастлик туйиб, ҳавои нафс (ужб) уммонига шўнғиб кетган, бандаликдан холи бўлган қуруқ муҳаббат асирига айланиб, зиммасидаги вазифалар кўзига ҳақир кўриниб қолган бўларди. Бошқача қилиб айтганда, унинг ҳолати Ибн Форизнинг қуйидаги байтида васф этилган кишиники каби бўлиб қолар эди:

*Гар дейилса чўғ узра ёт чалқанча,
Бас, ўзим отгум ўтга гердайганча.*

Қалбини эгаллаган муҳаббат суруридан ҳосил бўлган мастлик сабаб бандалигини унутиб қўйган банда эса Аллоҳ таолога илтижо қилишни унутиб, У Зотнинг ҳузурида синиқлик ила зорланиш бахтидан мосуво бўлади. Бундай банданинг қалбида Аллоҳ таолонинг: **“Эй одамлар! Сизлар Аллоҳга муҳтождирсиз. Аллоҳ эса, Ўзи беҳожат ва мақталган зотдир”** (Фотир, 15-оят), деган қавлининг тасдиғи топилмай қолади. Банда учун эса бундан-да ортиқ бахтиқаролик йўқ!

Хулоса қиладиган бўлсак, ташқаридан бизнинг кўзимизга синов ва машаққат бўлиб кўринадиган башарий заифлик аслида инсонни Аллоҳнинг наздида фаришталардан-да юқори мартабага кўтарувчи бандаликнинг манбаи ҳисобланувчи улкан илоҳий неъмат экан.

ИНСОННИНГ ИНСОНГА МУҲАББАТИ

Биз аввалги мавзуларда Аллоҳ таолонинг инсонга, инсоннинг У Зот азда ва жаллага бўлган муҳаббатига оид илоҳий баёнларни ўргандик. Хўш, Қуръони карим инсоннинг инсон ва бошқа яратикларга нисбатан муҳаббати ҳақида нима дейди?

Инсоннинг бошқа нарсаларга, жумладан инсонга бўлган севгиси унинг табиатига жойланган фитрий туйғу бўлиб, ушбу муҳаббатда нафсининг насибалари мужассамдир. Муҳаббатнинг ушбу тури инсоннинг ўз жуфти, фарзандлари, ота-онаси, қариндошларию дўстларини ҳамда дунёвий хайрларни яхши кўриши билан ифодаланади.

Шу боис, Қуръони каримнинг ушбу мавзуга оид оятлари инсоннинг инсонга бўлган муҳаббатига амр қилиб ёки унга чақириб эмас, балки икки хил муносабат билан: ушбу севгининг хабарини бериш ҳамда уни ислоҳ этиш жиҳатидан баён қилиб келган. Қуръони каримнинг муҳаббатни ушбу турига амр ёки даъват қилмаганининг сабаби эса ушбу туйғунинг шундоқ ҳам инсоннинг фитратига жойлангани билан ифодаланади.

Инсоннинг инсонга ва дунё матоҳларига бўлган севгиси ҳақида сўз юритар экан, Қуръони карим бандаларни уларнинг одамлар ва дунё яхшиликларига бўлган муҳаббатлари Аллоҳ азза ва жалланинг муҳаббати билан рақобатга киришишидан ман қилади.

Аллоҳ таоло банда нимани яхши кўрмасин, ўшани У Зот азза ва жалла учун яхши кўришга буюриб, бирор нарсанинг муҳаббатини Ўзининг муҳаббати билан бир қаторга қўйишдан қайтиради.

Қуръони мажиднинг хоҳ одам бўлсин, хоҳ бошқа нарса бўлсин, ҳар қандай Аллоҳдан ўзганинг муҳаббати ҳақидаги баёнининг хулосаси шундан иборатдир. Айни пайтда фақир мавзуни батафсил шарҳ қилиш фойдали бўлади, деб ишонаман.

Банда Аллоҳ таолонинг

وَمِنَ النَّاسِ مَن يَتَّخِذُ مِن دُونِ اللَّهِ أَنَدَادًا يُحِبُّونَهُمْ
كَحُبِّ اللَّهِ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا أَشَدُّ حُبًّا لِلَّهِ

“Одамлар ичида Аллоҳдан ўзга тенгдошларни тутадиганлар ва уларни Аллоҳни севгандек севадиганлар бор. Иймон келтирганларнинг Аллоҳга муҳаббатлари қаттиқдир” (Бақара, 165-оят), деган қавли ҳақида мулоҳа-

за қилиши лозим. Ояти каримадаги “андаад” – “тенгдошлар” сўзи айнан муҳаббат қўйишда Аллоҳ таолога тенгдош қилинганлар маъносидадир.

Аллоҳ азза ва жалла бошқа бир ояти каримада:

زَيْنَ لِلنَّاسِ حُبِّ الشَّهَوَاتِ مِنَ النِّسَاءِ وَالْبَنِينَ
وَالْقَنَاطِيرِ الْمُقَنْطَرَةِ مِنَ الذَّهَبِ وَالْفِضَّةِ وَالْخَيْلِ
الْمُسَوَّمَةِ وَالْأَنْعَامِ وَالْحَرْثِ ذَلِكَ مَتَعُ الْحَيَاةِ
الدُّنْيَا وَاللَّهُ عِنْدَهُ حُسْنُ الْمَعَآبِ ﴿١٤﴾

“Одамларга аёллардан, болалардан, тўп-тўп тилло ва кумушдан, гўзал отлардан, чорвадан, экин-тикиндан иборат шахватларнинг муҳаббати зийнатланди. Улар дунё ҳаётининг матоҳидир. Аллоҳнинг ҳузурида эса, ҳуснли қайтар жой бор” (Оли Имрон, 14-оят), дейди.

“Тавба” сурасининг 24-оятида эса У Зот субҳанаҳу ва таоло бандаларини:

قَدْ إِنْ كَانَ ءَابَاؤُكُمْ وَأَبْنَاؤُكُمْ وَإِخْوَانُكُمْ وَأَزْوَاجُكُمْ
وَعَشِيرَتُكُمْ وَأَمْوَالٌ اقْتَرَفْتُمُوهَا وَتِجَارَةٌ تَخْشَوْنَ كَسَادَهَا
وَمَسْكَنٌ تُرْضَوْنَهَا أَحَبَّ إِلَيْكُمْ مِنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ
وَجِهَادٍ فِي سَبِيلِهِ فَتَرَبَّصُوا حَتَّى يَأْتِيَ اللَّهُ بِأَمْرِهِ

“Агар ота-оналарингиз, болаларингиз, ака-укаларингиз, жуфтларингиз, қариндош-уруғларингиз, касб қилган молларингиз, касод бўлишдан қўрққан тижоратларингиз ва хуш кўрган масканларингиз сизга Аллоҳдан, Унинг Расули ва Унинг йўлида жиҳод қилишдан маҳбуброқ бўлса, у ҳолда Аллоҳ Ўз амри-ни келтиргунча кутиб туринг”, дея огоҳлан-тирган.

لَا تَفْرَحْ بِإِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْفَرِحِينَ ﴿٧٦﴾ وَابْتَغِ فِيمَا آتَاكَ
اللَّهُ الدَّارَ الْآخِرَةَ

“Ҳовлиқма, албатта, Аллоҳ ҳовлиққанлар-ни суймас. Ва Аллоҳ сенга берган нарса билан охиратни излагин” (Қасос, 76-77-оятлар), деган қавлида эса Рабб жалла зикруху солиҳ бандаларининг тилидан Қорунга насиҳат қилган.

Парвардигоримизнинг

كَلَّا بَلْ لَا تَكْرُمُونَ الْيَتِيمَ ﴿١٧﴾ وَلَا تَحْضُونَ عَلَىٰ طَعَامِ
الْمَسْكِينِ ﴿١٨﴾ وَتَأْكُلُونَ الثَّرَاثَ أَكْلًا لَّمًّا ﴿١٩﴾
وَتُحِبُّونَ الْمَالَ حُبًّا جَمًّا ﴿٢٠﴾

“Йўқ! Балки Сизлар етимларни икром қилмассизлар. Бир-бирингизни мискинларга таом беришга ундамассизлар. Ва мерос-

ни шиддат-ла ейсизлар. Ва молни кўп яхши кўрасизлар” (Фажр, 17–20-оятлар), деган қавлида эса ношукур бандаларнинг сифатлари санаб ўтилган.

Мазкур ояти карималар устида тафаккур қилган киши Аллоҳ таоло қазо қилган бир ҳақиқатга гувоҳ бўлади. У ҳам бўлса башарий нафсларнинг аёллар, фарзандлар, қариндош-уруғ, молу давлат, тижорат, экин-тикин, уй-жой каби нарсаларнинг муҳаббатига мойил эканидир.

Баъзи оятларда эса ағёрнинг¹ муҳаббатини Аллоҳ таолонинг муҳаббатига тенглаштириш ёки ундан ҳам ошириб юборишдан қаттиқ қайтарилади.

Хўш, зоҳирда бир-бирига зид бўлиб кўринадиган икки ҳолат – Аллоҳ таолонинг инсон нафсини ағёрнинг муҳаббатига мойил қилиб яратиши ҳамда ўша муҳаббатдан огоҳлантириб, бандани яхши кўриладиган нарсаларнинг барини Ўзининг розилигига олиб бориш воситаси қилишга амр этиши орасини қандай жамлаймиз?

Аллоҳ таолонинг Ўзи нафсларга ағёрнинг муҳаббатини қазо этиб, сўнгра инсонни ўша муҳаббатдан устун келишга ҳам амр этиши орасини қандай жамлаймиз?

¹ “Ағёр” – лугатда “бошқалар”. Тасаввуф истилоҳида Аллоҳ таолодан бошқа барча нарса деган маънони англатади.

Маълумки, Аллоҳ таоло Ўзининг Ердаги ўринбосари этиб сайлаш ила инсонни буюк шарафга ноил этди.

Аллоҳ азза ва жалла айтади:

وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلٰٓئِكَةِ اِنِّيْ جَاعِلٌ فِى الْاَرْضِ خَلِيْفَةً

“Эсла, вақтики Раббинг фаришталарга: “Мен ер юзида халифа қилмоқчиман”, деди”
(Бақара, 30-оят).

Бизлар юзаки ўйлайдиган айрим тоифалар каби ушбу ояти каримадаги “халифа” сўзини инсоннинг Ерда Аллоҳ таолонинг рубубият вазифаларини бажариб, Унинг яратиклари тадбирини қилиш ваколатини олганини англатувчи ўринбосарлик, дея таъвил қилишдан эҳтиёт бўлмоғимиз лозим. Зеро, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло борликни идора қилиш ишига бошқани ноиб қилишдан олий ва пок зотдир. Ўз навбатида ҳақир ва заиф инсон ҳам Аллоҳ таолога бўлган хорлиги ва бандалигидан ўтиб кетиб ушбу улкан мақомни даъво қилишга жуда ҳам ожизлик қилади.

Куръонда хабари келган фаришталарга қарата айтилган илоҳий хитобдаги ўринбосарлик ўзида Аллоҳ таоло томонидан инсонга юкланган хос бир вазифани ифода этиб, у ҳам бўлса бани Одамнинг У Зот азза ва жалла Ерда ўрнатиб қўйган адолат мезонларини англаб, уларни

амалда қўллашга мукаллаф қилинишидан иборатдир. Инсон ушбу мезонларни нафақат ўз ҳаёти учун қўлайди, балки башарий жамиятларни тутиб турувчи устунларнинг пойдевори бўлмиш ушбу адолат мезонларининг маърифатига, улар билан ҳукм қилишга ўз жинсидан бўлган бошқа биродарларини ҳам даъват қилади. Бирок, ушбу даъват куч ишлатиб, бандаларни бунга қаҳр ила мажбурлаш йўли билан бўлмайди, балки танлаш имконияти ҳамиша инсонларнинг ўзида қолади. Зеро, савоб ва жазо ҳам банданинг икки йўлдан бирини ихтиёр этишига қараб бўлади.

Хўш, барча ишларида Аллоҳ таоло инсоният олдига қўйган ушбу мезонга мурожаат қилиб, унинг шартларини ўрнига қўйган, унинг маърифатини ҳосил қилиш орқали инсоний жамиятлар ҳаётини изга солувчи ҳидоят низомини ишлаб чиққан инсон ўз турдош биродарларини ушбу саодат йўлига кимнинг номи билан даъват этади? Ҳаётни ушбу ҳидоят низоми ҳукмлари асосига қуриш, унинг ҳукмларини тамомий розилик ҳамда тўлиқ иқрор ила қабул қилган ҳолда маҳкам тутиш кимнинг амрига биноан амалга оширилади?

Шубҳасиз, киши буларнинг барини инсонни ҳайвонот оламидан фарқли ўлароқ ҳуррият ва ихтиёр билан муқаррам қилиб қўйган Аллоҳ

азза ва жалланинг номи ва амри билан амалга оширади. Зеро, оламлар Рабби азза ва жалла инсонни унга жойлаб қўйилган хусусиятлар арқони билан тўғридан-тўғри мажбурий тарзда бошқариладиган хилқат эмас, балки юборилган рисолат ва зиммасига юкланган вазифани тушуниш ҳамда уларга мувофиқ амал қилишда ихтиёрли ва ўз нафсига ҳоким қилиб яратгандир. Рисолат эса Парвардигоримизнинг бизга бўлган раҳмати, икромии ва фазли ўлароқ башарий оила аъзолари орасидаги ўзаро ҳамкорлик, адолат ҳамда саодат сабаби қилиб қўйилди.

Инсондан бошқа яратилган махрум қилиниб, фақатгина Одам болаларига хосланган ўринбосарликнинг моҳияти мана шулардан иборатдир.

Барча халойиқ орасидан инсонга берилган ушбу ўринбосарлик Аллоҳ таоло томонидан унга ушбу вазифани амалга ошириш учун лозим бўлган қудрат ва сифатларнинг берилишини ҳам тақозо этган бўлиб, улар идрок, илм, кишининг “мен”ини англаши, нарсаларга эгалик қилиш ва уларни сақлашга бўлган майл ва қобилияти кабиларни ўз ичига олади.

Аслини олганда инсонга берилган ўринбосарлик шарафи рубубият сифатларига оид илоҳий файзлар бўлиб, у илоҳий баёнда келган омонат билан ифодаланади. Аллоҳ таоло айтади:

إِنَّا عَرَضْنَا الْأَمَانَةَ عَلَى السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَالْجِبَالِ فَأَبَيْنَ
 أَنْ يَحْمِلْنَهَا وَأَشْفَقْنَ مِنْهَا وَحَمَلَهَا الْإِنْسَانُ إِنَّهُ كَانَ ظَلُومًا
 جَهُولًا



“Албатта, Биз бу омонатни осмонларга, ерга ва тоғларга таклиф қилдик. Бас, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан қўрқдилар. Уни инсон кўтарди. Дарҳақиқат, у ўта зolim ва ўта жоҳилдир” (Ахзоб, 72-оят).

Бинобарин, Аллоҳ таоло инсон зиммасига юклаган ушбу шарафли вазифа атрофдаги нарсаларнинг унга бўйсундирилишини тақозо этди. Демак, ердаги мева-чевалар, наботот, ҳайвонот, маъданлар, бойликлар, одамлар орасидаги манфаатлар алмашинувининг омили бўлмиш пул, мол-давлат ва бошқа хайриётлар инсонга жамиятни адолат мезонлари асосига барпо қилишдек муқаддас вазифанинг адоси учун бўйсундириб қўйилган экан.

Шунингдек, Аллоҳ таолонинг ҳикмати нафсларда мол-дунё, фарзандли бўлиш, қариндошчилик алоқаларини ўрнатиш, чорва, ер-мулк каби-ларга рағбат жойлаб қўйилишини тақозо этди. Зеро, агар инсонда бола-чақа, хотин, пул, мол-мулк, зироат ва боғдорчилик сарватлари каби-ларга нисбатан қизиқиш бўлмаса, одамлар ўр-

тасидаги муомалот амалдан қолиб, ер юзи обод бўлмайди.

Шу боис, ҳикматли зот бўлмиш Аллоҳ азза ва жалла инсон нафсига мол ва аёллар муҳаббатини жойлаб қўйиб, бирини бошқасига либос қилиб қўйди. Шунинг учун ҳам У Зот таоло инсонга нафси ёқтирадиган нарсаларни сақлаш ва уларга эгалик қилиш хислатини бериб, уни “менини” англаш, ўз манфаатларини ўйлаш, ўз ҳақини тажовуз ва хатарлардан ҳимоя қилиш малакаси каби савқи табиийлар билан қуроллантириб қўйди.

Мана шу ерга келганда бир муаммо пайдо бўлади...

Хўш, Аллоҳ таоло томонидан мол-дунё, мева-чева, чорва, олтин-кумуш каби дунёвий воситаларни нафси хоҳлайдиган қилиб яратилган банда ўша воситаларга иқбол қилиш ва уларга муҳаббат қўйишнинг зарурий чегарасида қандай қилиб тўхтайтиди?

Инсон Аллоҳ таолонинг:

زَيْنَ النَّاسِ حُبُّ الشَّهَوَاتِ مِنَ النِّسَاءِ وَالْبَنِينَ
وَالْقَنَاطِيرِ الْمُقَنْطَرَةِ مِنَ الذَّهَبِ وَالْفِضَّةِ وَالْخَيْلِ
الْمُسَوَّمَةِ وَالْأَنْعَامِ وَالْحَرَثِ

“Одамларга аёллардан, болалардан, тўптўп тилло ва кумушдан, гўзал отлардан, чор-

вадан, экин-текиндан иборат шахватларнинг муҳаббати зийнатланди” (Оли Имрон, 14-оят), деган қавлида хабари келган, фитратига қўшиб яратилган ушбу муҳаббатга бўлган нафсий боғланишдан қандай узилади?

Бошқача айтганда, Аллоҳ таоло инсонга тақдир этган мол-дунё ва бошқаларнинг муҳаббати билан ағёр муҳаббатини У Зотнинг муҳаббатидан устун қўймасликка оид талаб ораси қай йўсинда жамланади? Банда Аллоҳ таолонинг

وَالَّذِينَ ءَامَنُوا أَشَدُّ حُبًّا لِلَّهِ

“Иймон келтирганларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббатлари эса кучлироқдир” (Бақара, 165-оят), деган ояти каримасида сифатланганларнинг сафидан жой олиш учун нима қилиши керак?

Бунинг йўли ҳаммага маълум бўлган оддий ҳақиқатга бориб тақалади. У ҳам бўлса кучли муҳаббатнинг кучсиз муҳаббатнинг устидан ғолиб келиб, унга ҳукмини ўтказишидир. Буни бироз шарҳлашга тўғри келади.

Аввалги мавзуларда Аллоҳ таолонинг инсонга бўлган муҳаббати, унинг зоҳир бўлиш ўринлари ҳамда далиллари ҳақида айтиб ўтдик. Сўнг инсоннинг Аллоҳ таолога бўлган муҳаббати, унинг **“Раббингиз эмасманми?”** деган хитоб янгра-

ган Мийсоқ кунига оид қадим тури ҳамда сабабларини тутиш билан эришиладиган касбий туринанг баёни ҳам ўтди.

Дарҳақиқат, биз батафсил зикр қилиб ўтган ўша аввалги мавзуларнинг баёнида нафсни ағёрлар муҳаббатининг Аллоҳ таоло ва бандалари орасидаги ўзаро муҳаббатдан ғолиб келиши мусибатидан сақловчи далиллар мавжуддир.

Аслида бандадан Аллоҳ таолога бўлган муҳаббатидан бошқа барча нарсанинг муҳаббатини қалбидан суғуриб ташлаш талаб этилмаган инсон бунга мукаллаф ҳам эмас. Балки, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бандалардан дунёни обод этиш ва ўринбосарликни гўзал адо қилиш воситаси бўлган дунё хайриётларига бўлган муҳаббатда ҳаддан ошмасликни, уни жиловлаб, унинг илоҳий муҳаббатдан ғолиб келишига йўл қўймасликни талаб этган. Шунда қалбдаги бошқа нарсаларнинг муҳаббатига ҳоким бўлган Аллоҳнинг муҳаббати банданинг ҳаёт тарзи ва юриш-туришини бошқарувчи кучга айланиб, бандани саодатга қовуштиради.

ИНСОННИНГ ИНСОНГА НИСБАТАН МУҲАББАТИ – АЛЛОҲГА БЎЛГАН МУҲАББАТНИНГ САМАРАСИДИР

Дарҳақиқат, инсоннинг мол-мулк, зийнат ва нафс иштаҳа қиладиган дунё матоҳларини яхши кўриши билан ўз биродари бўлмиш бошқа инсонга муҳаббат қўйишининг орасида фарқ бор.

Инсоннинг бошқа инсонга бўлган муҳаббати унинг Аллоҳ таолога бўлган муҳаббатининг самараси ҳисобланади.

Аввал айтиб ўтганимдек, Аллоҳга ҳақиқий муҳаббат қўйган киши, албатта, У Зотнинг бандаларини ҳам яхши кўради. Чунки ким бўлишларидан қатъи назар, одамларнинг бари Аллоҳ таоло фаришталарини унга сажда қилишга амр этган, Ўз ҳузуридан бўлган руҳ билан шарафланиб, мукаррам этилган башар сафига кирадилар.

Қандай мазҳаб ёки ақидага мансуб бўлишмасин, барча одамлар бандага икки жиҳатдан биродар бўлади: биринчи тоифа Аллоҳ таолонинг йўлида истиқомат қилиб, Унинг амрларини лозим тутувчи диндош биродарлар бўлса, иккинчи тоифа дин ва ақидада ихтилоф қилса-да, инсонийлик ҳамда Аллоҳ таолога мулк ва бандалиги

жиҳатдан биродар бўлган қолган барча инсонлардир.

Инсон биринчи гуруҳга мансуб дин биродари билан Аллоҳ таолонинг муҳаббатида ўзаро шерик бўлиб, уларнинг орасидаги меҳр ва севги зиёдалашгани сари Аллоҳ азза ва жалланинг ҳам уларга бўлган муҳаббати ортаверади. Бироқ, бунда мазкур икки биродарнинг бир-бирига нисбатан муҳаббати уларни Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога муҳаббат қилишларидан чалғитиб қўймаслиги ёки Унинг муҳаббатини сиқиб чиқармаслиги шарт бўлади. Мана шу мўминнинг ўз биродарини Аллоҳ учун яхши кўриши, деб аталади. Бунинг учун катта савоб ва даражалар ваъда қилинган. Ушбу савоб ва даражаларнинг энг олийси эса Унинг йўлида бир-биригига муҳаббат қўйганларни Аллоҳ таоло ҳам яхши кўришидир. Зеро, мўмин учун Раббисининг унга муҳаббат қилишидан-да ортиқ даража йўқдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақида Аллоҳ азза ва жалладан ривоят қилиб, шундай деганлар: **“Менинг йўлимда бир-бирига муҳаббат қиладиганларга муҳаббатим ҳақ бўлди. Менинг йўлимда бир-бири билан боғланадиганларга муҳаббатим ҳақ бўлди. Менинг йўлимда бир-бирига самимий насихатда бўладиганларга муҳаббатим ҳақ бўл-**

ди. Менинг йўлимда бир-бирини зиёрат қиладиганларга муҳаббатим ҳақ бўлди. Менинг йўлимда бир-бирига ёрдам берадиганларга муҳаббатим ҳақ бўлди...¹

Аллоҳ таоло икки мўминга ато этган ўзаро муҳаббат, насиҳат, зиёрат ва кўмакнинг бари уларнинг Аллоҳ таолога бўлган муҳаббатларининг самараси бўлиб, агар уларнинг Раббиларини яхши кўриши бўлмаганида эди ушбу сифатлар уларда топилмаган бўларди. Аллоҳ таоло хабарини берган ушбу хислатларнинг асосини эса икки томоннинг У Зотнинг амрларини лозим тутиш узра жамланишлари ташкил этади.

Шундай экан, Аллоҳ таолонинг розилиги йўлида жамланишнинг самараси бўлмиш икки томоннинг ўзаро муҳаббати У Зот азза ва жалланинг муҳаббатидан чалғитувчи ёки уни сиқиб чиқарувчи бўлиши мумкинми?!

Балки, кимдир юқоридаги хулосага “Кўпинча бир-бирини яхши кўрган икки тараф Аллоҳ таолонинг амрини лозим тутувчи бўлишларига қарамай, ўз мажлисларидан фақатгина дунёвий фойда ва лаззатларни кўзлайдилар”, деб эътироз қилар.

¹ Аҳмад, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким Убада ибн Сомиғ розияллоху анҳудан ривоят қилганлар. Термизий ўхшаш лафз билан Муоз розияллоху анҳудан ривоят қилган.

Мен айтаманки, биз зикр қилиб ўтган ҳадиси қудсийда бандаларга башорати берилган раббоний муҳаббат бир-бирини Аллоҳ таоло учун яхши кўрган икки томоннинг шариат доирасидан чиқмаган дунёвий манфаатларини инкор этмайди. Зеро, қанчадан-қанча мубоҳ бўлган таомлар, ҳузурланиш ва лаззатлар борки, улар устида жам бўлганларга ажру савоб берилишига сабаб бўлади.

Буни Аллоҳ таолонинг мўмин бандаларига қилган ушбу хитобидан ҳам англаб олишимиз мумкин:

كُلُوا مِنْ رِزْقِ رَبِّكُمْ وَاشْكُرُوا لَهُ، بَلَدَةٌ طَيِّبَةٌ وَرَبُّ
غَفُورٌ ﴿١٥﴾

“Раббингиз ризқидан енг ва Унга шукр қилинг! Не гўзал юртингиз ва ўта мағфиратли Раббингиз (бор)” (Сабаъ, 15-оят). Дарҳақиқат, бу ояти каримада Аллоҳ таолонинг файз дастурхони атрофида йиғилиб ҳузур ва лаззат топишга бўлган буюк бир даъват бордир.

Икки томон ўртасидаги муҳаббатнинг шартининг диний асосга эга бўлиши ҳамда Аллоҳ таоло рози бўладиган нарса устида жамланишларидан иборатдир. Аллоҳ таолонинг розилигига элтувчи эшиклар эса жуда беҳисобдир. Зе-

ро, ижтимоий алоқаларни Аллоҳ азза ва жалла амр этганидек қоим қилиш йўлида мўминларнинг ўзаро инсоний, ижтимоий, иқтисодий, илмий ҳамкорлик қилиш ва ёрдамлашиш йўлида жамланишлари, ҳатто биродари неъмат ва эҳсон дастурхонига даъват қилганида кишининг унга жавоб бериши ҳам Аллоҳ таоло рози бўладиган ишлардан ҳисобланади.

Мана шуларнинг бари Аллоҳ таолонинг:

إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ فَأَصْلِحُوا بَيْنَ أَخَوَيْكُمْ

“Албатта, мўминлар биродардирлар, бас, икки биродарингиз ўртасини ислоҳ қилинг” (Хужурот, 10-оят), деган қавли ишора қилган маъноларнинг айримларидир, холос.

Дини ва ақидасидан қатъи назар, Аллоҳ таолога банда ва мулк эканлик ва инсонлик жиҳатидан бўлган биродарликка келсак, одамларнинг бир жинс – башарият вакиллари ва бир Илоҳнинг бандалари бўлишларининг ўзи уларнинг ўзаро биродарлиги ва муҳаббати учун кифоядир. Албатта, бу муҳаббат икки мўминнинг бир-бирига нисбатан ёки мўминнинг Раббига бўлган муҳаббатидан фарқ қилади. Бинобарин, барча инсонлар учун хос бўлган мазкур уч сифат – башариятга мансублик, Аллоҳ таолога бандалик ва У Зот азза ва жалланинг мулки бўлишда баробар

бўлиш бандалар орасидаги муҳаббатнинг диний асосга эга эканини эмас, балки яхши ишларда ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳамда бир-бирини яхшиликка чақиришдаги самимиятни ифода этади.

Зеро, бир дин доирасидаги одамлар бўлсин, бошқа-бошқа дин ва ақида эгалари бўлсин, Одам болаларининг барчаси учун хос бўлган инсоний биродарликнинг мавжудлиги инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир.

Ояти карима далолат қиладиган маънонинг эса биз баҳс этаётган умуминсоний биродарликка алоқаси йўқдир. Дарҳақиқат, ояти каримадаги “биродарлик” мусулмонларнинг бир-бирлари билан бўладиган хос алоқаларини ифодалаб келгандир. Ояти каримада келган “Иннама” чекловчи қўшимчасининг мазмуни эса мўминларнинг ўзаро муносабат ва алоқалари фақатгина биродарлик асосида бўлишини, уларнинг ўзаро алоқаларни узиш ёки душманчилик қилишлари мутлақо жоиз эмаслигига далолат қилади. Бироқ, оятда мўминларнинг бошқалар билан ёки ғайримусулмонларнинг ўзаро бир-бирлари билан алоқалари ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Аллоҳ азза ва жалланинг

فَذَكِّرْ إِنَّمَا أَنْتَ مُذَكِّرٌ ﴿١١﴾

“Бас, эслатгин, сен, албатта, эслатгувчидирсан” (Ғошия, 21-оят), деган қавлида ҳам “иннамаа” калимаси ишлатилган. Бу эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уларга пайғамбар этиб юборилган одамлар билан бўлган алоқаларидаги вазифалари уларга ҳақни эслатиш ва унга чақиришдангина иборат эканини англатади. Аммо, худди мўминларнинг биродарликлари ҳақидаги аввалги оятда ғайримусулмонлар ҳақида сукут сақлангани каби “Ғошия” сурасидаги мазкур оятда ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вазифалари бўлмиш тазкир – эслатишга нисбатан бошқалар билдирадиган муносабат ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Аслини олганда Аллоҳ таоло пайғамбарига амр этган, у зотлардан олимларга мерос қолган раббоний эслатмани инсонларга етказиш вазифаси ҳам ушбу инсоний биродарликнинг ҳақ ва самараларидандир.

Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва бошқа анбиё алайҳимуссаломларнинг залолат водийларида адашиб-улоқиб юрган қавмларга Аллоҳ таолонинг тўғри йўлини кўрсатиб, уларни

ҳаққа чақиришлари ҳам у зотнинг инсонларга бўлган раҳмат ва шафқатларининг инъикосидир. Раббимиз азза ва жалла ҳам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга:

فِيمَا رَحِمَهُ مِنَ اللَّهِ لَئِن لَّهُمْ وَلَوْ كُنْتَ فَظًّا غَلِيظَ الْقَلْبِ
لَانْفَضُّوا مِنْ حَوْلِكَ

“Аллоҳнинг раҳмати ила уларга мулозим бўлдинг. Агар қўпол, қалби қаттиқ бўлганингда, атрофидан тарқаб кетар эдилар” (Оли Имрон, 159-оят), деб бежизга хитоб қилмаган.

Қуръони каримда хабари келган пайғамбарларнинг ўз қавмларига кўрсатган муҳаббатлари, шафқат ва куюнчаклик туйғулари билан уйғунлашиб кетган даъват ва насиҳатлари ҳам шундан далолат беради.

Аллоҳ таолонинг йўлида мустақим бўлган биродари мўминнинг меҳр ва раҳматига лойиқ эканида шубҳа йўқ. Мўминнинг тўғри йўлдан адашиб, бахтиқаролик ва ҳалокат томон юз тутган биродари эса унинг ушбу меҳр ва шафқатига кўпроқ муҳтождир.

Аввал айтиб ўтилганидек, Аллоҳ таоло учун ёмон кўришнинг ҳақлиги ҳам бешак собитдир. Қандай қилиб шундай бўлмасин ахир, ҳолбуки Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам

“Иймоннинг энг мустаҳками Аллоҳ таоло учун дўст тутиш, Аллоҳ таоло учун душман тутиш, Аллоҳ учун яхши кўриш ва Аллоҳ учун ёмон кўришдир”, деб очик-ойдин айтиб қўйганлар.¹

Бироқ, Аллоҳ таоло учун ёмон кўриш маъносининг ўз тафсири бор. Аллоҳ учун ёмон кўриш билан инсоний биродарлик туйғуси тақозо қилувчи раҳм-шафқат ва Аллоҳ бандаларининг саводати учун қайғуриш бошқа-бошқа нарсалардир. Шундай экан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтган сўзлари ва тасарруфлари бир-бирига тескари бўлмагани каби, Аллоҳ таолонинг биродарлик ҳақидаги баёни ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Аллоҳ учун ёмон кўриш ҳақидаги каломлари ҳам ҳеч бир жиҳатдан бир-бири билан зиддиятга бормаиди.

Аллоҳ учун ёмон кўриш дегани осийнинг ўзини эмас, балки унга раҳм-шафқат туйган ҳолда қилаётган маъсиятини ёмон кўришни англатади.

Осийнинг шахсиятини ёмон кўришга келсак, бу борада на бир оят ва на бир ҳадис келмаган бўлиб, бу иш Аллоҳга даъват қилиш одобига зиддир. Чунки, Аллоҳ учун ёмон кўриш агар осийнинг ўзини ҳам ёмон кўришни шарт қилади, дей-

¹ Ҳоким ва Табароний Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар. Аҳмад ва Байҳақийдан эса Баро розияллоҳу анҳунинг ҳадисидида “Албатта, иймоннинг энг мустаҳками Аллоҳ учун яхши кўриб, У Зот учун ёмон кўришдир” лафзи билан ривоят қилинган.

диган бўлсак, у ҳолда маъсиятидан тавба қилган осийга бўлган нафратимизда ҳам бардавом бўлишимиз лозим бўларди. Бу эса Аллоҳ ва Расули рози бўлмайдиган, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган рисолатга тўғри келмайдиган ҳолдир.

Эсингизда бўлса, мавзунинг аввалида инсоннинг ўз биродарига бўлган ушбу севгиси унинг Аллоҳ таолога бўлган муҳаббатининг маҳсули эканини таъкидлаган эдик.

Бирок, инсонлар ёки дунё зийнатларидан иборат ағёрга муҳаббат ила йўналувчи қалб Аллоҳ таолонинг муҳаббатидан холи бўлганда эса бу севги соҳибини Раббисига боғланишдан тўсувчи балога айланади. Бунда ўша инсоннинг ҳатто ағёрга бўлган таалуқи ҳам олий туйғулардан холи, қуруқ ақлий боғланишдан иборат бўлиб қолади, холос.

Аллоҳга бўлган қалбидаги муҳаббати заиф ёки ундан бутунлай маҳрум одамдаги ағёр севгиси таъсир ва қувват жиҳатдан кучли келиб, уни бошқарувчи ҳокимга айланади. Аллоҳнинг муҳаббати мағлуб, ағёрнинг муҳаббати ғолиб бўлган қалб эгаси эса залолатга кетиши муқаррардир.

Бундай қалб ҳавои нафснинг разилликларига енгилиб, ҳалокатга юз тутади. Қанчадан-қанча эрлар аёлларига бўлган Аллоҳнинг муҳаббатидан

зиёда севгилари сабабли ҳалок бўлганлар. Кўплаб оталарнинг фарзандларига бўлган кўр-кўрона муҳаббатлари уларни йўлдан тойилишларига сабаб бўлган. Қанчалаб кишиларнинг Раббиларини қўйиб, ўз қадрдонларига нисбатан туйган тааллуқлари ва муҳаббатлари уларни бахтсизлик домига улоқтирмади, дейсиз.

Зеро, тарих давомида ҳам шубҳа ва фикрий фасодлардан кўра нолайиқ муҳаббатнинг кишилар динини ҳалок қилиши кўпроқ кузатилган.

Аллоҳ азза ва жалла айни иллат саналмиш севгининг ушбу тури ва унинг аччиқ самараси ҳақида Куръони каримда шундай дейди:

وَيَوْمَ يَعْزُّ الظَّالِمُ عَلَى يَدَيْهِ يَقُولُ يَا لَيْتَنِي اتَّخَذْتُ مَعَ
الرَّسُولِ سَبِيلًا ﴿٢٧﴾ يَتَوَلَّى لَيْتَنِي لِمَ اتَّخَذْتُ فَلَانًا خَلِيلًا
﴿٢٨﴾ لَقَدْ أَضَلَّنِي عَنِ الذِّكْرِ بَعْدَ إِذْ جَاءَنِي وَكَانَ
الشَّيْطَانُ لِلْإِنْسَانِ خَذُولًا ﴿٢٩﴾

“У кунда золим икки қўлини тишлаб: “Эй воҳ!!! Пайғамбар ила бир йўлни тутганимда эди!” дер. “Эй воҳ!!! Кошки фалончини дўст тутмасам эди. Батаҳқиқ, менга зикр (Куръон) келгандан сўнг у (дўст) мени адаштирди. Шайтон инсонни ёрдамсиз ташлаб кетгувчидир”, дер” (Фурқон, 27–29-оятлар).

ИНСОННИНГ ДУНЁ МАТОҲИГА БЎЛГАН МУҲАББАТИ

Биз бундан олдин Аллоҳ таолонинг муҳаббатидан насибага эга бўлган инсоннинг ўз биродарига бўлган севгиси ўша раббоний муҳаббатнинг самараси эканини айтиб ўтдик.

Хўш, инсоннинг дунё матоҳлари, зийнат ва нафс иштаҳа қиладиган бошқа нарсаларига бўлган севгиси ҳам Аллоҳ таолога бўлган муҳаббатининг самараси ҳисобланадими?..

Биз бу саволнинг жавобини ҳам илоҳий баён-дан билиб оламиз.

Мавзуларни ўрганиш асносида Қуръони мажид инсоннинг ўз турдоши бўлган бошқа инсон билан алоқасини яхшилик қилиш, силаи раҳмни боғлаш ҳамда инсоний муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи меҳр-муҳаббат ва биродарлик туйғулари воситасида йўлга қўйишни тавсия этганини, буларни амалга ошириш орқали банданинг Аллоҳ таолога бўлган муҳаббатининг ҳақиқати намоён бўлишини билиб олдик.

Бироқ, илоҳий баён инсоннинг дунё матоҳи ва зийнатларига бўлган алоқаси ҳақида сўз юритар экан, инсоннинг инсонга бўлган муносабатида бўлгани каби керакли ўринларда унга тарғиб қил-

май, балки бандани дунёга суяниб ва боғланиб қолишдан қатъий равишда қайтаради. Киши қанчалик изланмасин, қанчалик тиришмасин Куръони каримдан инсоннинг дунё матоҳига боғланиб, унга муҳаббат қўйишга чақирувчи ёки бу ишни қўловчи бирорта ҳам оятни топа олмайди. Аксинча топгани бандани дунё ҳаёти матоҳларига муҳаббат қўйишдан қайтарувчи хитоблар бўлади.

Аллоҳ таоло айтади:

لَا يَغُرَّنَاكَ تَقَلُّبُ الَّذِينَ كَفَرُوا فِي الْبِلَادِ ﴿١١٦﴾ مَتَّعٌ قَلِيلٌ
ثُمَّ مَأْوَاهُمْ جَهَنَّمُ ۖ وَيَسِّرُ الْمَهَادُ ﴿١١٧﴾

“Куфр келтирганларнинг юрт кезишлари сени алдаб қўймасин. Бу озгина матоҳдир. Сўнгра ўринлари жаҳаннамдир. У қандай ҳам ёмон ётоқ!” (Оли Имрон, 196-197-оятлар.)

قُلْ مَتَّعَ الدُّنْيَا قَلِيلٌ ۖ وَالْآخِرَةُ خَيْرٌ لِّمَنِ اتَّقَىٰ وَلَا يُظْلَمُونَ
فَنِيلاً ﴿١١٧﴾

“Дунёнинг матоҳи оз, охират эса тақво қилганларга яхшидир. Ва қилчалик зулм қилинмасизлар” (Нисо, 77-оят).

وَلَا تَمُدَّنَّ عَيْنَيْكَ إِلَىٰ مَا مَتَّعْنَا بِهِ ۖ أَزْوَاجًا مِّنْهُمْ زَهْرَةَ الْحَيَاةِ
الدُّنْيَا لِنَفْسِنَهُمْ فِيهِ ۖ وَرِزْقُ رَبِّكَ خَيْرٌ وَأَبْقَىٰ ﴿١١٦﴾

“Кўзларингни уларни синаш учун айрим-ларига бахраманд қилиб берганимиз ҳаёти дунёнинг турли зийнатларига тикма. Раббингнинг ризқи яхши ва боқийдир” (Тоҳо, 131-оят).

وَمَا أَوْتِيْتُمْ مِّنْ شَيْءٍ فَمَتَّعُ الْحَيٰوةَ الدُّنْيَا وَزَيَّنَّا لَهَا وَمَا عِنْدَ
اللّٰهِ خَيْرٌ وَأَبْقَىٰ أَفَلَا تَعْقِلُوْنَ



“Ва сизга берилган нарсалар бу дунёнинг матоҳи ва зийнати, холос. Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса яхшироқ ва боқийдир. Ақл ишлатмайсизларми?” (Қасос, 60-оят.)

Шу ўринда савол туғилади: Илоҳий баёнда такрорланаётган ушбу огоҳлантиришлар инсоннинг бойлик, экин-тикин, ҳовли-жой, турфа емишлар, чорва ҳамда дунё зийнатлари саналувчи бошқа нарсалардан бутунлай узилишини тақозо этадими?

Ҳақиқатан ҳам зоҳиран олиб қараганда оятлар шунга далолат қилаётгандек кўринади.

Лекин, шу билан бирга Қуръони каримда бандаларни зийнат, ҳалол-пок бойлик ва неъматлар ҳамда ер юзининг ободлигига сабаб бўлувчи бошқа хайротлардан иборат “дунё ҳаёти матоҳи”, деб номланувчи ушбу нарсалар билан муомалага киришишга даъват қилувчи оятлар ҳам нозил бўлган.

Масалан:

قُلْ مَنْ حَرَّمَ زِينَةَ اللَّهِ الَّتِي أَخْرَجَ لِعِبَادِهِ، وَالطَّيِّبَاتِ مِنَ الرِّزْقِ
قُلْ هِيَ لِلَّذِينَ ءَامَنُوا فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا خَالِصَةٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ

“Сен: “Аллоҳ Ўз бандаларига чиқарган зийнатларни ва покиза ризқларни ким ҳаром қилди?!” деб айт. «Улар ҳаёти дунёда иймон келтирганларга, қиёмат кунда эса фақат ўзларига хосдир”, деб айт” (Аъроф, 32-оят).

هُوَ الَّذِي خَلَقَ لَكُمْ مَّا فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا

“У сизлар учун ер юзидаги барча нарса-ни яратган зот” (Бақара, 29-оят). Аллоҳ таоло ушбу ояти каримасида дунёдаги барча нарсаларни бандалари учун яратиб қўйганини очиқ-ойдин айтмоқда.

يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تُحَرِّمُوا طَيِّبَاتِ مَا أَحَلَّ اللَّهُ لَكُمْ وَلَا تَقْتَدُوا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْمُعْتَدِينَ

“Эй иймон келтирганлар! Аллоҳ сизга ҳаром қилган пок нарсаларни ҳаром қилмангиз. Ҳаддингиздан ошманг. Албатта, Аллоҳ ҳаддидан ошувчиларни севмас” (Моида, 87-оят).

Хўш, Аллоҳ таолонинг оятлари бир-бирига зид бўлишдан пок эканини билганимиз ҳолда

мазкур икки хил йўсиндаги оятлар орасини қандай жамлаймиз?

Жами матоҳлари арзимас ва завол топишга маҳкум эканини билган инсон қандай қилиб унинг неъматларидан баҳра олади, дунё ботилларидан қай йўл билан ўзига кўркам бинолар, гўзал боғ-роғлар барпо этади?

Куръони карим матнларини тафсир қилиш ва оятларнинг мақсадларини аниқлашда эргашиш лозим бўлган манҳажни лозим тутган киши учун бу саволларнинг жавоби жуда ҳам осон ва равшандир. Барча муфассир уламолар томонидан эътироф этилиб, эргашилган манҳажга кўра, зоҳиран ўзаро зиддек кўринган бу каби оятлар бир-бирининг соясида тафсир қилиниб, уларнинг бирини бошқасидан алоҳида ажратиб олган ҳолда маъно бериш жоиз бўлмайди.

Биз юқорида келтириб ўтган оятларнинг бир-галикдаги маъноси эса қуйидагичадир.

Албатта, инсон ўз ҳаётининг зарурий, эҳтиёжий ва камолий сабабларини тутиши керак. Бунда у илк гуруҳдаги оятларда келган огоҳлантиришларга риоя қилган ҳолда дунёга боғланиб қолиш ва муҳаббат қўйишдан сақланиб, иккинчи хил оятларда баён этилганидек, зарурий ҳаёт сабабларини тутиши, бу ишни тарк этмаслиги лозим бўлади.

Бунга эса қалбдан дунё муҳаббатини суғуриб ташлаш учун бор имкониятни ишга солиб, фоний матоҳларга алданиб қолишнинг хатари ҳақида яқиний илм ҳосил қилибгина эришиш мумкин.

Қалбни дунёга боғлаб, муҳаббат қўйишдан қайтарувчи оятларни Аллоҳ таолонинг бандаларига хитоби эканига иймони бор мўмин бу ўткинчи ҳаётнинг барча зийнату лаззатларининг заволга юз тутувчи сароб, туш каби ўткинчи ҳаёл эканини унутмайди.

Қуръони каримда келган дунё ҳаётининг зийнатларига алданмаслик ва унга суяниб қолмаслик ҳақидаги раббоний огоҳлантиришларни тадаббур қилган мўминнинг қалби дунё матоҳлари фитнасидан омонда бўлади, у ўз нафсини дунёга муҳаббат қўйиш ва унга боғланиб қолиш балосидан сақлайди.

Мўмин Қуръонда келган дунёвий матоҳларидан фойдаланиш ҳақидаги илоҳий хитоблар ер юзини обод қилиб, соғлом инсоний жамият барпо этишга қаратилганини, дунёвий ашё ва жиҳозлар шу олий вазифани адо этиш воситаси эканини тушуниб етади, Раббисининг наздида дунёнинг ҳеч нарсага арзимаслигини англаб, нафсини дунёдан юз ўтирган, ундан қўлини тортган ҳолда топади, воситани мақсад қилиб олмайди.

Тўғри, дунё лаззатларини тотиб кўриб, унинг неъматларидан баҳраманд бўлган, уларга ўрганиб қолиб, нима қилиб бўлса ҳам уларга етишиш пайдан бўлувчи нафснинг ақл ва тафаккур йўллари тўсиб қўйиши ҳам бор. Бироқ, бу ҳолат дунё ва унинг матоҳларини асл моҳиятини ҳали англаб улгурмаган ёхуд нотўғри тушунган кишиларда рўй беради. Бундай одамлар дунё неъматлари ҳақиқатини виждон ва қалб басирати билан эмас, балки ақл воситаси билангина тушунмоқчи бўладилар.

Куръони карим эса юқорида айтиб ўтилганидек, инсоннинг виждони ҳамда ақлига баробар хитоб қилади, қанчалик лаззатли ва мўл-кўл бўлмасин, дунё зийнатларининг тезда завол топишини бот-бот таъкидлайди. Шундай экан, ҳар бир ақл эгаси дунё ҳаётининг ниҳоялаб қолган туш, неъматларга боғланиб қолишни эса кишининг бўғзидан олиб, ҳасрат чуқурига ирғитувчи ҳалокат эканини яхши идрок этмоғи лозим. Мана шунда банда қаршисидаги лаззатлар нафсини қанчалик қитиқламасин, ўз ҳавои нафсидан ғолиб келиб, кўлидаги моддий имкониятларни умуминсоний манфаат йўлида сарфлаш учун ўзида куч топа олади. Чунки у ушбу сабрининг эвазига келажакда уни нафслар иштаҳа қиладиган, кўзларни қувнатадиган боқий лаззат-

ларга тўла мангу жаннат кутиб турганини яхши билади.

Бироқ бу мўмин дунё неъматларидан мутлақо фойдаланмайди, дегани ҳам эмас. Албатта, мўмин ҳам бошқалар қатори дунёдан бахраманд бўлади. Лекин дунёнинг жилоси унинг қўзини қамаштирмайди: бутун диққат-эътибори Аллоҳ таоло у учун тайёрлаб қўйган охиратдаги ҳақиқий неъматлар томон қаратилган, руҳи қиёмат кунндаги жаннат фаришталарининг

هَذَا يَوْمِكُمُ الَّذِي كُنْتُمْ تُوعَدُونَ ﴿١٠٣﴾

“Бу сизларга ваъда қилинган кунингиздир” (Анбиё, 103-оят), деган хушхабарига илҳақ бўлиб туради.

Зоҳиран бир-бирига зид кўринувчи мазкур икки йўналишдаги оятларнинг ўзаро мулоқотга киришиши ортидан тажаллий этувчи буюк раббоний тарбия шундан иборатдир. Оятларнинг биринчи гуруҳи дунёвий лаззат ва рағбатларнинг арзимас эканини эълон қилиб, бандани унга алданиб қолишдан огоҳлантирса, иккинчи тоифа оятлар таркидунёчиликдан қайтариб, дунё матоҳларидан шариат доирасида баҳраланишга чақиради.

Дунё ёмонланган ояти карималар нафсни унинг муҳаббатидан поклайди. Дунёвий муома-

лалар зикр этилган оятлар эса бандага тузоқларидан эҳтиёт бўлган ҳолда дунё молини икки дунё саодати учун сафарбар қилиш сабоғини беради.

Эҳтимол кимдир “Наҳот худди инсоннинг ўз биродарига муҳаббат қўйишида бўлгани каби мусулмоннинг дунё зийнатлари билан алоқасини ҳам Аллоҳ таолога муҳаббат асосида ўрнатишнинг бирор бир йўли бўлмаса?” деб савол қилар.

Мен айтаманки, инсоннинг инсон билан ҳамда унинг дунё матоҳлари билан бўладиган муносабатининг орасида катта фарқ бор. Зеро, одам боласининг ўз биродари билан бўладиган алоқасида икковларини ҳам жамлаб турувчи муштарак жиҳат мавжуд бўлиб, у ҳам бўлса уларнинг Аллоҳ таолога бўлган бандаликларидир. Ушбу умумий жиҳат икковларини Аллоҳ таолонинг розилигига олиб борувчи манҳаж узра юриш ҳамда У Зотнинг амрларини адо этиш йўлидаги тўсиқларни енгиб ўтиш йўлида ўзаро ҳамкорлик қилишга ундайди.

Инсон билан дунё ҳаёти матоҳлари ўртасидаги алоқа асосини эса Раббига муҳаббатли бўлган руҳ билан доимий рақобатда бўлувчи, раббоний муҳаббатнинг масдари бўлмиш соф фитратга қарши чиқиб, эгасини шахватлар тубанлигига етаклашдан бошқа дарди бўлмаган ҳавои нафс

ташкил этади. Шундай экан, инсон билан дунёвий матоҳлар ўртасидаги муносабатда илоҳий муҳаббатта оид туйғулар қаердан ҳам топилсин?!

Дунё ҳаёти воситаларни Аллоҳ рози бўладиган ўринларга ишлатиш учун банда шариат тизгинлари билан жиловланган ақлга эҳтиёж сезади. Шариат билан тизгинланган ақлнинг аҳамияти ўта каттадир. Зеро, шариат ҳукми остидаги ақл ва кишидаги диний басират уни муҳаббат ва эҳтиросда ҳаддидан ошишдан сақлаб, ҳиссий рағбатларини тартибга солиб туради.

Шу билан бирга, Шореъ азза ва жалла Ўзининг муҳаббатига тобе бўлиш шарти билан мувоҳаб бўлган дунёвий рағбатлар севгисининг инсон қалбидан муайян жой эгаллашига изн берган.

Аллоҳ таолонинг:

وَمِنَ النَّاسِ مَن يَتَّخِذُ مِن دُونِ اللَّهِ أَندَادًا يُحِبُّونَهُمْ
كَحُبِّ اللَّهِ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا أَشَدُّ حُبًّا لِلَّهِ

“Одамлар ичида Аллоҳдан ўзга тенгдошларни тутадиганлар ва уларни Аллоҳни севгандек севадиганлар бор. Иймон келтирганларнинг Аллоҳга муҳаббатлари қаттиқдир” (Бақара, 165-оят), деган қавли ҳақида фикр юритган одам бу ҳақиқатдан ғофил қолмайди. Раббимиз мазкур оятда мўминларни “Аллоҳдан бошқа нарсага муҳаббат қилмайдиганлар”, деб таърифла-

мади. Ҳолбуки, бир қараганда комил иймон шунини тақозо этадигандек. Бироқ, Раҳмон азза ва жалла мўминларни Ўзига бўлган муҳаббатлари кучли эканини айтиб, уларнинг қалбларида дунё ҳаёти ва нафсий истакларининг муҳаббатига ҳам ўрин борлигини маълум қилди. Лекин, қалблардаги Аллоҳдан ўзганинг севгиси Аллоҳнинг муҳаббатига ғолиб ёки ундан кучли бўлиб қолишидан қатъий тарзда қайтарилади:

Яна бир нарсага диққат қилиш лозим. Юқорида таъкидланганидек, дунё моли ва зийнатлари уларга муҳаббат қўйилмагандагина ер ободлиги ва жамиятларнинг тамаддунига хизмат қилади. Айрим ақли ноқис жамиятшунослар даъво қилганидек, ҳар қандай тамаддуннинг худди инсон умри каби гуллаш ва таназзул даври бўлади, дейиш эса мутлақо хатодир. Зеро, Аллоҳ таолонинг суннати ўзгармасдир: У Зот дунё матоҳларига тўғри муносабатда бўлиб, ер юзини обод қилган умматлар маданиятини токи улар дунёга муҳаббат қўйиб, ўз вазифаларини унутиб қўймагунларига қадар таназзулга учратмайди. Модомики тамаддун эгалари йўлдан оғмас эканлар, эришган ютуқлари ва фаровонликлари ҳам улардан олиб қўйилмайди.

Токи инсонлар ер ости ва устидаги хайротларга уни обод қилиш воситаси сифатида қараб,

нафсларини уларга боғланиб қолишдан муҳофаза қилиб турар эканлар, ишлари ҳеч қачон ортга кетмайди.

Бу худди бозорда ширинликлар сотаётган ҳолвафурушнинг ҳолатига ўхшайди. У сотаётган ҳолвасидан топадиган маблағини қўлга киритиш учун ўзини ширинликдан беҳожат тутади. Агар унинг нафси ўзи сотаётган ширинликларга суст кетиб, ҳар кўзи тушганда улардан битта-битта олиб ейишни бошласа, кутилаётган фойдадан қуруқ қолиб, зиёнга учрайди.

Аксарият жамият ва халқлар мазкур ҳақиқатдан беҳабардирлар. Шу боис, улар ўз маданият ва тамаддунларини барпо этишда тафаккурнинг йўлига эмас, кўпроқ нафс етовига эргашадилар. Асосий омил ва туртки сифатида нафсоний рағбатлар майдонга чиққач эса халқлар орасида носоғлом рақобат, пойга юзага келади. Бу эса ўз-ўзидан инсонлар орасидаги душманчилик ва урушларга сабаб бўлади.

Шу сабабдан ҳам биз дунё матоҳларига ҳирс қўйиб, уларга қалбан боғланиб қолган халқларнинг бир қўли маданият қураётгани ҳолда иккинчи қўли билан бошқа халқлар орасида адоват ва нафрат оловини ёқаётганини кўрамиз.

Тўғри, ўз маданиятини қуришда ушбу йўлни танлаган халқлар ҳам пировардида муваф-

фақиятга эришади. Бироқ, улар эришган ушбу муваффақият вақтинчалик ва мўрт бўлади. Бундай тамаддунлар ташкил топган илк кунларида-ноқ заволининг омилларини ўзида кўтариб юради. Йўлдан озган бундай маданиятлар тарих мобайнида тажрибадан ўтган босқичларни босиб ўтгач, албатта, таназзулга юз тутаяди.

Демак, раббоний муҳаббатдан насибадор бўлган икки инсон орасидаги муҳаббат Аллоҳ азза ва жалла муҳаббатининг самараси бўлиши муқаррардир. Бироқ, инсоннинг дунёвий рағбат ва шахватларга бўлган севгиси шариат билан тартибга солинмас экан, Аллоҳнинг зикри ва муроқабасидан тўсувчи парда бўлади, холос.

Шу билан бирга, бандалар дунё матоҳлари ҳамда шахватлар билан муомалада ақл ва шариатни асос қилиб олишга буюрилган бўлиб, бусиз ерни обод қилиш ва соғлом кишилиқ жамиятини қуришнинг ҳеч ҳам иложи йўқ. Банданинг дунёвий воситаларга бўлган муносабати дурадгорнинг курси яшаш учун керак бўладиган иш қуролиларига кўрсатадиган муносабатидан ортиқ бўлмаслиги лозим. Маълумки, ўзини билган дурадгор улар воситасида керакли жиҳоз ва буюмларни яшаш ўрнига иш қуролиларига ошиқ бўлиб, уларга тикилиб ўтирмайди, балки ҳожат туғилганда уларни ишлатиб, сўнг яна бир бурчакка ташлаб қўяди.

Демак, инсоннинг инсонга муҳаббати талаб қилинган иш бўлиб, у Аллоҳ таолонинг муҳаббати самараси ўлароқ намоён бўлиши мумкин экан. Аммо, инсоннинг дунёвий матоҳларга бўлган муҳаббати эса ҳеч бир ҳолатда Аллоҳ таолога бўлган муҳаббатнинг меваси бўла олмайди. Шу билан бирга, мусулмондан дунё ҳаёти матоҳлари ва зийнатлари билан шарият асосида, дунё муҳаббатининг қалбни ишғол этишидан огоҳ бўлган ҳолда муомала қилиш талаб этилар экан. Мўминнинг дунёдаги ҳолати худди денгизда сузиб юрган кемага ўхшайди: кеманинг сувга кириб сузиши унга зарар қилмайди, бироқ, сув кеманинг ичига кирса, фарқ бўлади.





МУҲАББАТНИНГ ИНСОН ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ

ИККИ ТАРКИБИЙ ҚИСМДАН ИБОРАТ ИНСОН

Рухнинг қафаси бўлмиш жасадни истисно қилганда инсон икки нарсадан таркиб топгандир: нарсаларни идрок қилувчи ақл ҳамда яхши ёки ёмон кўриш ўрни бўлмиш ҳиссиёт.

Кўпчилик олимлар вазифаси идрок қилишдан иборат бўлган ақлнинг ўрни мия, ҳисларнинг жойи эса қалб эканини айтганлар.

Аммо, дақиқ таъбирга кўра, инсондаги ҳис қилиш, идрок этиш ҳамда эҳтирослар билан боғлиқ ҳолатларнинг бари Аллоҳ таолонинг борлиқдаги сирларидан бўлмиш рухга оиддир. Тананинг ҳар бир заррасини қамраб олиб, унда оқиб юрувчи рухдаги шуур инсоннинг миясида акс этганда англаш ва идрок, қалбида акс этганда эса муҳаббат, нафрат ва таъзим кабилар ҳосил бўлади.

Демак, идрок қилиш ва маърифат ҳосил қилишда рухнинг манфаати мужассам бўлиб, инсонни эҳтирос, сезги, муҳаббат, нафрат ва улуғлаш каби сифатлар билан таъминловчи ҳам айнан унинг руҳи экан. Бундан келиб чиқадики, руҳни ҳисобга олмаганда “инсон”дан гўшт, қон ва суяқдан бўлак ҳеч нарса қолмайди.

Илмий ибораларга мафтун бўлиб, маърифатнинг асл мазмун-моҳиятини англашдан йироқ бўлганларнинг “Идрок мия ҳужайраларининг таъсиридан пайдо бўлувчи жараён бўлгани боис ақл моддий ҳақиқатнинг самараси ҳисобланади”, деган сўзлари бизни юқоридаги яқийний ҳақиқатдан чалғитиб қўймаслиги лозим. Улар инсоннинг ҳиссиётларини ҳам инсон вужудидаги ўзаро муносабатга киришган моддий унсурларнинг натижаси дея таърифлаб, сезгилар водород, углерод, азот, кислород каби моддий элементларнинг ўзаро таъсирлашувидан ҳосил бўлган ҳарорат – тириклик берган хусусиятлар эканини даъво қиладилар.

Уларнинг бундай хулосага келишларига эҳтимол қаттиқ зарба мия фаолиятини ишдан чиқариб, идрокка халал етказиши ёки чақалоқларда ҳиссиётлар бўлмаслиги каби ҳаммага маълум ҳақиқатлар сабаб бўлгандир.

Мен айтаманки, айримлар илм деб номлаб олган тахминлар ҳамда уларни қувватлаш учун келтириладиган ботил далиллар ўқувчини биз юқорида айтиб ўтган ҳақиқатлардан воз кечишига сабаб бўлмаслиги керак. Зеро, мия соҳасининг шикастланганини кўрсатувчи деворга осиб қўйилган экран ҳар доим ҳам ҳақиқатни акс эттиравермайди. Чунки, нима бўлганда ҳам экран маълумотни юборувчи эмас, балки қабул қилиб олувчи жиҳоздир. Ўзи

ва эҳтиёжларини ҳали англаб етмаган гўдақда ҳам шундай бир ҳиссиётлар мавжуд бўладики, ўшалар боис у беихтиёр ўз манфаати томон интилади. Тўғри, инсондаги юқоридаги номлари санаб ўтилган унсурларнинг ҳаракати сабабидан инсон жисмининг биологик жиҳатдан фаолияти учун қулай ҳарорат таъминланади, бироқ инсондаги тирикликнинг манбаси бу эмас. Тадқиқотчилар, олимлар ва тажриба аҳллари ҳам инсоннинг тириклигини таъминлаб берувчи, ҳанузгача илмга номаълум бўлган бир асоснинг борлигини айтганлар.¹

Демак, инсон жасаддан ташқари икки таркибий қисм: идрок қилувчи ақл ҳамда севувчи ва ёмон кўрувчи виждон – қалб билан яратилгандир. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, инсонни инсон қиладиган нарса жасад ичига жойланиб, унинг қисмлари бўйлаб ҳаракатланувчи, англаш, муҳаббат ва нафратдан иборат уч вазифани амалга оширувчи унинг руҳи экан.

Биз китобимизнинг ушбу фаслида руҳ томонидан жасаднинг ҳар бир қисмига таратиладиган сезгиларнинг эмас, балки руҳнинг онг, илм ва идрокдан иборат вазифалари ҳамда ундан содир бўлувчи муҳаббат, нафрат ва улуғлаш каби туйғуларнинг баёнига киришамиз.

¹ Ушбу фикрни материалистик фалсафани ишлаб чиққан Маркснинг сафдоши Энгельс ҳам китобида келтириб ўтган.

АҚЛ ВА ҲИССИЁТНИНГ ИНСОН ЮРИШ-ТУРИШИДА АКС ЭТИШИ

Шубҳасиз, инсон юриш-туриши ва унда содир бўладиган ҳар қандай хатти-ҳаракатнинг манбаи унинг ақли ва ҳиссиётларидир.

Хўш, ақл ва ҳиссиёт иккиси инсонни бошқаришда ўзаро қандай шерикчилик қилади? Инсонни қарор қабул қилдириш ҳамда ҳаракатга ундашда ушбу икки жиҳат ўзаро мутаносибликни қандай таъминлайди? Ўзи амалда улар иккисининг ўзаро мутаносиблигига эришиш мумкинми?..

Жавоб шуки, ақлнинг роли кашф ва далолат қилиш билан чегараланган бўлиб, бажарадиган вазифаси жиҳатидан худди автомобилнинг олд чирокларига ўхшайди. Отифа – ҳиссиёт эса инсонни бирор бир феълга ундовчи туртки бўлиб, у бамисоли машинанинг ҳаракатга келишига сабаб бўлувчи ёқилғи кабидир.

Хўш, у иккисининг ўзаро мутаносиблиги қандай таъминланади? Ҳиссиётлари боис инсондан содир бўладиган ҳаракат ҳар доим ҳам ақлнинг қарорига тўғри келаверадими?

Таъкидлаш лозимки, инсонни бошқарувчи мазкур икки масдарнинг бир-бирига ўз ҳолича му-

вофиқ келиши зарурий эмас. Бу эҳтиёж туғилганда ақл ва ҳиссиётни бир-бирига келиштириш вазифасини бажариш учун учинчи бир омил майдонга чиқиши билан ифодаланади. Ақл ва ҳиссиётни бир-бирига мутаносиб ҳолатга келтириб, инсоннинг феълларини бошқариб турувчи мазкур омил тарбия бўлиб, башарият пайдо бўлгандан бери барча жамиятлар унга мурожаат қилишга муҳтож бўлганлар ва бўлиб келмоқдалар. Тарбия деб ҳиссиётнинг ақл чиқарган тўғри ҳукмга бўйсунганини кафолатловчи воситаларни қўллашга айтилади.

Агар тўғри тарбиянинг бошқарувчилик вазифаси, қонунларнинг ҳал қилувчи ҳукмронлиги ҳамда ўзида умумэътироф этилган одоб қоидаларини қамраб олувчи юриш-туриш қоидалари бўлмаса, асосан, муҳаббат ва нафратда ўз ифодасини топувчи ҳиссиётлар инсонни бошқаришда яккаҳоқимга айланиб қолади. Бу эса шаҳват қинғирликлари ва ҳавои нафснинг чинқириқлари орасида ақл товушининг зое бўлиб кетишига сабаб бўлади.

Дарҳақиқат, ҳиссиётлар ўз соҳибини ёмонликлар, ҳалокат ва орзуларнинг яқсон бўлиши деб аталувчи ҳолатларга дучор қилган пайтда майдонга гўзал тарбия чиқиб келади ва бандани эҳтиросларнинг аччиқ самараларини такрор тотиш йўлидан қайтаради.

Ҳидоятга асосланган тарбия, жиловлаб турувчи қонунлар ҳамда одоб қоидалари бўлмас экан, инсонлардан содир бўлувчи барча ишлар фақат икки ҳиссиёт – муҳаббат ва ёмон кўришга асосланиб қолади. Фақатгина ҳиссиётга таяниб қилинган ишлар эса ақсарият ҳолларда ақлнинг қарор ва ҳукмларига хилоф бўлади.

Балки, азиз ўқувчида “Кўрқиш ҳисси ҳам ақл қарорининг натижаси эмасми? Масалан, қандасали бор киши ширинлик ейиш ўзига зарар келтиришини ақли билан англайди, бунинг натижасида эса унда ширинлик ейишга нисбатан кўрқув ҳисси пайдо бўлиб, ундан ўзини тияди. Демак, мазкур ҳолатда бўлгани каби ҳиссиёт ҳаммиша ҳам ақлга зид келавермасдан, унинг қарорини амалга оширувчи аскар сифатида ҳам намоён бўлар экан-да?” деган мулоҳаза туғилар.

Ҳа, тўғри, баъзи вақтларда ақл ва ҳиссиёт ўзаро мувофиқ келиб, инсон ақл қайтарадиган нарсалардан кўрқиши ҳам мумкин. Бироқ, ақсар ҳолларда инсон айнан ақл даъват қиладиган нарсалардан кўрқади.

Аслида ҳиссиётнинг ақлдан устун келиши ҳам Аллоҳ таолонинг жорий фитрий қонунияти бўлиб, унда Раббимизнинг турфа ҳикматлари яшириндир. Аллоҳ азза ва жалла никоҳланиш, болалар тарбияси, таомланиш, мулк ҳи-

мояси каби инсоний вазифаларни бажаришдан келиб чиқувчи чарчоқ ва машаққатларни инсон фитратидаги мазкур нарсаларга бўлган муҳаббат билан осонлаштириб қўйган. Шу аснода фитрий рағбат инсонга юклатилган вазифа ва вожиботлар билан мувофиқ келиб, киши бирор бир қўшимча тарбиявий восита ва қонун қамчисисиз ҳам ўз вазифаларини бажариб кетаверади.

Масалан, инсон табиати ва нафси иштаҳа қилиб турадиган жинсий алоқани олайлик. Агар Аллоҳ таоло аёл ва эркакнинг қовушишидан ҳосил бўладиган лаззатни яратиб қўймаганида эди, никоҳдан ҳамма ўзини олиб қочган бўларди. Инсонларнинг никоҳга иқбол қилишларига айнан хусусиятига кўра ўз бобида ягона бўлган айнан ўша жинсий лаззат сабаб бўлади. Эркак ва аёлнинг қовушиш ҳолатини тасаввур қилинг. Агар ушбу алоқадан топиладиган лаззат бўлмаганида, бирорта инсон зоҳирда ўта хунук ва нафс ўзини тортадиган ҳаракатлардан иборат бўлган мазкур машғулотнинг яқинига ҳам йўламаган бўларди. Аслида жинсий алоқа хунук манзара ҳисобланади, шунинг учун ҳам шарият эр-хотиннинг мазкур хос машғулотлари пайтида ҳузурларида ҳатто гўдак ёки уй ҳайвони бўлишидан ҳам қайтиради. Агар кўзини ҳаромга боқишга ўргатган кишига ўзгалар иштирокидаги ушбу манзара-

ни томоша қилиш ёққан тақдирда ҳам, бу ўша осийнинг фитратига жойлаб қўйилган жинсий лаззатга бўлган иштиёқнинг натижаси бўлади, холос.

Демак, Аллоҳ таоло ҳиссиётни – никоҳ алоқасидан олинадиган лаззат муҳаббатини башар наслининг давом этиши ва ер ободлиги каби умуминсоний манфаатларга етиш йўлида ақлга кўмакчи қилиб қўйган экан.

Ёки бўлмаса онанинг гўдагига кўрсатадиган меҳрибончилиги, риояси, уни ювиб-тараб, кирликлардан поклаши ҳамда гўдакнинг бошқа ҳожатларини раво қилишдаги фидоийлигини олайлик. Агар Аллоҳ таоло онанинг қалбига ўз фарзандига нисбатан муҳаббатни солиб қўйганида эди, унинг сабри бир кундаёқ тугаб, боласини ўз ҳолига ташлаб қўйган бўлар эди. Чунки ақл болага қараб, уни парваришлашнинг зарурати ва бунинг ижтимоий фойдалари ҳақида қанчалик бонг уриб, бу ишни тарк этиш оқибатида юзага келадиган фасодлардан қанчалик огоҳлантирмасин, она ақлнинг мазкур қуруқ далолатларига қулоқ осмайди. Шу боис, илоҳий ҳикмат она қалбига гўдагига нисбатан шафқат ва муҳаббат туйғуларининг жойланишини тақозо этган.

Албатта, онанинг гўдаги олдидаги вазифалари ҳақида юқорида айтганларимизнинг мисоли

ўзига хос вазифаларни адо этиш маъносида оталарда ҳам кузатилади.

Вужудни тутиб турувчи қувват манбаи ҳамда ҳаёт давомийлиги учун зарур бўлган турфа таомлар ва уларнинг тайёрланиши жараёни ҳам худди шундай. Агар тафаккур қиладиган бўлсак, битта овқатни тайёрлаш учун кўплаб машаққатли жараёнлардан ўтишга тўғри келади: меҳнат қилиб пул топиш, бозордан пулга маҳсулотларни сотиб олиш, уларни тозалаш, тўғраш, пиширишга вақт сарфлаш, тановул қилиб бўлгач йиғиштириб олиш ва ҳоказо. Баъзида ўзимиз ҳам қорнимиз тўйиб, нафсимиз қонгач, узоғи билан беш дақиқада паққос тушириладиган таомни тайёрлаш учун шунчалар катта меҳнат ва вақт сарфланганига ажабланиб қўямиз. Баъзи миллатларда шундай таомлар борки, уларни тайёрлашга ярим кун, бир кун вақт сарфланади. Демак, айтиш мумкинки, таомни тановул қилишдан туйиладиган лаззатга бўлган севгимиз бизларга таом оғизга киргунга қадар бўладиган машаққатли жараёнларнинг аччиғини унуттириб, таом тайёрлашга ундар экан. Ҳаким зот бўлмиш Аллоҳ таоло биз бандаларининг фойдаси учун таом тайёрлаш қийинчилигига муқобил равишда ундан лаззатланиш ҳиссини ҳам яратиб қўйган.

Мол тўплаш, уни корхона ва заводлар барпо этиш, деҳқончилик, чорвачилик каби соҳаларга йўналтириш кабилар ҳам инсондан ўта машаққатли меҳнат, тер тўкиш, ўзга юртларда бўлиш, бедор тунлар ҳамда роҳатдан воз кечишни талаб қилиши ҳам айнаи ҳақиқатдир. Агар Аллоҳ таоло башарий нафсларни мол, тижорат, чорва ва экин-тикин кабиларга муҳаббатли қилиб яратмаганида, одамлар бу ишларни эътиборсиз ташлаб қўйиб, ер юзи обод бўлмас эди. Айнаи шу нарсаларга бўлган рағбат ҳамда муҳаббат инсондаги эринчоқлик ва дангасаликни кетказиб, уни ер юзини ободлиги учун хизмат қилувчи фаолиятларга сафарбар этади.

Шу ўринда “Хўш, нега унда қалбларга қурбатлару ибодатларнинг муҳаббати солиниб, инсонларга ибодатларни адо этишдан келиб чиқувчи машаққатлар енгиллаштириб қўйилмаган? Бундаги илоҳий ҳикмат нимадан иборат?” деган савол туғилиши мумкин.

Ушбу саволнинг жавоби Аллоҳ таолонинг амри бўлмиш ибодатлардан топиладиган фойда қиёмат куни бериладиган ажр ва мукофотлардан иборат эканига оид ҳақиқатга бориб тақалади. Аслида савоб қозонишнинг моҳияти ҳам банданинг ибодати ва унинг қийинчиликларига нисбатан кўрсатган сабри унинг ортидан дар-

ров келадиган бирор бир нақд фойда илинжида эмас, балки холис Аллоҳ азза ва жалланинг розилиги учун бўлиши билан ифодаланadi.

Агар Аллоҳ таоло инсоннинг қалбига ярим тунда намозга қоим бўлиш лаззатини солиш билан нафси ва жисмини баҳралантириб, унга бедорликнинг машаққатини унуттириб қўйса, намоз банда учун роҳат ва лаззатланиш манбасига айланади. Шу аснода намоз ибодат эмас, балки нафс рағбат қиладиган орзулардан бири бўлиб қолади. Табиийки, намоз учун берилadиган савоб ҳам ўз маъносини йўқотади.

Аслида инсонни фаришталардан ажратиб турувчи жиҳат ҳам Аллоҳ таолонинг амрларига ижобат қилишда ўз нафсини қийнаш натижасида унга етадиган машаққатларда намоён бўлади. Бинобарин, барча нафсоний тўсиқларни енгиб ўтиб, Раббисининг буюрганича юрган инсон Аллоҳ азза ва жалланинг наздида фаришталардан ҳам юқори даражага эришади. Зеро, агар одам боласи ибодатнинг машаққатидан маҳрум қилиниб, ўзидан талаб этилган ибодатларни ҳеч қандай қийинчиликсиз, шайтон васвасаси, ёмон ҳамроҳлар, нафс қайсарлиги каби ташқи ва ички тўсиқларни енгиб ўтмасдан амалга оширганида эди, унинг фаришталардан фарқи қолмай, ажру савобдан ҳам маҳрум этилган бўларди.

Юқоридаги фикрлар билан танишиб чиққан ўқувчи “Тоат-ибодатлар жидду жаҳд қилиш ва бу йўлдаги машаққатларга сабр устига қурилгани учун инсон ажрга эга бўлишини билдик. У ҳолда нега инсоннинг ажр-мукофоти янада мўл бўлиши учун таомлар ҳам худди хасталар муолажа учун қабул қиладиган ёқимсиз ва таъми аччиқ дорилар каби қилиб қўйилмаган?” деб савол қилар эктимол.

Ушбу саволнинг жавобида шуни айтиш мумкинки, инсоннинг таомланишга бўлган эҳтиёжи худди никоҳланиш, оила қуриш, фарзандларнинг ота-оналарига ғамхўрлик қилишлари каби башар наслининг ер юзида қолиши учун шарт бўлган бардавом фитратлардандир. Агар инсоннинг ҳар куни ҳожати тушадиган таоми ҳам дорилар каби ўткир ва аччиқ таъмли қилиб қўйилганида ҳаётнинг барча лаззатлари соя остида қолиб, инсон бахтсизликка юз тутган, башар наслининг дунёда бардавом қолиши маҳол бўлиб қолган бўларди.

Худди шунга ўхшаб, агар инсон туғилишига сабаб бўлувчи жинсий алоқа ҳам бирор бир лаззатсиз, шунчаки фарзанд кўришдан иборат мақсадга эришиш йўлида чидаладиган хунук ҳаракатлардангина иборат амалиёт бўлганида одамлар бу ишга керагича иқбол қилмай, ҳаёт давомийлигига путур етган бўлар эди.

Инсон касалланганда эҳтиёжи тушадиган дорилар эса бундай эмас. Маълумки, касаллик доимий эмас, балки келиб-кетиб турадиган ҳолат. Касалликни тузатиш учун қабул қилинадиган дорининг эса лаззатли бўлиши эмас, балки шифога сабаб бўлиш хусусияти муҳимдир. Шундай экан, таъми қанчалик тахир ёки аччиқ бўлмасин, дорининг ушбу сифатларига вақтинчалик сабр қилиш бемор учун касалликнинг давом этишидан кўра маҳбуброқ бўлади.

Аслида инсон йўлиқадиган машаққатлар, касаллик ва азият каби нарсаларнинг муолажаси неъмат ва лаззатлар билан бўлмайди, бу мантиққа ҳам тўғри келмайди. Инсон дучор бўлган азият, зарар ва хасталикларга қарши нафсга ёқимсиз бўлган нарсалар билан курашилади. Тушиб қолган ёмон ҳолатига қарши курашаётган инсоннинг мазкур курашда муваффақиятга эришиб, нажот сари одимланаётганидан топадиган лаззати эса ўша машаққат боис йўқотилган хушҳолликнинг ўрнини босиб кетади. Зеро, ўзи остида эзилаётган зулмни устидан ирғитиб ташлаш, касалликдан шифо топиш, безовталиқ ва изтиробнинг ҳолдан тойдирувчи сиртмоғидан хотиржамлик ва омонлик неъматига чиқиш бандага ўзгача лаззат бағишлайди.

АҚЛ ИЙМОННИНГ, МУҲАББАТ ЭСА ИТОАТНИНГ АСОСИДИР

Маълумки, Аллоҳ таоло икки нарса – иймон ва солиҳни рўёбга чиқарган бандаларига мағфират, охират саодати ва туганмас неъматларнинг ваъдасини берган.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг мазкур икромига ноил бўлувчи бандаларнинг сифатлари зикр қилинган Қуръоний оятларнинг бирортаси мана шу икки омил: иймон ва амали солиҳдан ташқарига чиқмайди. Илоҳий баён иймон ва амали солиҳ аҳлига хайрли оқибат ваъдаларини турфа услубларда беради:

إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ إِنَّا لَا نُضِيعُ أَجْرَ
مَنْ أَحْسَنَ عَمَلًا

“Албатта, Биз иймон келтирган ва яхши амаллар қилганларнинг, гўзал иш қилганларнинг ажрини зое қилмасмиз” (Каҳф, 30-оят).

إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ كَانَتْ لَهُمْ جَنَّاتُ الْفِرْدَوْسِ
نُزُلًا

“Албатта, иймон келтирган ва яхши амалларни қилганларга Фирдавс жаннати манзил бўлгандир” (Каҳф, 107-оят).

مَنْ عَمِلَ صَالِحًا مِّنْ ذَكَرٍ أَوْ أُنْثَىٰ وَهُوَ مُؤْمِنٌ
فَلَنُحْيِيَنَّهٗ حَيٰوةً طَيِّبَةًۢ وَلَنَجْزِيَنَّهُمْ أَجْرَهُم بِأَحْسَنِ مَا
كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿١٧﴾

“Эркагу аёл, ким мўмин ҳолида яхши амал қилса, Биз унга яхши ҳаёт кечиртирамиз ва, албатта, уларни қилиб юрган амалларининг энг гўзалига бериладиган ажр ила мукофотлармиз” (Наҳл, 97-оят).

وَبَشِّرِ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ أَنَّ لَهُمْ جَنَّاتٍ
تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ كُلَّمَا رُزِقُوا مِنْهَا مِنْ ثَمَرَةٍ
رُزِقُوا قَالُوا هَذَا الَّذِي رُزِقْنَا مِنْ قَبْلُ

“Иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилганларга, улар учун остидан анҳорлар оқиб турган жаннатлар борлигининг башоратини бер. Қачонки уларнинг мевасидан баҳраманд бўлсалар, бундан аввал ҳам ризқланган эдик, дейишади” (Бақара, 25-оят).

وَأَمَّا الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ فَيُوَفِّيهِمْ
أُجْرَهُمُ وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ الظَّالِمِينَ ﴿٥٧﴾

“Иймон келтирган ва яхши амаллар қилганларнинг ажрини тўлиқ беради. Ва Аллоҳ золимларни хуш кўрмас” (Оли Имрон, 57-оят).

Гапнинг индаллосини айтганда, иймон ва амали солиҳ Куръони каримда ҳамиша ёнма-ён зикр қилинган бўлиб, бу уларнинг бири бошқасидан беҳожат бўла олмаслигини англатади. Аллоҳ таоло айнан дунё ҳаётида ўзларида мана шу икки матлуб нарса – иймон ва солиҳ амални жамлаган бандаларидан рози бўлишини эълон қилиб, уларга гўзал оқибат ваъдасини берди. Оламлар Раббисининг Китобига назар ташлаган одам мазкур ҳақиқатнинг минглаб далилларини топади.

Иймондан мақсад ақлнинг иймон келтириш лозим бўлган жами ҳақиқатларни қабул қилишидир. Солиҳ амаллар эса ўша иймон ҳақиқатларининг ақлга ҳоким бўлиб, дин арконлари, қурбат ва нафл амалларнинг жамоавий ва шахсий ибодатлар тарзида банданинг юриш-туришида намоён бўлишидир.

Демак, ақл билан идрок қилиш Аллоҳ таолога бўлган иймоннинг ҳамда ундан келиб чиқадиган бошқа ҳақиқатларга иймон келтиришнинг масдари экан. Ақлнинг иймон келтиришдаги аҳамияти шунчалик каттаки, аждодларга эргашиш, куч билан мажбурлаш кабилар бандани ундан беҳожат қила олмайди.

Тавҳид илми уламолари иймон таклифи унинг асос ва сабабларига тааллуқли бўлиб, у ақл ва тафаккурни ишга солишдан иборат эканини айтадилар.

Аллоҳ таолонинг наздида солиҳ амал ҳисобланувчи ишларга келсак, инсонни уларни адо этишга ундайдиган нарса қалбдаги муҳаббатдир. Айримлар хавф ҳам бандани амали солиҳга ундашини айтадилар. Иншааллоҳ, Аллоҳнинг тавфиқи билан китобнинг давомида зоҳирдан яхши амаллар сари бошлаётгандек кўринаётган бўлса-да, кўрқувнинг ўзи бандани мақсадга етказа олмаслиги ҳақида баён қилиб ўтаман.

Ҳозир эса ақлий иймоннинг бир ўзи соҳибини солиҳ амаллар сари етаклай олмаслиги ҳақида сўз юритамиз.

Иймон хусусиятига кўра ўзида амални эмас, балки бирон нарса билан боғлиқ қатъий ишонч-ни ифодалайди. Шунга кўра, ҳар қандай нарсага бўлган иймон – ўша нарсанинг ҳақ эканига далолат қилувчи ақлий исботлар қоим бўлиб, унга оид шубҳалар ариган, инкор этиш ёки юз ўгиришнинг имкони бўлмаган зарурий яқийний илмдир. Бироқ, иймон тақозо этувчи солиҳ амалларни бажариш эса инсоннинг ихтиёрига бўйсундириб қўйилган бўлиб, у рағбатга боғлиқдир.

Шубҳасиз, мен бу ўринда фикр ва идрокни қамраб олган, қалбда мустаҳкам қарор топган яқийний иймонни назарда тутяпман. Тилнинг иймонни исбот ёки инкор қилувчи нарсаларни айтишига келсак, бу ихтиёрий тасарруф бўлиб, бунда киши иймон тасдиқлашга ҳам, уни ёлғонга чиқаришга ҳам имконли бўлади. Аллоҳ таоло айтади:

وَجَاهِدُوا بِهَا وَأَسْتَيْقِنَتْهَا أَنْفُسُهُمْ ظُلْمًا وَعُلُوًّا

“Ва ўзлари аниқ билиб туриб, зулм ва кибр туфайли у(мўъжиза)ларни инкор этдилар”
(Намл, 14-оят).

Хўш, Аллоҳ таолога бўлган иймон инсондан талаб қилувчи амалларга киришиш мўминнинг ихтиёри ва қабул қиладиган қарорига боғлиқ экан, бунда ўша амални ихтиёр қилишда ўзи иймон келтирган ҳақиқатга ижобат қилган бўладими ёки қалбидан ўрин олган рағбатгами?

Мазкур саволнинг жавобини “Ақл ва ҳиссиётнинг инсон юриш-туришида акс этиши” номли аввалги мавзуда баён қилиб ўтдим. Демак, инсон солиҳ амални ақли қабул қилган ҳақиқатнинг чақириғига жавобан эмас, балки келтирган иймони сабабли қалбида қарор топган рағбатнинг чақириғига жавобан бажарар экан. Бунинг батафсил баёни ҳамда далилларини аввалги мавзуда келтирдим.

Иймон ва куфр масаласи юқорида баён этилган қонуният, яъни инсоннинг шубҳадан холи, инкорни қабул қилмайдиган яқийний илмга кўрсатадиган муносабати доирасида ҳал этилади. Ақлий иймоннинг ўзи соҳибини солиҳ амаллар ва иймон тақозоси бўлган йўлга етакламаслигига мисол сифатида шериксиз Аллоҳнинг мавжудлигига иймон келтирувчи кўплаб ғарб олимларини келтириш мумкин. Улар ўз ақлий иймонларининг исботи ўлароқ биз мўминлар ҳам билмаслигимиз эҳтимоли катта бўлган кўпдан-кўп далилларни келтириб, ягона илоҳнинг мавжудлигига доир фикрларини қувватлайдилар. Бироқ, шу билан бирга улар ўзлари иқрор бўлиб турган иймон тақозо этувчи амаллардан бирортасини ҳам қилмайдилар. Чунки уларнинг шахвоний ва дунёвий рағбатларга бўлган севгиларига ақлий иймонларидан ғолиб келиб, уларнинг нафсларини эгаллаб олган.

Айтиб ўтилганидек, қалб ҳиссиёт ва рағбатлар ўрнидир. Инсон қалби худди нимага иқбол қилса, юзасида ўша нарса акс этувчи ойнага ўхшайди. Агар банданинг қалби дунё шахватлари ва ҳавою нафснинг қинғирликлари томон йўналса, қалбда айнан ушбу тубанликларнинг муҳаббати акс этади. Қалб ойнаси Аллоҳ таолодан бўлмиш муҳаббатнинг доимий ишораларидан умид қилган ҳол-

да олий олам томон йўналганда эса унда ўша олийлик тажаллий қилиб, бундан аввал унда акс этган дунёвий рағбат ва шаклларнинг асари йўқолади.

Кўзгусида акс этувчи рағбатлар, сурат ва шакллар қандай бўлмасин, инсон юриш-туришини белгиловчи қарорлар қабул қилиш ва унинг амалларига ҳукмини ўтказиш ваколоти қалбгагина тегишли бўлиб қолаверади.

Шу сабабли ҳам илоҳий баён Аллоҳга бўлган муҳаббатни иймоннинг бир бўлаги, балки унинг асоси дея эълон қилди. Ушбу маъно Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўплаб ҳадисларида ҳам ўз аксини топган.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида ҳам Аллоҳ ва Расулига бўлган муҳаббатнинг иймон саломатлигидаги ўрни ҳақида кўплаб ривоятлар ворид бўлган. Уларнинг бирида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: **“Аллоҳ ва Расули бошқалардан кўра маҳбуброқ бўлмагунича бирортангизнинг иймонингиз комил бўлмайди”¹**.

Бошқа бир ҳадиси муборақда Набий алахиссалом: **“Сизларга ато қилаётган неъматлари учун Аллоҳга муҳаббат қилинг. Аллоҳ учун мени ҳам яхши кўринг”**, деб буюрганлар².

¹ Муттафақун алайҳ

² Термизий ривояти

Аллоҳ ва Расули учун холис бўлган муҳаббат ўз соҳибини иймон тақозо қилувчи амаллар сари ундайди. Аллоҳ сақласин, агар кишидаги муҳаббат фақат дунёвий рағбат ва шаҳватлар учун бўлса, уни солиҳ амаллардан тўсиб, иймонини шолу бемажол қилиб қўяди.

Ушбу ҳақиқат Аллоҳ азза ва жалланинг:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا مَنْ يَرْتَدَّ مِنْكُمْ عَنْ دِينِهِ فَسَوْفَ يَأْتِي اللَّهَ
بِقَوْمٍ مُّجِبُّهُمْ وَيُجِبُونَهُ

“Эй иймон келтирганлар! Сизлардан ким динидан қайтса, Аллоҳ албатта, Ўзи севадиган ва улар ҳам Аллоҳни севадиган қавмни келтиради” (Моида, 54-оят), деган сўзида ҳам ўз ифодасини топган.

Мазкур ояти каримани ўқиган кишининг зеҳнига “Иймондан қайтишга унинг асосларидан бири ҳақида инсоннинг ақлида пайдо бўлган шубҳанинг катталашиши ва иймонни маҳв этиши сабаб бўлар экан”, деган фикр келиши мумкин. Зоҳиран қараганда шундай.

Бироқ, агар шундай бўлганида, оятда Аллоҳ таоло ва бандаларининг бир-бирларига нисбатан ўзаро муҳаббатлари зикр қилинмай – “Эй иймон келтирганлар! Сизлардан ким динидан қайтса, Аллоҳ, албатта, Ўзига мустаҳкам иймон келтирадиган... қавмни келтиради”, дейилган бўларди.

Аммо ояти карима диндан қайтишнинг муқобилида айнан бандаларнинг Аллоҳ таолога, Рабб азза ва жалланинг мўминларга нисбатан муҳаббатини келтирмоқда.

Демак, инсон диндан унинг зеҳнини ларзага солувчи ориз сабабли эмас, балки Аллоҳ азза ва жаллага бўлган муҳаббат йўқолиб, қалбни ағёрларнинг муҳаббати мустаҳкам эгаллаб олгани боис қайтар экан. Зеро, илоҳий муҳаббатдан Мосуво бўлиб, тубан дунёвий севгилар билан тўлган қалбнинг ридда хатарига мубтало бўлиши муқаррардир. Бунда биз “ридда”, деб атайдиган “диндан қайтиш” тил билан изҳор қилинмай, ташқаридан сезилмаслиги мумкин. Бироқ, бу ҳолат нафснинг туб-тубларини эгаллаб олувчи, инсоннинг оқибати ва мангу қайтар жойини белгилаб берувчи оқибати ўта аянчли бўлган ҳақиқий риддадир.

Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло ўз нафси ҳаволарига эргашиб, динларидан қайтганларнинг ўрнига келтирадиган қавмларга муҳаббат билан васф этди. Зеро, мўминнинг иймони илоҳий муҳаббат булоғидангина сув ичади, Аллоҳга бўлган муҳаббат уни дунёю охиратда собит сўз ила собитқадам қилиб, оламлар Раббисининг розилигига етиштиради.

Исломга кираётган бугунги ғарбликларда айнан мана шу ҳолатларни кузатиш мумкин. Улар-

нинг исломдан аввалги ва кейинги ҳолатларига назар ташлаган кишининг ҳайратда қолмай иложи йўқ. Уларнинг ҳақ динга ҳидоятланишдан аввалги диний мажбуриятлардан тамоман озод ва бепарволик ҳолатидан Аллоҳ таолонинг ҳукм ва амрларини лозим тутишнинг энг олий даражасига чиқишлари кишини ҳақиқатан ҳам таажжубга солади. Бир қараганда уларнинг ҳаётларидаги бу кескин ўзгаришга уларнинг ақлларида маҳкам ўрин олган яқийний ишонч сабаб бўлгандек кўриниши мумкин. Бироқ, бундай эмас. Аслида уларни бир ҳолатдан унинг тамомила акси бўлган бошқа ҳолатга бу даражада тез кўчиб ўтишларига қалбларига сизиб кирган раббоний муҳаббат нури томонидан ҳақ динга киришларидан аввал уларни бутунлай ўзига ром этган шахватлар ва дунё севгисининг маҳв этилиши сабаб бўлгандир.

Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳаётида ақл ва муҳаббат ўзаро кураш ёки ҳамкорлик муносабатига киришиб, иккиси ўртасидаги мазкур алоқа баъзида яхши, баъзида эса ёмон натижаларга олиб келади.

Аммо шуниси аниқки, агар соғлом асосларга эга ақлий муҳокама тўғри манҳаж асосига қурилган бўлса, ҳар қандай ҳолатда ҳам натижа ижобий бўлади. Зеро, мазкур шартлар топилганда ақл ўз

соҳибини унинг воситасида идрок қилинадиган нарсаларда тўғри йўлга бошлаши шубҳасиздир.

Муҳаббатнинг иши эса бошқачароқ, у кишига даво ҳам, дард ҳам бўлиши мумкин. Агар қалбни эгаллаган иймоний фитрат Аллоҳ таолога бўлган муҳаббат билан озиқлантирса, инсон истиқомат узра собит бўлади. Бунда муҳаббат ягона мақсад йўлида ақл билан бирлашиб, ҳамкорлик қилади, ақлнинг қарорларини тўлдириб, уни қўллаб-қувватлайди. Ақл эса ўз навбатида муҳаббатни ҳаддан ошиб, чегарадан чиқишдан ва тойилишлардан тўсиб туради.

Аммо қалбдаги ҳиссиётлар маҳзанини ҳавои нафснинг бузуқ рағбатлари эгаллаб олса, муҳаббат ана ўша нафс ҳокимиятининг аскарига, ёқилғисига айланиб қолиб, соҳиби учун касаллик ва ҳалокат бўлади. Ақл зиёси эса бундай муҳаббатни жиловлашга, унинг ҳаяжонига ҳукмини ўтказишга қодир бўлмайди.

АҚЛНИНГ ЎЗИГА СУЯНИШ ОФАТИ

Азиз ўқувчига шуни эслатиб қўймоқчиманки, ҳозир сўз юритадиган мавзуимиз дунёвий манфаат ва мушкулотлар ҳақида эмас, балки Аллоҳ таолога етишиш йўли борасида бўлади.

Аслини олганда ақлга суяниш офат эмас, балки заруратдир. Зеро, ақл ҳидоят йўлини ёритувчи чироқ, ҳақни ботилдан ажратувчи жиҳоздир.

Бироқ, фақат ақлнинг ўзигагина суяниб қолиш киши учун офат бўлади.

Маълумки, ислом пойдевори ақл, девор ва шифтлари эса шаръий ҳукмлар, ибодат ҳамда ахлоқий қоидалардан иборат бир бино кабилдир.

Илоҳий баён илдизи ақл, пояси ибодатлар, шохлари шаръий ҳукмлар ва ахлоқи ҳамида, самараси эса ижтимоий адолат, юксак тамаддун ҳамда охиратдаги комил мукофотдан иборат бўлмиш исломнинг дақиқ суратини кўз олдимизда гавдалантиради. Аллоҳ таоло айтади:

أَلَمْ تَرَ كَيْفَ ضَرَبَ اللَّهُ مَثَلًا كَلِمَةً طَيِّبَةً كَشَجَرَةٍ طَيِّبَةٍ أَصْلُهَا ثَابِتٌ وَفَرْعُهَا فِي السَّمَاءِ ﴿٢٤﴾ تُؤْتِي

أَكْلَهَا كُلَّ حِينٍ بِإِذْنِ رَبِّهَا وَيَضْرِبُ اللَّهُ الْأَمْثَالَ
 لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَتَذَكَّرُونَ

“Аллоҳ яхши сўзга қандай мисол келтирганини кўрмайсанми? У худди бир яхши дарахтга ўхшайдир. Унинг асли собит турадир. Шохлари эса, осмонда. Рабби изни ила ҳар доим меваларини бериб турадир. Аллоҳ, шояд эсласалар, деб одамларга мисоллар келтирадир” (Иброҳим, 24-25-оятлар).

Демак, ислом ақидалари асосини идрок қилишда ақлнинг ўзига суяниш мумкин, бунда муаммо йўқ.

Бироқ, ўзида исломий юриш-туришни ифодаловчи ибодатлар, шаръий ҳукмлар, ҳалол ва ҳаром ҳамда ахлоқий қоидаларни татбиқ қилишда ақлнинг бир ўзига суяниш ярамайди. Инсон шариат талаблари ва ҳукмларини ҳаётига татбиқ қилишда ҳавои нафс бузуқликларини даф қилиб турувчи бошқа бир кучга муҳтож бўлади.

Инсон нафсининг бузуқликларининг йўлини тўсиб, шариат ҳукмларини лозим тутиш томон йўл очувчи, бандани амалга ундаб, муваффақият сари йўналтирувчи ўша куч Аллоҳ ва Расулига бўлган муҳаббат ҳамда Аллоҳ азза ва жалладан бўлган хавфдир. Муҳаббат ва хавфнинг мадори

эса Аллоҳ таолонинг зикрида бардавом бўлиш, неъматни уни берувчи Зотга боғлаш ҳамда Куръони каримдан маълум қисмини кунлик вирд қилиб олишдан иборатдир.

Мана шу тарзда истиқоматда бўлиш инсоннинг қалбида Аллоҳ ва Расулининг севгисини уйғотиб, кўрқув ва умиднинг ақл учун лозим бўлган кўмагини таъминлаб беради. Бу эса қалбнинг ҳавои нафс ва шаҳватлардан юз ўтириб, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло томон йўналишига сабаб бўлади.

Ақлий яқийн қалб муҳаббати билан бирлашганда эса банданинг шаҳват ва ҳавои нафс жинкўчаларига чалғимасдан Аллоҳ ва Расулига бўлган иймоннинг кенг ва обод тўғри йўлидан бориши таъминланади. Бу билан банда Аллоҳ таолонинг:

وَأَنَّ هَذَا صِرَاطِي مُسْتَقِيمًا فَاتَّبِعُوهُ وَلَا تَتَّبِعُوا السُّبُلَ
فَنفَرَّكُمْ عَنْ سَبِيلِهِ ذَلِكُمْ وَصَّاكُمْ بِهِ لَعَلَّكُمْ
تَتَّقُونَ

“Албатта, бу Менинг тўғри йўлимдир. Бас, унга эргашинг. Ва бошқа йўлларга эргашманг. Бас, сизни унинг йўлидан адаштирма синлар. Мана шу сизга қилган амрки, шояд тақво қилсангиз” (Анъом, 153-оят), деган чақи-

риғига “Бош устига, эй Раббим!” дея жавоб беради гўё.

Хулоса қиладиган бўлсак, ҳақиқатларни кашф қилиш учун ақл нурига мурожаат қилиш офат ҳисобланмас экан. Ахир қандай қилиб ақл ишлатиш офат бўлсин, ҳолбуки Раббимиз Китобида бизларни ҳамиша ақлни ишлатишга амр қилган-ку! Лекин Аллоҳга олиб борувчи йўлга чиққан ақлнинг ёнида уни қўллаб-қувватлаб турувчи отифий ҳамроҳнинг бўлмаслиги эса офатдир.

Шу ўринда мазкур офатнинг аянчли натижаларига оид мисол келтирсам.

Бир олим бор. У ислом ва иймон, саҳиҳ ақида ҳамда шаръий ҳукмларни яхши билади. Лекин унинг қалби мол-дунёни кўпайтириш, яхши ҳаёт сабабларини қўлга киритиш ҳамда жамиятда юқори мавқега эга бўлиш муҳаббатига мубтало бўлган. Мусулмон жамиятларида ўз моҳиятига кўра аксилломий бўлган сиёсий ва ижтимоий фикрларни тарқатиш бўйича иш олиб борувчи хорижий ташкилот мазкур олимдан хабар топиб, уни ўргана бошлайди. Тили ислом ва шариатдан сўзловчи, бироқ қалби дунё муҳаббатига асир бўлган мазкур олимнинг ўз режаларининг рўёби учун кўпдан бери излаб юрган кишилари эканини англаган мазкур ташкилот дарров ишга киришади. Натижада,

олимнинг қалбига дунёвий рағбатлар эшигидан кириб бориб, ўз мақсадларига эришадилар. Олимнинг раббоний муҳаббатдан холи бўлган ақлий иймонининг мўрт риштаси узилиб, унинг ўрнини Аллоҳ таолодан тўсилган, дунёга бўлган ҳирс ҳукми остидаги бошқа бир кучли боғланиш эгаллайди. Шу аснода бечора олим Аллоҳ таолонинг муҳаббатига боғланмаган ақлий иймонидан душман талаб қилган вазифаларни бажаришда улов сифатида фойдалана бошлайди.

Келинг энди илмий доираларда шарият билимдони сифатида танилган, катта обрў ва нуфузга эга бошқа бир олимнинг ҳолатига ҳам назар ташлайлик. Афсуски, ушбу олимнинг қалбини ҳам дунёвий рағбатларга бўлган севги, катта давлат ва обрў қозониш орзуси эгаллаб олган. У ўзининг истаклари рўёби учун айрим шаръий ҳукмлар бўйича нодир фатволарни айтиб, динни ўйин қилишдан ҳам қайтмайди ва шахватларининг қамчилари остида тезда ишга киришади. Натижада 4%дан ошмаган қарз фойдасини ҳалол, кўпхотинликни ҳаром деб эълон қилади, Исо ибн Марям алайҳиссалом самога кўтарилмай, бошқа одамлар каби ерда вафот этганини даъво этади, бир сўз билан айтганда ўзидан талаб қилинган фатволарни бирма-бир мусулмонлар орасига сиздиради.

Ундаги ушбу журъат ақлининг раъй ва қавлий мунозалар ўнқир-чўнқирларида адашиб қолиб, нафсидаги тубан нарсаларга бўлган муҳаббатига эргашиш ботқоғидан сув ичади. Агар унинг ақли қабул этган ҳақиқатлар Аллоҳ таолога бўлган муҳаббат кучи билан қувватланганида эди, у динини дунёси учун сотиб юбормаган бўлар эди.

Бироқ вақт ўтиши билан унинг жисмидан қувват кетиб, қарилик ундан ўз улушини олганда, беморлик ажралмас ҳамроҳига айланиб, бир пайтлар нафсини ёндирган дунёвий муҳаббат чўғи сўнганда шу кунга қадар мағлуб бўлиб келган иймоний фитрати уйғона бошлайди. У ўзининг зиёратига келган одамларга авваллари нафсоний ҳирси йўлида берган фатволаридан Аллоҳ азза ва жаллага тавба қилаётганини айтиб, уларни бирма-бир санайди ва ҳар бирининг ботил эканига гувоҳлик беради.¹

Демак, иймон ҳақиқатларини қамраб олган ақлнинг ўша ҳақиқатлар учун жон ўрнида бўлган раббоний муҳаббатдан Мосуво бўлиши ўта хатарли офат экан. Муаммо шундаки муҳаббат бетарафлик мақомида бўла олмайди. Шу кунга қадар ҳеч бир қалб бетараф бўлмаган, у албатта,

¹ Бу олим ўйлаб топилган тўқима мисол эмас, балки жуда машҳур уламолардан бири бўлиб, унинг тавбасига гувоҳ бўлганларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам ҳаёт.

бир томонга мойил бўлади. Юқорида айтганим-дек, қалб муҳаббат ҳисларини ўзига жо қилишда худди ойна мисолидир. Ойнанинг эса қаршисига қўйилган нарсани акс эттирмасдан бетараф қолганини ҳеч ким кўрмаган. Ҳатто ойнанинг устига мато ташлаб қўйган тақдирингизда ҳам ўша матонинг ўзи унда акс этади.

МУҲАББАТНИНГ ЎЗИГА СУЯНИШ ОФАТИ

Ўтган мавзулар орқали Аллоҳ таолонинг розилигига фақатгина икки қанот – ўрни ақл бўлмиш иймон ва макони қалб бўлган муҳаббат билангина етиш мумкинлигини билдик. Шунингдек, ақлий иймоннинг ўзига суяниш билан ҳаракатсизни жилдириш, эгрини тўғирлашнинг имкони йўқлигини, ақл эса бамисоли чироқ бўлиб, унинг иши туртки бериш ва ҳаракатга келтириш эмас, балки ёритишдангина иборат эканини тушуниб олдик.

Энди эса муҳаббатнинг бир ўзига суяниш ҳақида гаплашамиз. Албатта, муҳаббатнинг ўзига суяниш инсонни ҳаракатга келтиради, бироқ уни доим ҳам ҳаққа ҳидоят қилавермайди, ишни енгиллаштиради, бироқ ҳидоятга асосланиб

эмас. Шайтон қалбида раббоний муҳаббати йўқ олимни илми билан йўлдан ургани каби, қалби Аллоҳга бўлган муҳаббат билан тўлиб-тошган, бироқ ўша муҳаббат ҳарорати ҳамда виждонининг ҳаракатини тартибга солиб турувчи ислом ақоиди ва шаръий ҳукмларга оид ҳақиқатлардан етарлича илмга эга бўлмаган бандани ҳам осонгина тузоққа илинтириши, залолатга бошлаши мумкин. Зеро, раббоний муҳаббат банда учун Аллоҳ азза ва жалла розилигига етишнинг ягона йўли бўлмиш сиротул мустақим сафариди улов каби бўлса, илм ушбу йўлни ёритиб борувчи чирокдир гўё.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ
ذُنُوبَكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿٣١﴾

“Сен: “Агар Аллоҳга муҳаббат қилсангиз, бас, менга эргашинг. Аллоҳ сизга муҳаббат қилади ва сизларни гуноҳларингизни мағфират қилади”, деб айт” (Оли Имрон, 31-оят).

Яъни “Агар Менинг муҳаббатим ва розилигимга сазовор бўлишни истасангиз, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам сизларга олиб келган ақида, қонунлар ва одоб асосларини ўз муҳаббатингизга ҳоким, шавқингизга таржимон қилиб олинглар”.

Маълумки, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам олиб келган таълимот ва асослар ақл қабул қилувчи илмнинг самараларидир. Шу боис, илоҳий баён диний ақидалар ҳамда шариат илмларини муҳаббатни тўғри томонга йўналтирадиган жилов сифатида таърифлайди.

Айримлар пайғамбарлар олиб келган шариат ва йўлни белгилаб берувчи саҳиҳ диний ақидаларни кашф қилиб берувчи ақлий баёнларга илтифот қилмаган ҳолда Аллоҳ таолога бўлган фитрий муҳаббатларидан таъсирланиб, ҳаяжонга тушадилар. Шу аснода улардаги илдини илм ва ақлий ташкил этувчи ҳидоятга асосланмаган муҳаббат ҳар бир инсонда борлиги муқаррар бўлган ҳайвоний ғариза ва дунёвий шахватлар билан аралашиб кетади. Фитратларидаги муҳаббатнинг дунё севгиси билан қоришиб кетиши натижасида улар тўғри йўлни йўқотиб, шариат ва сулукда залолатга кетадилар. Шайтон эса ўзи учун қулай бўлган бундай фурсатни қўлдан чиқармайди. У бундайларга шундай найранг кўрсатадики, оқибатда уларга ҳақ ботил, ботил эса ҳақ бўлиб кўринади, ўзлари тобора чуқурлашиб бораётган залолат жарлигини Аллоҳ таолонинг розилиги сари олиб чиқувчи нарвон деб ҳисоблаб қоладилар. Зеро, шайтон учун илм ва ҳидоят йўлининг чироғи бўлмиш ақлидан ажра-

ган бандани йўлдан уришдан ҳам осон иш йўқдир.

Тарих бизларга илм ва ақл ҳидоятидан узилиб қолган муҳаббат қурбонлари ҳақида кўплаб мисолларни тақдим этади. Биз уларнинг самимий муҳаббатлари ва ниятларининг софлигига шубҳа қилмаймиз. Бироқ, Аллоҳ таолонинг Китоби ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига оид илмларга бепарволиклари боис жоҳиллик устига барпо қилган муҳаббатлари шайтоннинг уларни йўлдан уришдаги бош қуролига айланди. Жоҳилликлари туфайли шайтон алайҳиллаъна уларни ўзлари билмаган ҳолда шаҳват ва ҳавои нафснинг бузуқлик водийларида тоза тентиратди. Иш шу даражага етдики, ҳатто уларнинг нафслари ўзлари мубтало бўлган залолатдан лаззат туя бошлади. Натижада жаҳолатдан кейинги илм ҳам, насиҳат аҳлининг эслатмалари ҳам ва оламлар Раббисининг огоҳлантиришлари ҳам уларга фойда бермади.

Иймон ва ақида асослари ҳамда шаръий ҳукм қоидаларидан ғофил бўлгани ҳолда Аллоҳ ва Расулининг муҳаббатини даъво қилувчи бундай кимсалар ўзларидан сохта муршидларни ясаб олишлари эса дард устига чипқондир. Ўзлари ҳидоятнинг чўққисига кўтарилиш деб ҳисоблайдиган ботқоқларига ботиб борган-

лари сайин муридларининг уларга кўрсатадиган тавозелари, итоатлари ҳамда муборак қўлларини ўпиш учун ўзаро мусобақа қилишларидан туядиган лаззатлари ҳам ортаверади. Мана шунда ўзларини ҳам, муридларини ҳам дучор этган залолатларидан қутқариш учун илм арқонини тутишлари кераклиги борасида қанча танбеҳ ва насиҳатлар қилинмасин, уларга қор қилмайди. Аксинча, улар илм асосларига қайтишни душманни ёмон кўргандек ёмон кўрадилар, ундан оловдан қочгандек қочадилар. Чунки мазкур жоҳиллар ҳеч нимани билмасалар ҳам, ақл ва илм иккиси уларни мавқе-мартабалари, даромадлари ҳамда ўзларига ўхшаган жоҳилларнинг эҳтиромидан айириб қўйишини жуда яхши биладилар. Шу боис ҳам уларни ақл мезонлари ва илмий асосларга қарши жанг очган ҳолларида кўрасиз.

Дунё яралибдики, шайтон жоҳил муршидларни ўзига лашкар қилиб олиб, мақсади йўлида улардан фойдаланиб келмоқда. Тўғри, шайтон диний ва иршодий фаолиятида илм ва шаръий ҳукмларга суяниб иш кўрадиганларни залолатга кетказишга ҳам уриниб кўради. Бироқ, қанча ҳаракат қилмасин, шайтон ҳақиқий ҳидоят ва илм соҳибларини тойдиришда бирор натижага эриша олмайди.

Худди шундай, шайтон илм, тақво ва одоб пешвоси бўлган Абдулқодир Жилоний қуддиси сирруҳуни ҳам йўлдан уришга ҳаракат қилиб кўрган. У зотнинг ўзлари ҳикоя қиладилар. Бир сафар асносида чўлда эканликларида у зот қаттиқ чанқайдилар. Шунда у зот узра бир булут келиб, соя сола бошлайди. Сўнг булут орасидан: “Эй Абдулқодир! Сен шундай олий даражага етдингки, сени шаръий тақлифлардан озод қилман!” деган овоз келади. Шунда у зот тафаккур қилиб, мазкур хитоб Аллоҳ таолонинг:

وَأَعْبُدْ رَبَّكَ حَتَّىٰ يَأْتِيَكَ الْيَقِينُ ﴿١١﴾

“Аниқ келгувчи нарса (ўлим) келгунига қадар Раббингга ибодат қил!” (Ҳижр, 99-оят), деган амрига ҳилоф эканини англайдилар ва булут томонга қарата бор овозлари билан: “Йўқол, эй лаъин! Сени танидим!” деб ҳайқирадилар. Шунда булут тарқаб, унинг зулмати у зотдан арийди.¹

¹ Ушбу ривоят баъзи манбаларда шу шаклда келтирилган. Ибн Имод Мусо ибн Абдулқодир Жилонийдан нақа қилган ривоятда эса шундай келади: “Отам менга шундай ҳикоя қилиб бердилар: “Бир куни қаттиқ чанқганимда бир булут мени ўз соясига олди ва ундан сув қатралари тома бошлади. Мен ундан ичдим. Сўнг бир нур пайдо бўлиб, шаклга кирди ва унинг ичидан: “Эй Абдулқодир! Мен Раббингман! Барча ҳаромларни сенга ҳалол қилдим!” (ёки “Бошқаларга ҳаром қилганларимни сенга ҳалол қилдим!”) деган овоз келди. Шунда мен: “Аллоҳдан қувилган шайтондан паноҳ сўрайман! Эй лаъин, даф бўл!” дедим. Шунда ҳалиги нур зулматга, шакл эса тутунга айланиб: “Эй Абдулқодир, Раббингнинг аҳкомлари-

Ҳозирги кунимизда ҳам шайтон муридларни Аллоҳ таоло томон сайр эттириш иши бўлмиш иршодда тарки илм қилиб, муҳаббатнинг ўзигагина суюнувчи мазкур тоифа пирларни хоҳлаган кўйига солмоқда. Аслида эса шариатни билиш ҳар бир солиқ учун ўта муҳимдир. Зеро, Аллоҳ розилиги йўлига тушган солиқ шариат асосларидан қанчалик узоқлашса, залолатга шунчалик яқинлашиб, унинг иршод ниқобини тақиб олган сохтакорларнинг домига илиниш эҳтимоли ортаверади.

Бугунги кунда айрим сохта муридлар зикр мажлисига йиғилган муридларига сафларидан бир жойни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам учун бўш қолдиришларини, гўёки зикр асносида у зот алайҳиссалом келиб, ўша тайёрлаб қўйилган жойга ўтириб, улар билан бирга зикр қилишларини даъво қиладилар. Жохил муридларининг бунга бўлган ишончини орттириш мақсадида айрим шайхлар зикр мобайнида бирданига ўрнидан туриб, ўзини гўёки мажлисга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кириб келгандек тутиб, турли ҳаракатлар қила бошлайдилар. Бунга алданган бечора муридлар ҳам ўрниларидан туриб кетадилар ва натижада уларнинг ботил

га оид илминг сабаб меъдан нажот топдинг!" деб айтди ва ғойиб бўлди" (Шазаротуз-заҳаб).

шайхларига бўлган ихлос-итоатлари ҳам ортиб бораверади. Бора-бора улар ўзи шайхларининг буйруқларини шариат тарозисига солишни ҳам йиғиштириб қўядилар.

Бугунги кунда барча соҳаларда бўлгани каби нафсни поклашга оид ишларга ҳам Аллоҳ таоло ўз китобидаги “ботиний гуноҳ” деб номлаган кўплаб шубҳали нарсалар қўшилиб кетгани айна ҳақиқатдир. Бунинг илдизи эса улкан аҳамияти ва маҳкам тутиш зарурати Қуръонда бот-бот урғуланган ақлий ва илмий асосларни писанд қилмай, Аллоҳ таолога етиш йўлида муҳаббатнинг ўзи ёхуд унинг қуруқ даъвосини йўлбошчи қилиб олишга бориб тақалади.

Камина юқоридаги мулоҳазаларимни одамларнинг зоҳирий юриш-туришларига биноан ҳукм қилиш ҳамда уларга нисбатан яхши гумонда бўлиш асосида билдириб ўтдим.

Аслида, агар ички ишончимиз мойил бўлган томонни олиб айтадиган бўлсак, бу каби одамларнинг муҳаббатлари ўзларининг моддий ва маънавий манфаатларига бўлган севгидан бошқа нарса эмаслигини эътироф этишдан бошқа чорамиз қолмайди. Шунчаки, улар ўз шаҳвоний мақсадлари Аллоҳ ва Расулининг муҳаббати ниқобини кийдирганлар, холос.

Ишларнинг барча яширин жиҳатларини билгучи Аллоҳ таолонинг Ўзидир. У Зот аzza ва жалладан барчамизнинг зоҳиру ботинимизни ислоҳ қилишни сўраймиз.

МУҲАББАТНИНГ ИСЛОМГА ЧАҚИРИШ ВА УНИ ТАНИТИШДАГИ ЎРНИ

Мавзуни бошлашдан аввал унда фақатгина Аллоҳ ва Расулига бўлган муҳаббат ҳақида сўз кетишини яна бир бор эслатмоқчиман.

Ушбу мавзу сарлавҳасини ўқиган китобхонда “Банда Аллоҳ таоло томон ақлда қарор топган иймон ва саҳиҳ ақида ҳамда қалбни эгаллаган Аллоҳ таоло ва Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг севгиси билангина бора олишини билиб олдик. Лекин куфр аҳли билан ислом ҳақиқатлари борасида тортишиб, уларга Аллоҳ таолонинг борлиги ва ислом динининг ҳақ эканига оид далилларни келтириш, худосизлик фалсафаси тарафдорлари ҳамда бошқа адашган тоифаларни Ҳаққа чақиришга вазифадор бўлган даъватчилар учун муҳаббатнинг нима зарурати бор?” деган савол туғилиши мумкин.

Тўғри, бир қарашда зеҳнларида ислом ва иймон ҳақиқатларига нисбатан шубҳалар пай-

до бўлган тоифаларга исломни танитишда ўша шубҳалар моҳиятини билиш, уларга раддия бериб, ботил эканини исбот этиш маърифатининг ўзи етарлидек кўриниши мумкин.

Зеро, исломни танитиш ва унга чақириш илмий мунозара ва ҳужжат келтиришдан иборат бўлиб, муноқаша қилаётган даъватчининг зоҳирий муваффақияти унинг Аллоҳ таолога бўлган муҳаббатни ҳис қилиши ёки қилмаслигига эмас, балки унинг ботилни фош этиб, ҳақни қарор топтиришдаги илмий салоҳияти ва малакасининг даражасига боғлиқдир.

Шунингдек, мусулмон кишининг шахсий одоби билан унга адашганлар билан мужода-ла қилишда керак бўладиган фикрий эҳтиёжлар орасини ажратувчилар турли адашган фирқалар ҳамда ботил аҳли билан муноқаша қилувчилар орасида ҳам топилади.

Бироқ, ҳақиқат шундан иборатки, қайси ва-зифа эгаси бўлмасин, мўмин Аллоҳ ва Расулининг муҳаббатидан ҳеч қандай ҳолатда беҳожат бўла олмайди. Ўзи биланми ёки бошқалар билан муомаласида бўладими, мўмин Аллоҳ ва Расулининг муҳаббатига мудом мухтождир. Ботилга чиқарувчилар ҳамда йўлдан тойганларга ислом ва иймон ҳақиқатини танитувчилар эса таъбир

жоиз бўлса ушбу раббоний муҳаббатга кўпроқ муҳтождирлар.

Тўғри, зоҳиран қараганда исломни танитиш ва унга чақиришнинг бош моддасини ақоид, ибодат, шаръий ҳукмлардан иборат дин ҳақиқатлари ташкил этади. Бироқ зоҳиран қараганда шундай. Аммо, ишнинг ботинига назар ташласак, Аллоҳ ва Расулининг севгисидан етарлича насибага эга бўлиш даъват аҳлининг муваффақиятининг сири ва бош омили экани маълум бўлади.

Куфр ва худосизлик аҳлининг инкори ва фикрий босқинчилар ўзларига қурол қилиб олган шубҳаларга раддия бериб, уларга Ҳақни танитиш билан вазифалантирилган ҳар бир олим ўзини икки жиҳатдан муҳаббат истехкоми билан кўрғонлаши шартдир:

Биринчи жиҳат. Барчамиз билишимиз керак бўлган ҳақиқат шуки, адашган, фосиқ ёки кофирнинг қалбига ҳидоят нурининг киришига даъватчининг сўз хазинаси орасидан танлаб айтиладиган дақиқ илмга асосланган, балоғат билан йўғрилган гаплари, келтирадиган равшан далилларию эшитувчини қониктирувчи бурҳонлари эмас, балки ўша сўзлар ўзида ташувчи муҳаббат ва виждон ҳарорати сабаб бўлади.¹

¹ Албатта, бошқаларга илмий ҳақиқатларни етказиш зарурий ҳисобланади, бироқ фақат шунинг ўзига суяниб қолиш ярамайди.

Аввалги мавзуларда айтиб ўтилганидек, айрим шарқшунослар Аллоҳ таолонинг борлиги ва исломнинг ҳақ дин эканига оид улкан қатъий далилларга эгалар. Бироқ, шу билан бирга уларда мавжуд мазкур илмий далил ва исботларнинг улкан хазинаси ўзларининг ҳам, атрофларидаги бошқа адашганларнинг ҳам Ҳақ томон бир қадам бўлса-да одимлашларига сабаб бўлмайди.

Чунки тилга кўчишидан аввал қалбдаги муҳаббат оловида қовурилмаган хитоб қанчалик чиройли, жўяли ва илмий асосланган бўлмасин, тингловчининг зеҳнига етиб боргани билан инсонни бошқарувчи нафсга таъсир қилмайди. Чунки қалбларга фақатгина қалблардан чиққан сўзларгина етиб боради. Зеро, олов оловдан ўт олади. Шу ўринда арабларнинг “Қанчалик чинқиргани билан Ноиҳа боласини йўқотган аёл бўлолмайди”, деган мақолини эслаш жоиз. Яъни, азада йиғлаш учун ёлланган гўянда аёл қанчалик айтиб йиғламасин, дод-вой солмасин, нолалари қалбидан эмас, ҳалқумидан чиқаётгани боис мусибатни ҳис қилиш ҳамда ҳузун туйишда боласи ўлган аёлнинг бир нафаси даражасига ҳам ета олмайди.

Тарихда қанчадан-қанча моҳир хатиблар, сўзамоллар ўтганлар. Улар подшоҳлар, амирлару киборларнинг мажлисларида сўзлар уммо-

нининг нодир дурларидан тузилган маржондек гўзал нутқлар ирод этганлар. Бироқ, ушбу хитоб ва нутқларда қалб иштироки бўлмагани сабабидан уларнинг жўшқин хитоблари мажлис аҳлининг қулоғидан нарисига ўтмаган.

Шунингдек, ўтмишда илоҳий муҳаббат бедор ва бемажол айлаган яна шундай валий зотлар бўлганки, уларнинг қалбларини эгаллаган муҳаббат алангасида қовурилган биргина оддий сўзлари атрофдагилар нафсларининг туб-тубига етиб, уларнинг юриш-туришларида бемисл бурилишлар ясаган.

Суфён ибн Уяйна раҳматуллоҳи алайҳ шундай ҳикоя қиладилар: “Халифа Ҳорун ар-Рашиднинг таклифига жавобан бир қанча уламолар билан унинг хузурига бордик. Юзини ридоси билан ўраб олган Фузайл ибн Иёз барчамиздан кейин бориб, мажлисга қўшилди. Одамлар жойлашиб олгач, Фузайл мендан: “Эй Суфён, мўминларнинг амирикани?” деб сўради. Мен: “Ана”, деб халифага ишора қилдим. Шунда Фузайл Ҳорунга қараб: “Эй чиройли юз эгаси! Ушбу умматнинг иши топширилиб, Аллоҳнинг бандаларидан масъул бўлиш юки зиммасига юклатилган киши сенмисан?!.. Катта ишни бўйнингга олибсан!..” деб хитоб қилди.

Шунда Ҳорун йиғлаб юборди... Ўзига келгач, йиғилганларнинг ҳар бирига ўн минг дирҳам-

дан беришга амр қилди. Фузайлдан бошқа барчамиз дирҳамларни қабул қилдик. Халифа Фузайлга қарата: “Намунча зоҳид бўлмасанг, эй Абу Али?!” деди. Шунда Фузайл унга: “Сен мендан ҳам зоҳидроқсан”, деди. Ҳорун: “Қанақасига?” деди. Фузайл: “Мен фоний дунёдан зуҳд қилган бўлсам, сен боқий охиратдан зуҳд қилгансан”, деб жавоб берди.

Дарҳақиқат, халифага қаттиқ таъсир этиб, уни йиғлатган нарса Фузайл ибн Иёзнинг қалбидаги муҳаббат олови ҳамда маҳзунлик юки эди.

Иккинчи жиҳат. Аллоҳ таолога чақирувчи ҳамда У Зот азза ва жалланинг динини одамларга танитувчи кишининг раббоний муҳаббат билан қўрғонланиши шартдир. Зеро, мазкур муҳаббатда даъват аҳлини душманларнинг макридан муҳофаза қилувчи Аллоҳ таолонинг ҳимояси тажаллий этади. Инкор аҳли Аллоҳ таолога чақирувчининг ақлий ва илмий далиллариغا енгилиб, қарши ҳужжат келтиришдан ожиз қолгач, уни нафс тойилишлари ва шаҳват тузоқларига илинтириш учун турли ҳийлалар қилишга ўтади. Мана шундай пайтларда Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога бўлган муҳаббат нафс ҳужумларига қарши мўминнинг қуроли бўлиб хизмат қилади.

Фикр босқинчилари ўз муваффақиятларини ислом уламолари билан бевосита ўтказиладиган

мунозара мажлисларида эмас, балки узоқдан туриб одамларнинг зеҳнларига отиладиган шубҳаларда кўрадилар.

Агар мусулмон олимлари ўз илмий салоҳиятларининг ёнига раббоний муҳаббат билан ҳимояланишни ҳам қўшиб олсалар инкор қилувчиларнинг уламолар нафсларини иғво қилиш ҳамда ақлларини чалғитишга қаратилган барча макр ва уринишлари бекор кетади. Аммо, Аллоҳ сақласин, агар олим фақатгина ақволу афкор¹ тижоратига машғул, нафсини дунё муҳаббати эгаллаб олган тоифадан бўлса, у ҳолда душманлар уни осонгина ўз домларига илинтириб, истаган йўлларига соладилар.

Тарих тийилмаган нафсларнинг жиловини қаерга бурса ўша ерга юриб, илмлари зеҳнларининг зиндониди маҳбус ҳолида қолиб кетган олимларнинг мисолларига тўлиб ётибди. Нафслари бўҳронини енголмаганлари боис уларнинг илмлари худди бир четга ташлаб қўйилиб, занглашга маҳкум этилган қиличга ўхшайди.

Куръони карим биз баёнига киришган ушбу ҳақиқатни нафсини ағёрларнинг севгисидан қутқариб, дунёдан охират сари солинган йўл давомида Аллоҳ таолонинг муҳаббати билан ўзини ҳимоялашни унутган, ўзига берилган илмга

¹ Амалдан холи сўз ва фикрлар.

мағрурланиб қолгани боис ҳалокатга учраган кишининг мисолини жуда ҳам гўзал тарзда баён қилади:

وَاتْلُ عَلَيْهِمْ نَبَأَ الَّذِي ءَاتَيْنَاهُ ءآيَاتِنَا فَاَنْسَلَخَ مِنْهَا
فَاتَّبَعَهُ الشَّيْطٰنُ فَكَانَ مِنَ الْغٰوِيْنَ ﴿١٧٥﴾ وَلَوْ شِئْنَا
لَرْفَعْتَهُ بِهَا وَلٰكِنَّهُ اَخْلَدَ اِلَى الْاَرْضِ وَاَتَّبَعَهُ هَوْنَهُ فَمَثَلُهُ
كَمَثَلِ الْكَلْبِ اِنْ تَحِمَلَ عَلَيْهِ يَلْهَثْ اَوْ تَتْرٰكُهُ
يَلْهَثْ ؕ ذٰلِكَ مَثَلُ الْقَوْمِ الَّذِيْنَ كَذَبُوْا بِآيٰتِنَا فَاَقْصَصَ
الْقَصَصَ لَعَلَّهُمْ يَتَفَكَّرُوْنَ ﴿١٧٦﴾

“Уларга оятларимизни берганимизда, улардан ўзини олиб қочган ва уни шайтон эргаштириб кетиб, ифвога учганлардан бўлган шахснинг хабарини тиловат қилиб бер! Агар хоҳласак, уни ўша (оят)лар билан кўтарар эдик. Лекин унинг ўзи ерга ёпишди ва ҳавои нафсига эргашди. Бас, унинг мисоли худди бир итга ўхшайди: уни ҳайдасанг ҳам тилини осилтириб тураверади, тек қўйсанг ҳам тилини осилтириб тураверади. Бу бизнинг оятларимизни ёлғонга чиқарган қавмларнинг мисолидир. Бу қиссани ҳикоя қил, шояд тафаккур қилсалар” (Аъроф, 175-176-оятлар).

Аксар муфассирлар илми дунё ва унинг жилоларига суст кетган нафсига енгилиб, ақли ва илмига ижобат этиб олий мақомларга кўтарилиш ўрнига шахватларга эргашганча тубан кетган мазкур олимнинг исми Балъам ибн Боъуро бўлганини айтадилар.

Мазкур оятларда уларда зикр қилинган ўша бандага иймон ва диний ҳақиқатларнинг дақиқ далилларини ўз ичига олган улкан илм берилгани, бироқ у ўша илмдан суғурилиб чиққани айтилмоқда. Хўш, илм эгаси бўлган ўша киши нега бундай қилди? Нега Аллоҳ таоло уни нафсининг ёмонлигидан сақламади? Ушбу саволларнинг жавоби ҳам оятнинг ўзида айтиб қўйилган: **Агар хоҳласак, уни ўша (оят)лар билан кўтарар эдик. Лекин унинг ўзи ерга ёпишди ва ҳавои нафсига эргашди.** Яъни, “Агар Биз истаганимизда уни ўша диний илмлар воситасида олий мартабаларга кўтарар эдик. Лекин унинг ўзи мевага кириши учун қалб дарёсидан оқиб чиқувчи муҳаббат ва амал суви билан суғориш ўрнига ушбу илм дарахти илдизини бепарволик болтаси билан чопиб ташлади. У нафсини дунёнинг тубан шахватларидан тозалаш ўрнига уларга ижобат қилиб, дунё лаззатлари ва ўлжалари пўртанасига шўнғиб кетди”.

Илоҳий баённинг Ибн Боъуро тушиб қолган ҳолини ифодалашига бир назар солинг-а! - **“Агар хоҳласак, уни ўша (оят)лар билан кўтарар эдик. Лекин унинг ўзи ерга ёпишди ва ҳавои нафсига эргашди”**. Яъни, у фоний дунё ва шахватлар рамзи бўлмиш ерга ёпишиб олиб, ўзидаги илмга эмас, балки ҳавои нафсига эргашди. Натижада ҳар томонидан дунё матоҳлари ва шахватлари билан ўралиб, унга кўмилиб турса ҳам “Яна, яна!” деяверадиган, ҳеч тўймайдиган бир аҳволга тушди **“Бас, унинг мисоли худди бир итга ўхшайди: уни ҳайдасанг ҳам тилини осилтириб тураверади, тек қўйсанг ҳам тилини осилтириб тураверади”**. Ояти каримадаги итнинг ҳамиша тилини осилтириб ҳарсиллаб туравериши ҳолати ебтўймас дунё ошиқларининг унинг матоҳлари ва зийнатларига бўлган адоғи йўқ таъмаларининг мажозий ташбеҳидир.

Молик ибн Динор шундай деган: “Балъам ибн Боъурони Мусо алайҳиссалом Мадян подшоҳини иймонга чақириш учун юборганлар. Подшоҳ Балъамга катта бойлик ва ерлар тортиқ қилган. Ибн Боъуро мана шуларга маст бўлиб, нима учун юборилганини унутган ва туғёнга кетган. У муртад бўлиб, подшоҳнинг динига ўтиб кетган”.

Мазкур қисса нафсини Аллоҳ таолонинг муҳаббати билан ҳимояламасликнинг аянчли

оқибатига бир мисолдир. Қалби илоҳий муҳаббатдан бебаҳра бўлгани боис дин борасида улкан илми ҳам Балъамни дунё рағбатлари ва шаҳватларнинг асирига айланишдан сақлаб қола олмади. Чунки Аллоҳ севгисидан мосуво қалбни ағёрнинг муҳаббати эгаллаб олиши муқаррардир. Бу эса ҳалокат демақдир.

Аллоҳ ва Расулининг муҳаббати билан қўрғонламагани сабабли шаҳватлар ва ҳавои нафснинг махфий тузоғига илиниб, саодатни қўлдан бой берган шахсларнинг яна бири Ибн Сақодир. У бешинчи ҳижрий асрнинг кўзга кўринган фақиҳларидан эди. Ибн Сақо орифи раббоний, шайх Юсуф Ҳамадонийни зиёрат қилмоқчи бўлади. У билан бирга яна икки киши – Ибн Асрун ва Абдулқодир Жилоний ҳам шайхнинг зиёратига отланадилар. Йўлда Ибн Сақо икки шеригига: “Шайхни зиёратига боришдан мақсадим уни шариатга оид баъзи саволлар билан имтиҳон қилиб, унинг жоҳил эканини одамларга билдиришдир”, деб ниятини айтади. Ибн Асрун эса: “Мен шайхдан ҳақимга молу давлат сўраб дуо қилишини сўрамоқчиман”, дейди. Абдулқодир Жилоний эса икки шеригига: “Мен шайхнинг аҳли солиҳ ва фазилат эгаси эканини эшитганман. Мен унинг ҳузурига Аллоҳ унинг баракотидан мени файзиёб қилиши ва ҳақимга

дуойи хайр қилишини сўраш учун кетяпман”, деб айтади.

Учовлон шайхнинг ҳузурига кирганларида у зот Ибн Сақога қараб: “Сенинг кўзларингда талашиб-тортишиш ва куфр асарини кўряпман. Балки мендан фалон ва фалон нарсалар ҳақида сўрамоқчидирсан...”, дея Ибн Сақо режалаб келган саволларига бирма-бир жавоб бера кетади.

Сўнг Ибн Асрунга қараб: “Сенинг молинг мана шу еринггача етади”, деб қўли билан кўкрагига ишора қилади. Кейин Абдулқодир Жилонийга юзланиб: “Қадамнинг замонанг валийларининг бўйинлари устидадир”, дейди.

Ҳақиқатан ҳам уч зиёратчининг ҳоллари шайх айтганидай бўлган. Ибн Асрун ўз даврининг энг бой кишисига айланди. Унинг қабри Дамашқнинг ҳозирда Асруния, деб аталадиган ноҳиясида жойлашган. Абдулқодир Жилоний эса ўз даврининг энг буюк валийси бўлди.

Ибн Сақога келсак, халифа уни фаранг шоҳларидан бирининг илтимосига биноан насроний олимлар билан диний мунозара қилиш учун жўнатади. Ибн Сақо Куръон ҳофизи бўлиб, тафсир, фикҳ ва ақидада катта олим эди. Фаранглар ерига боргач, уни қиролнинг шахсан ўзи катта иззат-икром билан кутиб олади. Сўнг қизларидан бирини ясангириб хизмат қилиб, кўнгли-

ни олиш учун Ибн Сақонинг олдига киргизиб юборади. Ибн Сақо қизнинг ҳуснига фитнала-ниб қолади ва унга уйланмоқчилигини айтади. Фаранглар қизга никоҳланиш учун Ибн Сақога насронийликни қабул қилишни шарт қўядилар. Ибн Сақо рози бўлиб, насроний бўлади. Бу хабар атрофга тарқалгач, подшоҳ унаштирувни бекор қилиб, Ибн Сақони ҳайдаб юборади. Ибн Имод “Шазарот”да кейинчалик одамлар Ибн Сақони Қустантинияда касал ва абгор бир ҳолда қўлида-ги елпиғич билан юзини талаётган пашшаларни ҳайдаб юрганини кўрганларини ривоят қилган. Ибн Сақодан Қуръон ҳақида сўралганда уни бутунлай унутганини, фақатгина

رُبَمَا يَوَدُّ الَّذِينَ كَفَرُوا لَوْ كَانُوا مُسْلِمِينَ ﴿٢﴾

“Ҳали куфр келтирганлар мусулмон бў-лишни истаб қолурлар” (Ҳижр, 2-оят), деган оят эсида қолганини айтиб берган экан. Ибн Сақо шу хору зор ҳолида Қустантиния бозорларида ўлиб кетган.

Қанчалик илмли ва баҳс-мунозарага уста бўл-масин, Аллоҳ ва Расулининг муҳаббатидан хо-ли бўлган қалби дунё матоҳлари ва шахватлари-га идиш бўлиб қолган кишининг оқибати яхши бўлмаслигини мазкур қисса мисолида ҳам кўри-шимиз мумкин.

РАББОНИЙ МУҲАББАТНИНГ АЛЛОҲГА ДАЪВАТ ЙЎЛИДАГИ САМАРАЛАРИ

Биз бундан аввал одамларни Аллоҳ таолога чақириб, Унинг динини танитувчи даъват аҳлининг раббоний муҳаббатга бўлган эҳтиёжлари, Аллоҳ таолонинг динига чақирувчи киши икки жиҳатдан мазкур муҳаббатга муҳтож эканини баён қилиб, бу борадаги мисоллар билан танишиб чиқдик.

Энди эса Рабб таолонинг изни билан азиз ўқувчини қалблари Аллоҳ азза ва жалла ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муҳаббати билан шарафланган даъват аҳлининг маслакларида кўриладиган муҳим самаралар билан таништириш вақти етди.

Биринчи самара

Ушбу самараларнинг биринчиси Аллоҳга чақирувчи инсон учун ўз нафсининг бирон-бир аҳамияти, қиймати ва қадри қолмаслигидир.

Ҳа, шундай... Қалбни эгаллаган раббоний муҳаббат нафсни ўз соҳиби учун ҳеч нарсага айлантириб қўяди. Чунки бунда раббоний муҳаб-

бат алангаси таъсиридаги инсон мазкур муҳаббатнинг ҳақларини адо этиш учун бор кучи, моли ва бутун борлиғини сарф қилишга тайёр эканидан ўзининг бу йўлда нуқсонга йўл қўювчи эканини мудом ҳис қилиб туради. Мана шу қалбий тавозе ҳамда қусур туйғуси банданинг уйқусини қочириб, уни муҳаббатнинг ҳақларини адо этиш учун кечаларини бедор ўтказишга ундайди. Бироқ шу билан бирга ўзига қўшиб яратилган заифликни билган мазкур банда Раббига бўлган севгисининг барча ҳақларини адо қилишга ожиз эканига иқрор бўлиб, ўзининг қусурга тўла арзимас бир зарра эканини эътироф этади.

Дарҳақиқат, инсоннинг Аллоҳнинг наздидаги даражасини белгилашда ўз юриш-туришининг илоҳий таклифлар ва шариат талабларига мувофиқлигидан келиб чиқиши билан илоҳий даргоҳдаги манзилини Аллоҳ таолога бўлган муҳаббатининг ҳақларини адо қилишдаги ҳолатига қараб чамалашнинг орасидаги фарқ айнан мана шу туйғуда намоён бўлади.

Биринчи ҳолатда ўзига юклатилган вожибларни адо этиб, ҳаромлардан четланган банда ўзини хотиржам сезиб, Аллоҳ таолонинг ҳузуридаги олий даражани умид қилади. Иккинчи ҳолатда эса банда Аллоҳга бўлган муҳаббатининг ҳақларини адо этиш унинг чекланган тоқат ва

қудратидан кўп ва олий эканини кўргани боис Раббига бўлган муҳаббатида ёлғончи эканини айтиб, ўз нафсини маломат қилади. Сўнг Раббисининг ҳақлари адосидаги ўз қусурлари сабабли Аллоҳ азза ва жалладан уялади.

Имом Шотибий раҳимахуллоҳ ўзининг “Мувафақот” асарида мазкур икки ҳолат орасидаги фарқ ҳақида қуйидагиларни ёзган:

“Биринчи (яъни, Аллоҳ таолога бўлган қурбати даражасини ундан талаб этилган ҳукмларни лозим тутиш даражасидан келиб чиқиб белгиловчи кишидаги) ҳолат ислом ва иймон талабларига уларга зиёда қилмаган ҳолда амал қилувчи мусулмоннинг ҳолидир. Иккинчи ҳолат эса хавф, умид ёки муҳаббат етовида амал қилувчи мўминнинг ҳолидир. Хавф чавандознинг қамчиси, умид туя етакловчининг хиргойиси, муҳаббат эса кемани манзил томон олиб борувчи тезкор оқим кабидир. Хавфдаги киши ўзи хавф қилаётган нарсадан ҳам оғирроқ ҳолатга тушиб қолмаслик илинжида жорий машаққатларга сабр қилади. Умидвор киши ҳам комил роҳат умидида тамомий чарчоқнинг машаққатига сабр этади. Бироқ, Раббисини севгучи банда маҳбубига бўлган шавқидан келиб чиқиб амал қилади. Шу сабабдан ҳам унинг учун ҳар қандай қийин осон, узоқ эса яқин бўлади. Муҳаббатнинг ҳақини адо

этиш ва неъматлар шукрига қоим бўлишда ўзини нуқсонли санагани боис ундаги қувват фоний бўлади”.¹

Демак, Аллоҳ азза ва жаллага бўлган муҳаббати бандага ўз нафсини кўз ўнгида кичрайтиб, унга Аллоҳга бўлган муҳаббатининг ҳақларида йўл қўйган камчиликлари ва бой берилган фурсатларни кўрсатар экан.

Муҳиб – Раббига муҳаббат қўйган банда бу ҳолатда Аллоҳ таолонинг розилигига олиб борувчи йўлда бораётган бошқа инсонларга назар солиб, уларнинг ҳар бирини ўзидан афзал, қусури кам деб кўради. Муҳибнинг ўзидан афзал кўрадиганлари сафида ҳатто унинг муридлари-ю шогирдлари ҳам бўлиши мумкин.

Шайх Аҳмад Рифоийнинг муҳаббатдаги ҳолати бунга яққол мисолдир. Шайх раҳматуллоҳи алайҳ атрофларини ўраб олган шогирдлари ва муридларини ўзларидан яхши эканлигини яқийн-ла иқроп этиб, шундай дер эдилар: “Эй жаноблар, мен шайх эмасман. Бу жамоанинг пешқадами ҳам эмасман. Воиз ҳам, муаллим ҳам эмасман. Агар Аллоҳ таолонинг халойиқларидан бирортасига шайхлик даъвосида бўлсам, Фиръавн ва Ҳомон билан ҳашр қилинганим бўлсин! Лекин, Раббимнинг раҳмати ме-

¹ “Мувафақот”, 2 жуз, 141-бет.

ни қуршаб олиб, мусулмонлардан бири бўлишни умид қиламан”.¹

У зот қаддасаллоҳу сирраҳу яна шундай деганлар: “Бу тоифанинг барча кишилари ва фақирлари мендан афзалдирлар. Мен ҳеч нарсага арзимайдиган бир Аҳмадгинаман, холос. Мен ҳеч ким эмасман”.²

Шу ўринда ҳурматли ўқувчидан мен юқорида келтирган мисолдаги маъноларни айрим шухратпараст сохта муршидлар Аллоҳнинг ҳамда халойиқ наздидаги даражасининг юқорилигини билдириб қўйиш ҳамда одамлар қалбидан жой олиш учун ишлатадиган ясама тавозега йўймасликларини сўрайман. Зеро, Аллоҳ таолога бўлган қалбдаги ҳақиқий муҳаббат оташи ўзига одамлар орасида шухрат қозониш учун кўз-кўз қилинадиган сохта тавозени сиғдирмайди. Шайх Аҳмад Рифоий раҳматуллоҳ алайҳнинг юқорида баён этилган ҳоллари эса нафсни эгаллаган раббоний муҳаббатнинг тарбиявий самараси намунасидир.

Буюк шайх Аҳмад Рифоий мисолида кўз ўнгимизда ниятида содиқ бўлган ҳақиқий мухлис муршидларнинг ҳоли гавдаланади. Дарҳақиқат, шайх Рифоий каби раббоний муршидларнинг

¹ Шайх Аҳмад Рифоийнинг “ал-Бурҳан ал-муайяд” китоби, 31-бет.

² Ўша манба, 32-бет.

маноқибларини ўрганиш орқали биз бугунги кунда иршод билан машғул бўлган кўплаб кишиларнинг ҳақиқий исломий тарбия йўлидан қанчалик узоқ эканликларини ҳам билиб оламиз. Бугуннинг аксарият муршидлари ҳолларига назар ташлаган одам уларда Аҳмад Рифоий ва бошқа раббоний уламо ҳамда валийларнинг ўз шоғирдлари ва муридларига нисбатан тутумларининг тамомила аксини кўради.

Улар насихат ва иршодларидан муридлари қалбига ўзларининг Аллоҳ таолонинг наздидаги олий мартабаларига оид яқийний ишончни жойлаштиришни ният қиладилар, холос. Улар бунинг учун турли воситаларни ишга соладилар. Айрим шайхларнинг муридларига қўлларини ўптиришлари, ўзи учун ўрниларидан туришга чақиришлари ва шу кабилар ушбу воситаларнинг энг хатарлиларидандир.

Аслида сохта пирларнинг бундан-да хатарли найранглари ҳам йўқ эмас. Уларнинг баъзилари ҳатто Аллоҳ таоло уларни муридларининг қалб сирлари, ўйлари, кўча-кўй ҳамда бозорлардаги ҳолатларидан ҳам воқиф қилганига ишонтирмақчи бўладилар. Бу каби нарсалар кўпроқ аёллар жамоаларига хосдир.

Мисол учун, аёл муршидлардан бири келишилган вақтда аёллардан иборат мурид ва шо-

гирдларининг олдига ваъз айтиш ёки дарс бериш мақсадида кириб келади. Аёллар қараб турганида муршида бирданига жазавога тушиб, юзига чанг сола кетади. Бу ҳол бир неча дақиқа давом этади. Сўнг у гўёки ўзига келган бўлиб, аёлларга қарата: “Мен мажлисингизда маъсиятлар асаридан ҳосил бўлган зулмат сояларини кўрдим!” деб хитоб қилади. Кейин эса кўрган ҳолатидан юраги сиқилиб, бу ерда бошқа қола олмаслигини айтади ва мажлисни тарк этади.

Қалблари ўз муршидлари Аллоҳ таолонинг ҳузуридан бўладиган илҳомга лойиқ эканига нисбатан тўлиқ ишонч билан суғорилган аёл-қизлар жамоаси эса бу воқеадан қаттиқ ҳаяжонга тушганларича ҳайрат ичида қоладилар. Бас, уларнинг ҳар бири ўзи қўл уриб унутган, ҳозиргина устозлари “кашф” этган маъсият ҳақида ўйлай кетади. Улардан бири аввалги кеча аҳли оиласи билан томоша қилган сериалда тўхтаса, бошқа бирининг гумони бир неча кун олдин бозордаги дўконда суҳбатлашишга тўғри келган сотувчи йигитга бориб тақалади. Учунчисининг шубҳаси эса қаҳвахонада дугонасини кутиш асносида бир неча дақиқа вақтини ўғирлаган бекорчи сафсаталарга тўла бемаъни рекламаларни нишонга олади...

Шундай қилиб, фараз қилган хаёллари аёлларни оғир бир руҳий ҳолатга солиб қўяди. Иш шу

даражага етиб борадики, ҳатто улардан айримлари руҳий изтироб ҳолатига – қаттиқ стрессга тушиб қоладилар.

Ўз муридлари ва шогирдлари билан шу каби ишларни қилаётган аёллар ҳақида нима деймиз?..

Бу каби хунук ҳолатлар Аллоҳ таолога бўлган ҳақиқий зорланиш ва холис бандалик йўлидан тойилиб, раббоний муҳаббатдан мосуво қалбни ағёрнинг муҳаббати эгаллаши оқибатида юзага келади.

Бундан ташқари, ўз нафси муҳаббатига мубтало бўлган муршидларнинг бу каби ишлари шогирд ва муридларнинг нафсларида ҳам турли хатарларнинг илдиз отишига сабаб бўлади. Муршид ўз муридларини нафсни назорат қилиш ва тергаб туришга чақиришда қанчалик муболаға этмасин, бу каби ношаръий воситалар қўллагани сабабидан уларнинг нафсларида асл мақсадга мутлақо дахли бўлмаган турли ҳолатлар юз бера бошлайди.

Келинг, бу каби тасарруфлар оқибатида пайдо бўлувчи турли салбий натижаларини бир четга суриб, муриднинг онгида уйғонувчи муршиднинг ғайбдан хабардор экани ҳақидаги хавфли хомхаёлга назар ташлайлик. Бунда муридлар ўз шайхларининг ғаройиб хатти-ҳаракатларини

ғайбдан хабардорлик, ички кечинмалар ва сирларни билиш ҳамда кўзларидаги парда кўтарилиб, уларга ҳақиқатлар кашф бўлиши дея таъвил этадилар.

Аслида эса бирорта валий, ҳатто пайғамбарлар ҳам охири ҳалокат бўлган башар ботинини билиш даъвосини қилмаганлар. Шундай экан, қачондан бери муршидлар муридларнинг ичларини билишни даъво қиладиган бўлиб қолдилар?

Ҳақиқий муршиднинг Аллоҳ таоло ҳақидаги маърифати ошиб, У Зот азза ва жаллага қурбат ҳосил қилиши зиёдалашгани сайин унинг ўз нафсини айблаши ва қусурларининг оқибатидан бўлган қўрқуви ҳам ортиб боради. У Аллоҳ таоло томонидан ўзига бўлаётган икромни муридларининг баракасидан, тойилиш ва тангликларни эса ҳолининг ёмонлигидан деб билади. Иршодни эса имтиёз эмас, балки Аллоҳ таоло унга юклаб қўйган вазифа деб билади. Зеро, иршодни Аллоҳ ҳузурида бошқалардан ўзини ажратиб турадиган имтиёз деб қабул қилиш қаттиқ адашувдан бошқа нарса эмас. Бундай гумон ботил, балки эгасини ҳалок қилувчи улкан хатодир!

Даъват Аллоҳ таоло Ўзи истаган бандасини вазифалантирадиган масъулиятли ишдир. Баъзида Аллоҳ таоло бандани синаш учун ҳам уни даъват ишига қоим қилиб қўяди. Аксарият ҳол-

ларда мазкур вазифадан одамларга насихат бўлишидан кўра кўпроқ ушбу ишга тайинланган муршиднинг ўзини тарбиялаш мақсад қилинган бўлади. Қанчадан-қанча муршидлар борки улар иршод фитнасига учиб, залолатга кетадилар, бироқ уларнинг илоҳий иноятга ноил бўлган муридлари ақллари ҳақ маърифатини идрок этиб, қалблари раббоний муҳаббатга очилгани боис ҳидоят топадилар. Камина қиёмат кунида Аллоҳ таоло муридларининг шафоатларига ноил қилувчи муршидларнинг бўлишига шубҳа қилмайман.

Ихлослари, солиҳликлари ва истиқоматларига тарих гувоҳлик берган раббоний муршидларнинг таржимаи ҳолларини ўрганар эканман, фақир нафсни инкор этиш, ўзларини қусурли санаш боис ғамга чўмиш ҳамда хунук хотимадан кўрқиш ҳисларининг уларнинг ҳар бири учун хос эканига амин бўлдим.

Шайх Абдулқодир Жилоний раҳматуллоҳи алайҳнинг таржимаи ҳолларини ўқиб, ажиб бир ривоятга кўзим тушди. Унга кўра, одамлардан бири Жилоний ҳазратларини Каъбанинг мултазамида каъбапўшга осилиб, Аллоҳ таолога шундай дуо қилаётганларига гувоҳ бўлган экан: “Аллоҳим, агар қиёмат куни мени мағфират қилмайдиган бўлсанг у ҳолда мени кўр ҳолимда ҳашр

қилгин. Токи бугун менинг зоҳиримга алданиб, мен ҳақимда яхши гумон қилиб юрганларни ўша Кунда кўзим кўрмасин!”

Раббоний муҳаббатнинг Аллоҳ таолога даъват қилиш йўлидаги биринчи самараси мана шундан иборатдир. Дарҳақиқат, бу Аллоҳ таолонинг йўлига чақиришда улкан тарбиявий таъсир ҳамда катта аҳамиятга эга бўлган бир самарадир. Мазкур самара ва унинг аҳамиятини қалби Раббисига бўлган муҳаббатнинг завқи-ни татиб кўрмаганлардан бошқа ҳеч ким инкор қилмайди.

Иккинчи самара

Аллоҳ азза ва жаллага бўлган муҳаббатнинг (Аллоҳ таолонинг динига чақириш ва уни танитишда кўпроқ тажаллий этувчи) иккинчи самараси бу жамики бандаларга нисбатан одоб кўрсатиш ва уларга нисбатан муҳаббат туйишдир.

Шу ўринда азиз ўқувчида “Аллоҳ таоло ва Унинг Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтирганларга нисбатан одоб кўрсатиш ҳамда муҳаббатли бўлишга ундовчи омиллар-ку равшан ва тушунарли. Лекин иши мусулмонларга адоват қилиш ҳамда ислом ҳақиқатларини шубҳа остига олишдан иборат бўлган кофир ва

худосизларга нисбатан қандай қилиб муҳаббат қилиш мумкин?” деган савол туғилса ажаб эмас.

Мазкур саволнинг жавоби аввалги мавзулардан бирида айтиб ўтганим осий шахс билан қанчалик хатарли ва улкан бўлмасин, унинг маъсияти орасини фарқлаш масаласига бориб тақалади. Маъсиятни ёмон кўриш, унинг оқибатидан огоҳлантириш ҳамда ундан қайтариш шубҳасиз вожиб ишдир. Аммо ўша маъсият либоси билан ўраниб олган шахсга ачиниш ва шафқат туйишдан эса қайтарилмайди, балки бу талаб этилган ишдир. Шафқат ва ачиниш эса муҳаббатнинг ҳосиласидир. Зеро, киши яхши кўрмаганига нисбатан шафқат ҳиссини туя олмайди.

Китоб ва суннатда бунинг кўплаб далиллари келган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Биронтангиз то ўзи учун яхши кўрган нарсани биродари учун ҳам яхши кўрмагунича мўмин бўлолмайди”**, деган ҳадислари энг равшан далилдир. Эътибор берилса, ривоятдаги биродарлик “мўмин биродарига”, деб қайдланмасдан умумий тарзда келган. Бундан ҳадисда нафақат дин биродарлиги, балки инсоний биродарлик ҳам назарда тутилгани келиб чиқади. Муҳаббатнинг энг олий кўриниши эса айнан биродарликда намоён бўлади. Маълумки киши хайру

саодатни фақат ўзи яхши кўрган инсонгагина раво кўра олади. Инсоннинг ўзидаги яхшиликни бошқага ҳам етишини исташи ва бунинг рўёби йўлида ҳаракат қилиши эса фақатгина муҳаббатдан келиб чиқади.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “**Дин-насиҳатдир**”, деган муборак ҳадислари ҳам ушбу маъноларга далолат қилади. Ушбу ҳадиснинг давомида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам насиҳатнинг мусулмонларнинг бошлиқлари ва оммасига йўналтирилишини айтганлар.

Яна бир далил шундан иборатки, Аллоҳ таолога бўлган чин муҳаббати инсонга У Зот азза ва жаллага бандалик жиҳатидан мансуб бўлган ҳар бир яратикнинг муҳаббатини ҳам лозим этади.

Маълумки, ким бўлишидан қатъи назар инсон наслига мансуб ҳар бир шахс Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога бандалик нуқтаи назаридан ҳурмат ва эъзозга лойиқдир. Демак, ўз-ўзидан Раббисига бўлган муҳаббатида ростгўй бўлган ҳар бир инсон Аллоҳ таолонинг бандалари бўлган бошқа одамларга ҳам муҳаббатли бўлмоғи лозим.

Ахир бирон шахсни ҳақиқий муҳаббат-ла севган киши ўша маҳбубига алоқадор бўлган барча инсонлар ҳамда нарсаларни ҳам яхши кўрмайдими?! Албатта, яхши кўради. Киши бунинг тили билан иқрор этмаган тақдирда ҳам ҳис-туйғу

ва хатти-ҳаракатлари шунга далолат қилиб туради.

Лайлининг ошиғи мажнун Қайс Омирийнинг ҳолига бир назар ташлайлик-а! Муҳаббат аланга-сида қовурилган қалби Қайсга Лайли билан боғлиқ ҳар ким ва ҳар нарсани, ҳатто Лайли юрадиган кўчаларни, у яшайдиган ҳовлини ҳам севдирди. Қайс айтади:

*Гар мен ғариб кезар
бўлсам Лайлимнинг диёрларин,
Кўзга суртиб, ўпгайдирман
унинг уйин деворларин.
Йўйманг диёр севгисига
мендаги чин муҳаббатни,
Лек, айлади фақирни ошиқ
диёр ичра бир нозанин.*

Агар кимдир “Банданинг Аллоҳ таолога нисбатан муҳаббатини Қайснинг Лайлига бўлган севгисига қиёс қилиб бўлар эканми?” деб эътироз қилса, айтамикки, маҳбуб ким бўлишидан қатъи назар муҳаббат ўз зоти ва жавҳарига кўра бир хилдир. Шунга кўра инсоннинг ўзи каби бошқа бир инсонга бўлган севгисининг асарлари айни вақтда банданинг Аллоҳ азза ва жаллага нисбатан муҳаббатининг асарлари ҳамдир.

Масалан, инсон ўзи севган инсонни тилидан қўймай ҳамиша зикр қилади ва бундан роҳат туяди. Худди шунга ўхшаб, Аллоҳ таолога муҳаббат қўйган банда ҳам Раббисини тинмай зикр қилади, У Зот зикр қилинадиган мажлисларни лозим тутиб, бундан роҳат топади. Қуйидаги мисраларни айтган Ибн Форизни Аллоҳ раҳматига олсин:

Мен севганнинг зикрин айлаб, безар хаёлим,
Муаллақдир маҳбуб зикрига жону ҳаётим.

Муҳаббатнинг яна бир асари шундан иборатки, инсон ўз маҳбубининг амрига итоат қилади, чақириғига ижобат этади. Худди шу сингари инсоннинг Аллоҳ таолони амрларига итоат этиб, чақириғига жавоб бериши ҳам ундаги илоҳий муҳаббатнинг энг ёрқин аломатларидандир.

Инсон маҳбубига мансуб бўлганлар ва унга талпинувчилар билан алоқа ўрнатиш пайдан бўлади. Аллоҳ жалла зикруҳунинг муҳаббати ҳам шундайдир. Қалбида Аллоҳ таолога муҳаббати бор мўмин У Зотга қуллари ўлароқ нисбат берилган, Ўз “қўл”и билан яратиб, ҳузуридан рух пуфлаган барча инсонларни яхши кўради, уларга фақат яхшилик соғинади.

Ўз навбатида инсониятни яхши кўриш улар билан муомалада одоб, лутф ва мулойимликнинг шиор қилиб олинишини тақозо этади. Зеро, ки-

шининг бугун ўзидан қуйи поғонада бўлган биродари охир-оқибатда ундан афзал даражага етса, ажаб эмас. Аллоҳ таборака ва таоло ҳам элчиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни хоҳ мушриклар билан, хоҳ бошқалар билан бўлсин, қавмга муомала қилишда мулойимликни лозим тутишга чақирган.¹ Аллоҳ таоло айтади:

فِيمَا رَحِمَهُ مِنَ اللَّهِ إِنَّتَ لَهُمْ وَلَوْ كُنْتَ فَظًّا غَلِيظَ الْقَلْبِ
لَأَنْفَضُوا مِنْ حَوْلِكَ

“Аллоҳнинг раҳмати ила уларга мулойим бўлдинг. Агар қўпол, қалби қаттиқ бўлганингда, атрофингдан тарқаб кетар эдилар”
(Оли Имрон, 159-оят).

Таъкидлаш лозимки, инсонларни яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтариш уларга бўлган муҳаббатга зид келмайди. Балки вазият тақозо этган пайтларда бу икки ишга зудлик билан киришишнинг ўзи ҳам инсонларга бўлган муҳаббатнинг белгиларидан саналади. Бироқ одамларга амри маъруф ва наҳйи мункар қилишни нафсларидаги гина олови учун манфаат ҳамда ичларини кемираётган иллатлари учун малҳам

¹ Ўзгалар билан муомалада одобни лозим тутишга оид мазкур васф Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақларида эмас, билингки биз кабиларга оиддир. Зеро, бошқаларнинг хотимада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан афзал мақомга эришиши фараз ҳам қилинмайди.

қилиб олиш пайдан бўлган сохта насиҳатчилар бундан мустаснодирлар. Зеро, уларнинг барча амри маъруф ва наҳйи мункарлари қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузуридаги ўзларининг зарарларига ҳужжат бўлади, холос.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак сийратларини ўрганган киши у зотнинг мушриклар, ҳатто адоват аҳли билан қилган ўта гўзал ва ҳикматга тўла муомалаларига гувоҳ бўлади.

Биргина саркаш Тоиф аҳлига нисбатан қилган муносабатларининг ўзи ҳам қиёматгача келадиган инсонларга ибрат учун кифоядир. Ўшанда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Тоифдан қайтишда уни қамал қилган йигирма нафар саҳобийнинг: “Эй Расулуллоҳ, Сақифни дуойи бад қилинг!” деган сўровларига жавобан икки қўлларини кўтариб: **“Аллоҳим, Сақифни ҳидоят қил ва уларни келтир!”** деб Тоиф аҳлининг зиддига эмас, балки фойдасига дуо қилган эдилар.

Бошқа бир сафар ғазотдан қайтишда дам олишга тўхталганида дарахт остида ухлаб ётган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қиличларини муборак бошлари узра яланғочлаб турган мушрикка қилинган муносабатда ҳам буюк бир олижаноблик, раҳмат ва шафқатнинг намуналари мавжуд. Кўзларини очган

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тепаларида у зотнинг қиличларини кўтариб турган бир аъробийни кўрадилар. Шунда аъробий Набийни муҳтарам алайҳиссаломга қарата: “Сени мендан ким кутқаради, эй Муҳаммад?” деб хитоб қилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: “**Аллоҳ!**” деб жавоб берадилар. Шунда ҳалиги мушрикни чакмоқ ургандек бўлиб, кўлидаги қилич ерга тушиб кетади ва ўзи бемажол ҳолда ерга ўтириб қолади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса ўша мушрикни афв этадилар ва қавмига етиб олиши учун қўйиб юбордилар.¹

Ёки бўлмасам Макка фатҳи куни йиллар давомида у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳамда мусулмонларга душманлик қилиб келган бутун шаҳар аҳлини омматан кечириб юборишлари, у зотни заҳарламоқчи бўлган яҳудий аёлни афв этишлари каби воқеаларни олайлик. Одамларнинг душманликлари, ширку куфрлари, исёну фужурларига қарамасдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уларни афв этишлари, уларга бағрикенглик билан муомала қилишлари у зотдаги бутун башариятга бўлган муҳаббат, раҳмат ва лутфнинг далиллари эмасми?!

¹ Саҳиҳи Бухорий 5/25. Бу ҳодиса Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Зотуриқоъ газотидан қайтаётганларида содир бўлган.

Учинчи самара

Инсоннинг ўз Яратувчиси ва Хожасига бўлган муҳаббатининг учинчи самараси бошқаларга ҳақ динни танитиш ва уларни Аллоҳ таолонинг йўлига чақириш йўлида кишининг ўз нафси улусидан воз кечиб, ушбу буюк вазифага оид ишларидан ўзи ва дунёси учун фойда жалб қилишни кўзламасликда намоён бўлади.

Бунда мўмин ўзини Аллоҳ азза ва жалладан одамларга динни танитиш ва уни севдириш вазифасини олган хизматчи сифатида кўради. У Аллоҳнинг динини ҳимоя этиш ҳамда одамлар учун у томон йўл очиб, ҳидоят сари етаклашда ўзининг бор кучи, барча моддий ва маънавий имкониятларини сарфлайди.

Аллоҳ таолога бўлган содиқ муҳаббат билан даъватдан шахсий манфаатлар ва дунёвий фойдаларни қўлга киритишга бўлган қасднинг бир жойда жам бўлиши маҳолдир. Чунки бу иккиси бир-бирига зид нарсалар бўлиб, бири бор пайтда иккинчиси ғойиб бўлади.

Дарҳақиқат, Аллоҳ азза ва жалланинг муҳаббатига тўлган қалб даъват ишидан шахсий манфаат йўлида фойдаланиш имконини қидириш у ёқда турсин, ҳатто дунё ва унинг сабабларидан

зарра миқдорича зиёдаликка бўлган рағбатни ҳам ўзига сиғдирмайди.

Бас, шундай экан, даъват фаолиятидан манфаат топиш пайидан бўлиб, уни ўзи ҳимоя қиладиган сиёсий маслак учун дастак ёки ризқ манбаи қилиб олган инсонни кўрганимизда унинг Аллоҳ таолодан чалғиб, ўз дунёвий рағбатлари ва орзулари билан овора бўлиб қолгани ҳақида бемалол хулоса қилишимиз мумкин бўлади. У исломнинг ҳимоясига бўлган ғайратини ҳаммага кўз-кўз қилиб, шариат ва унинг ҳукмларини муҳофаза қилиш ҳақида одамлар олдида қанчалар куйиб-пишмасин, унинг бу саъй-ҳаракатларида Аллоҳ таолога бўлган ихлос ва муҳаббат эмас, балки даъват ниқоби остига яширилган шаҳватлари ундаётган бўлади, холос. Уларнинг ҳамма уринишлари бекор кетади ва кўтаринки хитобларию ваъз-насиҳатларига нишон бўлганларнинг бирортаси ҳидоят томон бир қадам ҳам силжимайди.

Чунки ҳидоят учқунларини қалбларга сочувчи даъватчининг тили эмас, балки ҳолидир. Ҳикмат ва гўзал мавъизани нутқ қилаётган тил билан Аллоҳнинг динига мувофиқ келувчи ҳол жамланганда эса Раҳмон аzza ва жалла Ўз Китобида мадҳ этган холис даъват аҳлининг сифати

намоён бўлади. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло шундай марҳамат қилади:

وَمَنْ أَحْسَنُ قَوْلًا مِّمَّنْ دَعَا إِلَى اللَّهِ وَعَمِلَ صَالِحًا وَقَالَ
إِنِّي مِنَ الْمُسْلِمِينَ ﴿٣٣﴾

“Аллоҳга даъват қилган, солиҳ амалларни қилган ва “Албатта, мен мусулмонларданман!” деган, кишидан ҳам гўзал сўзли ким бор?!” (Фуссилат, 33-оят.)

Аллоҳ таоло мазкур ояти каримада ўзида икки сифат: инсонларни Аллоҳ таолога чақириш ва солиҳ амаллар қилишни жам этган бандаларининг сўзлари каломларнинг энг гўзали ва фойдалиси эканини хабар бермоқда.

Хулоса қиладиган бўлсак, қалби Аллоҳ таолонинг муҳаббати билан порлаш бахтига муяссар бўлган банда ҳар дам ушбу раббоний севги далилларини изҳор қилиши лозим. Чунки инсон ўз кечинмаларини маҳбубига билдирибгина қалбидаги муҳаббат оташидан роҳат топиб, завқ туюди. У чин муҳаббати йўлида маҳбуби учун бор кучи, моли ва ҳатто жонини бахшида қилади, маҳбубининг розилиги йўлида ҳамма нарсасини қурбон қилишга тайёр туради. Шу билан бирга муҳаббат бўстонида сайр этиш бахтини қўлга киритишлари учун бошқаларни ҳам Аллоҳ тао-

лога чақиради, халойиққа У Зотнинг дини мубинини танитиб, адашганларнинг қалбига ҳидоят учқунларини олиб киришга ҳаракат қилади. Аллоҳ таолога бўлган содиқ муҳаббатини изҳор этиш мақсадида ўз нафсини роҳати, хавфсизлиги, тоқати ва молини қурбон этиш сабабларига тутиб беради, бу йўлда эл ичидаги обрўси, қавми ва яқинлари орасидаги нуфузига халал етишидан ҳам чўчимайди.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратларига назар ташлаган киши у зотнинг Аллоҳ таолонинг динини таратиш, одамларни саодат ва ҳидоят йўлига олиб чиқиш йўлида барча куч-қувват ва молларини сарф этиб, роҳатлардан воз кечган даъват аҳлининг пешқадами эканликларига ишонч ҳосил қилади. Буларнинг бари у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Раббиларига бўлган буюк иймонлари ва муҳаббатларининг далиллари дир.

ХОТИМА

Шубҳасиз муҳаббат, айниқса, банданинг Аллоҳ таолога ва У Зот азда ва жалланинг бандаларига нисбатан муҳаббати бир қанча ирмоқларга эга бўлган улкан мавзу ҳисобланади. Азиз китобхон бунинг баёини ўтган масалаларни ўрганиш давомида англаб олган бўлсалар, ажаб эмас.

Китобхон оламлар Парвардигорига бўлган муҳаббатдан сўз юритувчи мазкур ўта муҳим мавзу борасида ўз виждони билан суҳбат қуришидан умидвор ҳолимизда рисолага шу ерга келганда ниҳоя ясашни истадик. Шояд азиз ўқувчи муҳаббатдан ғофил ҳолларида фақатгина ақлий иймонга суяниб иш кўрувчилар ёхуд яқийний иймоннинг илмий ва ақлий далиллари ҳамда шаръий ҳукмлар маърифатидан беҳабар қолиб, муҳаббатнинг ўзигагина таянувчилардан бўлиб қолишдан сақланиб, шу иккисининг ўртасидаги тўғри мўътадил йўлни тутишга муваффақ қилинганлардан бўлса.

Зеро, ушбу қудсий муҳаббат томон иқбол қилиб, унга етишиш йўлида жидду жаҳд қилган банда борки, ўзида мазкур илоҳий севгининг дунёнинг барча шодликларидан ҳам устун ту-

рувчи ўзгача бир лаззатини, албатта, ҳис этади. Балки қалбда туйилган ушбу лаззат бандага бошқалар билан сўзлашиш ва муомала қилишда ўзлигини унуттириб қўядиган даражадаги мастлик етишига сабаб бўлар. Эҳтимол ягона илоҳга бўлган ушбу муҳаббат бандани фақат жисми тотадиган, ўзига етган улкан маънавий неъматдан файзиёб бўлган руҳи эса сезмайдиган ўзгача бир азобга дучор этар. Зеро, банда ҳис қиладиган руҳий лаззат ва хотиржамлик унга жисмоний азобни унуттириши айни ҳақиқатдир. Бунда иш маълум даражага етиб, ҳатто жисм ҳалок бўлиши ҳам мумкин. Тарихда Аллоҳга бўлган муҳаббатларидан руҳлари туйган лаззат сабабидан жисмларига етган азобларни хурсандчилик билан қабул қилган ошиқлар кўп ўтган. Шу боис ҳам муҳаббат аҳли севгининг бор лаззати унинг азобида эканини таъкидлайдилар. Шоир айтади:

*Гар киши ишқ азобин неъмат билмабди,
Муҳаббат иддаосида ростгўй бўлмабди.*

Маҳбуб ким эканидан қатъи назар, кирликларидан холи соф муҳаббатнинг қонунияти шудир. Қалбига ҳақиқий муҳаббат кирган кимса борки, унинг ширин азобини тотмай қўймайди. Ҳатто муҳаббатнинг тарк этилиши исталмайди-

ган ушбу азоби кишини ўлимга ҳам олиб бориши мумкин.

Шундай экан, банда охири надомат ва йўқотиш бўлган ўткинчи севгидан эҳтиёт бўлиб, муҳаббати йўлида тотилган азобларни ўз муҳаббати нури билан мукофотлайдиган ва Ўзини севганга абадий ҳаёт берадиган Зот – ҳамиша тирик Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога муҳаббат қўймоғи керак.

Инсон севгиси йўлида ҳалок бўлгани учун унга ажру мукофот беришга қудрати етмайдиганларга муҳаббат қўйиб, охири фақатгина надомат аччиғидан иборат зиёнга тўла танг ҳаёт эгаси бўлиб қолишдан эҳтиёт бўлмоғи лозим.

Ўз муҳаббатини ўша муҳаббатни унга ато этган Зот учун бағишлаган инсон эса улкан саодат қучади. Ушбу буюк муҳаббат ҳидоят, иймон, эҳсон, фазл, раҳмат ва энг аъло даражадаги абадий роҳатдан иборатдир.

Демак, Аллоҳ таолога бўлган муҳаббатда ҳаддан ошиш тасаввур этилмайди. Банданинг Раббисига бўлган муҳаббатини чегараламоқчи бўлиб, унга маълум ҳадни белгилаган киши қаттиқ адашади. Бу ҳолат ақли ноқис банданинг Аллоҳ таолонинг инсонга бўлган эҳсони ва неъматларини чегараси бор деб ўйлаб, унинг муқобилида У Зотга бўладиган муҳаббат маълум ҳадга эга

бўлиши лозим, деган ботил тахминидан келиб чиқади. Раббисини таниб, Унинг фазлини идрок этган ақл эгаси эса бундай аҳмоқона хатога йўл қўймайди.

Тўғри, муҳаббати туғёнга айланиб, ўзини ша-рият ҳукмлари риоясидан тўсиб қўйишидан ҳар бир банда эҳтиёт бўлмоғи шарт. Лекин, бу дегани Аллоҳ таолога бўлган саҳиҳ муҳаббатни чега-ралаш мумкин, дегани эмас.

Бундан кўп йиллар олдин Аллоҳ таолога бўлган муҳаббатлари одамларнинг ҳолларига назар солиш, улар билан суҳбат қуриш ҳамда муо-мала қилишдан тўсиб, узлатга чекинишларига са-баб бўлган инсонлардан бири отам раҳимаҳул-лоҳ ташкил қилган кечаларнинг бирига ташриф буюрди. Мажлис ниҳоялаб, ҳамма ўз манзилига тарқагач, ҳалиги киши отамга ўз ҳоли ва шавқи-ни ҳикоя қила бошлади. Отам уни худди шогирд устозининг сўзларига қулоқ солгани каби тамо-мий одоб ва эҳтимом билан тингладилар. У зот падари бузрукворим билан хайрлашиб кетиш-га чоғланганда мен у кишини кузатиб чиқдим ва: “Аллоҳга дуо қилинг, мени ҳам сизга берган неъмат билан икром қилсин”, деб дуо сўрадим. Шунда валий зот: “Нега бундай дуо қилишимни сўраяпсан? Агар сенга ижобат қилинса, одамлар

ичидан сени тушунадиган биронта жонни тополмайсан”, деди.

У киши юқоридаги сўзлари орқали менга Аллоҳ азза ва жалла билан тааллуқлари ва қалбларини эгаллаган раббоний муҳаббатнинг шавқидан ўзларига етган сармаст (сукр)лик сабабли маъзур эканликларини билдирдилар. Шу билан бирга у зот мазкур икки жумлалари орқали мен ва мен кабилар ўзлари учун битилган ҳушёрлик ҳолига рози бўлиб, саҳиҳ ақида ва шаръий ҳукмларни маҳқам тутишимиз ҳамда бошқаларни ҳам шунга чақиришимиз лозимлигини дарс бердилар.

Шубҳасиз, у зотнинг мазкур насихатлари мен умрим давомида олган энг нодир маслаҳат эди.

Камина ушбу китоб мавзусини ниҳоялар эканман, сиз азизлар ҳам, ўзим ҳам ҳали етмаган олий бир даража ҳақида баҳс юритаётганимни, ҳали ичишга муяссар бўлмаган шаробимнинг васфига киришганимни тўла эътироф этаман.

Шу боис, Аллоҳ таолодан мени ҳам, сиз азиз муҳтарамларни ҳам илоҳий муҳаббатнинг ширин азобидан баҳраманд этишини ва уни Ўзига олиб борувчи йўлимизнинг чироғи қилишини илтижо қиламан. Раббимиз барчамизни ёмон-

ликка буюрувчи нафсларимизнинг рағбатларини шаҳватларимиз ёмонликларидан асрасин.

Батаҳқиқ, Аллоҳ таолонинг йўлидаги саботга фақат У Зотнинг зикрини кўпайтириш ва Унинг лутфу неъматлари тафаккурига ғарқ бўлиш билангина эришилади. Шунга муваффақ қилинсагина нафсларимиздаги дунёга бўлган муҳаббатдан қутулиб, унинг барча қутқуларидан фориғ бўламиз ва қалбларимизни илоҳий муҳаббат ҳукмига топшираемиз. Натижада Маҳбубимизни рози қилиш ҳамда У Зот аzza ва жалланинг бизларга бўлган муҳаббати ва эҳсонининг зиёдалашиши йўлида дуч келинадиган машаққатларга сабр этишимиз осонлашади. Бундан ташқари, Аллоҳ таолога бўлган тоат-ибодатларимизда ихлос ва ҳаловат билан неъматлантириламиз ҳамда бошқаларни ҳам У Зотнинг динига чақиришда бизларга тавфиқ берилади.

Фақир аввало ўзимни, сўнг сиз азизларни Аллоҳ таоло учун яхши кўришни Унинг бандалари билан бўладиган алоқаларимизнинг асоси қилиб олишга чақираман. Зеро, шундагина биз мўминлар тоат аҳлининг ҳурмати жойга қўйиб, осийларга шафқат ва раҳматни изҳор этган суюкли бандалар сафидан жой оламиз, иншааллоҳ. Ва энг асосийси биз бу билан саййидимиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муҳо-

рак йўллари ни тутган бўламиз. У зот алайҳиссаломнинг йўллари ни тутганлар эса асло бахтсиз бўлмайдилар.

Сўнг ўзимни ва сиз қадрдонларни Аллоҳ таолога бўлган синиқлик ила йўғирилган бандалигимизни У Зот азза ва жалланинг муҳаббати билан жам қилишга чақираман. Токи барчамизга ҳавои нафс томон оғмай, Раббимизнинг шариатини ундаги кенгни тор, равшанни мавҳум этмасдан лозим тутиш, У Зот субҳанаҳу ва таолонинг ҳукмини бошқа нарсага алмаштирмай, жамиятларимизни Ўзи рози бўладиган ҳукм ила саодатманд этиш насиб этсин. Зеро, Раббимизнинг ҳукмигина саодат, ундан бошқаси танглик, Унинг ҳукмигина башарият орасида муҳаббат ва хотиржамлик тарқалишининг асоси, ундан бошқаси эса адоват ва таназзулнинг сабабидир.

Агар бирор сабабга кўра ўз ҳаққимизда ёки жамиятимиз ҳаққидаги Аллоҳ таолонинг амр ва ҳукмларидан бирортасини бажаришдан ожиз қолсак, ҳавои нафсимизга мағлуб бўлганимиз ёки ички ва ташқи омиллар сабабли қусурга йўл қўйганимизни эътироф этган ҳолимизда Аллоҳ таолодан мағфиратини умид қилишимиз лозим бўлади. Шояд, шунда меҳрибон Раббимиз биз қосирларни афв этиб, гуноҳларимиздан ўтиб юборса. Зинҳор-базинҳор ўз қусурларимиз ва хатола-

римиз учун баҳона қидирмаслигимиз, уларни оқлаб, сафсата сотмаслигимиз керак. Зеро, маъсиятда бардавом бўлиб, уни оқлаш учун турли сабаб ва баҳоналар ахтариш ўша маъсиятнинг ўзидан ҳам ёмонроқдир.

Ўз исёни ва абгор ҳолини эътироф этиб, Аллоҳ азза ва жалладан мағфират умид қилган қанчадан-қанча осийлар борки, улар Аллоҳ таолонинг афвига эришганлар.

Бироқ камина қилган маъсиятидан ғурур туйгани ҳолда Раббига йўлиқиб, Унинг мағфирати ва раҳматига эришган бирорта осий борлигини билмайман. Ҳа, Аллоҳ таоло Куръонида айтиб қўйган қатъий ҳукмига хилоф ўлароқ гуноҳи билан фахрланадиган мутакаббирнинг гуноҳидан асло ўтиб юбормайди.

Сўзимнинг охирида шуни айтмоқчиманки, камина мазкур китобни ёзиш ва унинг мавзусида тафаккур этишни муҳаббат билан бошлаган эдим. Мана энди унинг ниҳоясига ҳам муҳаббат билан якун ясаш арафасида турибман.

Ушбу севги сафарининг сўнггида яна бир бор муҳаббат ҳақида сўз очмоқчиман. Бироқ эндиги сўз дунёвий кирликлар аралашган, шахват асирлигидан эзилган оддий башарий севги ҳақида эмас, балки муҳаббатнинг яратувчиси ва манбаси бўлган зотнинг муҳаббати борасида бўлади. У

ҳам бўлса оламлар парвардигори Аллоҳ азза ва жаллага бўлган муҳаббатдир!

Дарҳақиқат, бугун аксар инсонлар сура-ту шакллар севгисининг қоронғу водийларида сарсондирлар. Қўлингизда турган ушбу китобни таълиф этишдан кўзлаган мақсадим ҳам аслида сурат ва шаклларга ошиқ бўлиб қолишдан сақланиб, ўша сурату шаклларни яратган Зотга муҳаббат қилиш сабабларини сиз азизлар билан баҳам кўришдан иборат эди.

Зеро, сурат ва шакллар кўзларимизга қанчалик гўзал, керак ва жимжимадор бўлиб кўринмасин, улар шунчаки неъматлар, холос. Яхши кўрилишга эса неъматлар эмас, балки ўша неъматларни бизга ато этган Зот лойиқдир.

Кун келиб ўзимиз боғланиб қолган ўша сура-ту шакллардан ажраб, барчамиз ёлғиз ҳолимизда Аллоҳ таолонинг ҳузурига боришимизни яхши биламиз. Шундай экан, ҳузурида абадий қолинадиган боқий Муҳсин зотни қўйиб, тезда завол топадиган фоний нарсаларга муҳаббат қўйиш оқилнинг иши бўладими?!

Бас, эй биродарим, эй синглим, эй диндошим! Бор муҳаббатингни уни сенга ато этган Раббинг учун қил! Ва шуни билгинки, бугун сенда бор неъматларнинг энг буюги Аллоҳ таолони танишинг ва унга бандалик қилишингдир. Эр-

та қиёматда эришадиганинг энг буюк неъмат эса Холиқ азза ва жалланинг юзига назар солишингдир.

Шундай экан, бугун ва эртанинг энг буюк неъматларидан махрум бўлиб қолишдан ҳушёр бўл! Албатта, эрта тезда келувчи ва кутувчисига яқиндир.

Валҳамду лиллааҳи Роббил ғааламийн.

**1430 йил, 18 ражаб, 2009 йил
10 июнь, Анқара**

МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	3
Китоб ҳақида сўз	6
Аллоҳ таолонинг инсонга муҳаббати	11

ҚУРЪОНИ КАРИМДА МУҲАББАТ

Муҳаббат ўзи нима?	18
Аллоҳ таолонинг инсонга бўлган муҳаббати натижаси.....	23
Инсоннинг Аллоҳга муҳаббати.....	38
Инсоннинг Аллоҳга бўлган қадим муҳаббатининг Қуръоний баёни	39
Инсоннинг Аллоҳга бўлган касбий муҳаббатининг Қуръоний баёни	50
Мазкур муҳаббатни касб этиш йўли.....	57
Аллоҳ таолога бўлган муҳаббатнинг самараси.....	64
Банданинг Раббисига бўлган муҳаббати восита эмас, мақсаддир	69
Маъсият қилмаслик Аллоҳга бўлган муҳаббатнинг шартлариданми?.....	73
Инсоннинг инсонга муҳаббати.....	83

Инсоннинг инсонга нисбатан муҳаббати – Аллоҳга бўлган муҳаббатнинг самарасидир	95
Инсоннинг дунё матоҳига бўлган муҳаббати	106

МУҲАББАТНИНГ ИНСОН ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ

Икки таркибий қисмдан иборат инсон.....	122
Ақл ва ҳиссиётнинг инсон юриш-туришида акс этиши	125
Ақл иймоннинг, муҳаббат эса итоатнинг асосидир	135
Ақлнинг ўзига суяниш офати.....	146
Муҳаббатнинг ўзига суяниш офати	152
Муҳаббатнинг исломга чақириш ва уни танитишдаги ўрни	160
Раббоний муҳаббатнинг Аллоҳга даъват йўлидаги самаралари.....	173
Биринчи самара.....	173
Иккинчи самара	183
Учинчи самара	191
Хотима	195

محمد سعيد رمضان البوطي

МУҲАММАД САВИД
РАМАЗОН БУТИЙ

الْحُبُّ فِي الْقُرْآنِ

ودور الحب في حياة الانسان

ҚУРЪОНДА

муҳаббат ва унинг

ИНСОН

ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ

Лойиҳа раҳбари: Илёсбек Турсунов
Масъул муҳаррир: Жамшид Шодиев
Муҳаррир: Воҳид Аҳмад
Бадий муҳаррир: Юсуф Исломов
Мусаҳҳиҳа: Доно Тўйчиева
Саҳифаловчи: Абдумалик Жўрақулов

**“Book Media Shop” МЧЖ қошидаги
“Munir” нашриёти**

Тасдиқнома: № 4893
100002. Тошкент шаҳар,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 44-уй.

Адади: 10 000 нусха.
Босишга берилди: 27.07.2022.
Бичими: 84x108 мм.
Нашр босма табок: 5,11.
Шартли босма табок: 10,92.
Буюртма рақами: 22-065.

Босмахона манзили:

“Book Media Nashr” МЧЖда chop этилди.
Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Чилонзор 14-мавзе, 32а уй.

“Book Media Shop” МЧЖ корхонасининг буюртмаси асосида тайёрланган
Copyright © 2022 “Book Media Shop” МЧЖ. Барча ҳуқуқлар ҳимoyalangan.

ИНТЕРНЕТ ДУКОН:


 MUNIR-NASHRIYOT.UZ

 @MUNIRMARKET.UZ

 @MUNIRMARKET.UZ

 FB.ME/MUNIRMARKET.UZ

 MUNIR

 (+998) 71 244 45 45

42000

ҚУРЪОНДА

мухаббат ва унинг

ИНСОН

ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ

Ушбу китоб икки катта бўлимдан иборат. Китобда Аллоҳ таолонинг инсонга, инсоннинг эса Аллоҳ аззи ва жалалига ҳамда ўзи каби бошқа инсонларга бўлган мухаббати, севгининг инсон ҳаётидаги ўрни, унинг шариатга мувофиқ ва ундан оғиб кетган ҳолларда намоён бўлиши шакллари ҳақида сўз боради.

ИНТЕРНЕТ ДУКОН:



MUNIR-NASHRIYOTI.UZ



@MUNIRMARKET.UZ



MUNIR



@MUNIRMARKET_UZ



FB.ME/MUNIRMARKET.UZ



(+998) 71 244 45 45

ISBN 978-9943-8014-7-9



9 789943 801479





